

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЖАҲОН СИЁСАТИ”  
модули бўйича  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзДЖТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди доцент Муитов Даврон

Тақризчилар: С.ф.д., профессор А. Мўминов  
С.ф.д., профессор И.Эргашев

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>100</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>110</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>119</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Жаҳон сиёсати” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Жаҳон сиёсати” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- жаҳон сиёсати тарихи, жаҳон сиёсати субъектларини;
- жаҳон сиёсий тизимининг тузилмасини;
- жаҳон ривожланишининг умумий тенденцияларини;
- жаҳон сиёсатида шахснинг ролини;
- сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолатини;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принципларни;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан олиб бораётган ўзаро манфаатли ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини;
- МДҲ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишларини;
- истиқболга мўлжалланган сиёсий прогнозларнинг моҳиятини **билиши** керак.
- глобаллашувнинг замонавий жаҳон сиёсий ривожланишига таъсири масалаларини таҳлил этиш;

- замонавий жаҳон тартиботи концепцияларининг моҳиятини тушунтира олиш;
- интеграцион ва замонавий геосиёсий жараёнларни шарҳлаш;
- жаҳон сиёсатида ҳокимият учун курашнинг оқибатларини тадқик этиш;
- жаҳон сиёсати ва унинг Марказий Осиё давлатларига таъсири масаласини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ўрганиш;
- сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасидаги билимларни давомли мустаҳкамлаш;
- жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ давлатлари ҳамда Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг тутган ўрнини илмий фактларга асосланган ҳолда аниқлаш;
- жаҳон сиёсатида ислом омилиниң тутган ўринини очиб бериш;
- сайлов технологиялари ва сиёсий коммуникацияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини ўрганиш;
- сиёсий менежмент ва ОАВ ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти ва истиқболларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишиш ва уларнинг амалий аҳамиятини мустаҳкамлаш каби **қўнималарига** эга бўлиши лозим.
- жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсатининг узвийлигини англаш;
- замонавий геосиёсий жараёнлар ва халқаро хавфсизлик масаласини кўриб чиқиши;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналиш ва принципларни тарғиб этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ривожланган давлатлар билан олиб бораётган ташқи сиёсатининг амалий аҳамияти тўғрисида ўқув-видео материаллар тайёрлаш;
- қўшни мамлакатлар билан сиёсий, илмий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини тарғиб этиш;
- МДҲ мамлакатлари билан муносабатларнинг сиёсий йўналишлари, сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намоёндалар қарашларни ва уларнинг назарий меросини таҳлил этиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- Тингловчи:

- жаҳон сиёсатида шахснинг роли, жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати, жаҳон сиёсатида ҳокимият учун кураш масалалари моҳиятини тарғиб этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўкув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълимтарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамоилилари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатлари” модули мазмуни ўкув режадаги “Жаҳон сиёсати”, “Сиёсий менежмент”, ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараённада етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида билиш ва улардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараённада етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда улар

билин ижтимоий иш олиб бориши усулларидан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амайи машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Жаҳон сиёсати тарихига умумий шарх. Фаннинг предмети, обьекти ва парадигмаси. Жаҳон сиёсати субъектлари. Жаҳон сиёсий тизимининг тузилмаси. Жаҳон ривожланишининг умумий тенденциялари	6	4	2	
2.	Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари. Жаҳон сиёсатида шахснинг роли. Жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати.	4	2	2	
3	Жаҳон сиёсатида кўп томонлама форматлар. Замонавий дунёда интеграцион жараёнлар. Замонавий геосиёсий жараёнлар. Халқаро майдонда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар	4	2	2	
4	Сиёсий фанларнинг асосий намояндадарининг қарашлари ва сиёсий концепциялар. Жаҳоннинг асосий маданий-тарихий марказлари ва минтақалари, уларнинг тараққиёт қонуниятлари. Геосиёсатнинг асосий параметрлари	6	2	4	
5	Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси давлатлари. Жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ давлатлари. Жаҳон сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили	6	2	4	
	Жами:	26	12	14	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Жаҳон сиёсати тарихига умумий шарх. Фаннинг предмети, обьекти ва парадигмаси. Жаҳон сиёсати субъектлари. Жаҳон сиёсий тизимининг тузилмаси. Жаҳон ривожланишининг умумий**

#### **тенденциялари (4 соат)**

Жаҳон сиёсати замонавий тарихини англаш. Жаҳон сиёсати тарихига умумий шарх. Фаннинг предмети, обьекти ва парадигмаси. Жаҳон сиёсати субъектлари. Жаҳон сиёсий тизимининг тузилмаси. Жаҳон ривожланишининг умумий тенденциялари. Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Жаҳон сиёсатининг геосиёсий тушунчалари, қонуниятлари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон ташқи сиёсати тараққиётнинг юқори босқичи. Ҳаракатлар стратегияси геосиёсий тушунчалари, Ўзбекистон ташқи сиёсати.

**2-мавзу: Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари. Жаҳон сиёсатида шахснинг роли. Жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати.**

**Жаҳон сиёсатида ҳокимият учун кураш (2 соат)**

Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари. Жаҳон сиёсатида шахснинг роли. Жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати. Замонавий жаҳон тартиботи ва унинг геосиёсий ва журналистик таҳлили .

**3-мавзу: Жаҳон сиёсатида кўп томонлама форматлар. Замонавий дунёда интеграцион жараёнлар. Замонавий геосиёсий жараёнлар. Халқаро майдонда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар (2 соат)**

Жаҳон сиёсатида ҳокимият учун кураш. Жаҳон сиёсатида кўп томонлама форматлар. Замонавий дунёда интеграцион жараёнлар. Замонавий геосиёсий жараёнлар. Халқаро терроризмга қарши кураш ва жаҳон сиёсати. Жаҳон сиёсий жараёнида жаҳон иқтисоди муаммоси. Жаҳон сиёсати ва халқаро хавфсизлик. Жаҳон сиёсати ва Марказий Осиё. Марказий Осиё – ягона геосиёсий феномен. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги салоҳияти. Субминтақавий геосиёсий марказлар, давлатлараро бирлашмалар. Минтақавий ихтисослашув, геосиёсатнинг минтақавий позицияси.

**4-мавзу: Сиёсий фанларнинг асосий намояндаларининг қарашлари ва сиёсий концепциялар. Жаҳоннинг асосий маданий-тарихий марказлари ва минтақалари, уларнинг тараққиёт қонуниятлари.**

**Геосиёсатнинг асосий параметрлари. (2 соат)**

Сиёсий фанларнинг асосий намояндаларининг қарашлари ва сиёсий концепциялар. Жаҳоннинг асосий маданий-тарихий марказлари ва минтақалари, уларнинг тараққиёт қонуниятлари. Геомафкуравий концепциялар. Ўлкамизда “Катта ўйин” тарихи. Жаҳон сиёсатида мафкуравий келишмовчиликлар. Халқаро майдонда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар.

**5-мавзу: Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси давлатлари. Жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ давлатлари. Жаҳон сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили (2 соат).**

БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида Президент Ш.Мирзиёвнинг ёшлар омилига доир ташаббуслари. Ахборот асрида баркамол авлодни тарбиялаш ғояси. Жаҳон геосиёсати асосий параметрлари. Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси давлатлари. Жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ давлатлари. Жаҳон сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили. Ёшлар дунёқараши учун қураш масаласининг долзарблашуви.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Жаҳон сиёсати тарихига умумий шарх. Фаннинг предмети, обьекти ва парадигмаси. Жаҳон сиёсати субъектлари. Жаҳон сиёсий тизимининг тузилмаси. Жаҳон ривожланишининг умумий тенденциялари. (2 соат).

**2-амалий машғулот.** Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари. Жаҳон сиёсатида шахснинг роли. Жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати. (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Жаҳон сиёсатида кўп томонлама форматлар. Замонавий дунёда интеграцион жараёнлар. Замонавий геосиёсий жараёнлар. Халқаро майдонда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар. (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Сиёсий фанларнинг асосий намояндадарининг қарашлари ва сиёсий концепциялар. Жаҳоннинг асосий маданий-тарихий марказлари ва минтақалари, уларнинг тараққиёт қонуниятлари. Геосиёсатнинг асосий параметрлари. (4 соат).

**5-амалий машғулот.** Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси давлатлари. Жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ давлатлари. Жаҳон сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили. (4 соат).

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаш олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Хулосалаш (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик групкалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групка умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча групкалар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

#### **Намуна:**

##### **Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили**

**Тизимли таҳлил**

**Сюжетли таҳлил**

**Вазиятли таҳлил**

Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишини, кўп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқа бир сюжетга нисбатан кўлланишга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди

**Хулоса:** Тахдилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли тахдилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради.

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

•

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**C**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**M**

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**Y**

- фикрингизни умумлаштиринг

•

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бiri билан ўзаро боғланган элементлар мажсумаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.



#### **Тест**

- 1. Тизим қандай сўздан олинган?
- A. modulus
- B. modulis
- C. model



#### **Қиёсий таҳлил**

- Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жиҳатларини ажратинг?



#### **Тушунча таҳлили**

- Механик тизим тушунчасини изоҳланг



#### **Амалий кўникма**

Тизимли таҳллни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини қўллаш тартибини биласизми?

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1 МАВЗУ: ЖАҲОН СИЁСАТИ ТАРИХИГА УМУМИЙ ШАРХ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ ВА ПАРАДИГМАСИ. ЖАҲОН СИЁСАТИ СУБЪЕКТЛАРИ. ЖАҲОН СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛМАСИ. ЖАҲОН РИВОЖЛАНИШИННИГ УМУМИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Режа:**

1. Жаҳон сиёсати замонавий тарихини англаш.
2. Жаҳон сиёсатининг геосиёсий тушунчалари, қонуниятлари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
3. Ҳаракатлар стратегияси - ташки сиёсат тараққиётнинг юқори босқичи.

*Таянч сўзлар: Жаҳон сиёсати, Жаҳон сиёсати замонавий тарихи, Ҳаракатлар стратегияси, геосиёсий тушунчалари, Ўзбекистон ташки сиёсати*

##### **1. Жаҳон сиёсати замонавий тарихни англаш**

*Жаҳон сиёсати - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ўртасидаги фаол сиёсий фаолиятлар мажмуасидир. Халқаро сиёсат тузилиши жиҳатидан суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятн, минтақавий давлатлараро ва жамоатчилик тузилмалари, гуруҳлари ва имтифоқдошлар ўртасидаги алоқаларни ҳамда умумбаширий миқёсда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва муассасалар фаолиятларини қамраб олади.*

Шубҳасиз бугун жамиятимиз ҳаракатлар стратегияси тамойилларини миллий ғоя даражасида қабул қилди. Энди Одамларни рози қилиш йўлидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари олдинга жадал суримоқда. Бу шиддат ва суръат ғоявий жиҳатдан чинакамига жамият тафаккури ва дунёқарашига янги юксалиш ҳақидаги маънавий марифий озукани берди. Одамларни кўнглидан жой ола олган таклифлар, қарашлар, ғоялар концепциялар даврида яшаяпмиз. Эндиликдаги янги юксалиш мафкуравий қарашларимизда халқимизни янгитдан бирлаштирувчи ва сафарбарлик қудрати билан ўзини намоён қиласидиган янгидан янги илмий ғояларга эҳтиёж кучайиб бораверади. Янгиланаётган Ўзбекистон сиёсий имиджи хақида курашадиган вақт келди. Бугун ҳаракатлар стратегияси даврида Ўзбекистон ўзини жаҳон сиёсатида барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда хал этиш тарафдори

сифатида намоён қилмоқда. Демак таълим тарбия, маънавий маърифий ишлар соҳасидаги илмий -инновацион ислоҳотлар Ўзбекистонни кучли мамлакат сифатида халқаро ахборий жараёнларга жалб қилиш амалиётини тоқозо қиласди. Иккинчидан жаҳонда юз бераётган улкан геосиёсий ўзгаришларни ўз вақтида англаш ва унга фақат ва фақат Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан муносабат билдириш фазилатларини ёш журналист кадрларда шакллантириш - давлат кадрлар тайёрлаш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айнан ОАВ орқали турли геосиёсий жараёнларнинг моҳиятини тушунтиришда миллий манфаатлар қадриятини англаш йўлига жадал ўтишимиз жоиз. Геосиёсий тадқиқотларнинг асосий илмий йўналишлари бўйича янги илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг натижасида геосиёсат ва журналистика фани субъекти ва обьекти, унинг замонавий ахборот асри билан боғлиқ янги категориал тушунчалари пайдо бўлди. Айниқса геосиёсат фани функциялари туфайли Ўзбекистон худудида ахборий омилларни таҳлил этиш баробарида муҳим илмий -амалий йўналишларни ўзлаштиришга имконият кенгайиб кетди. Айни бу ҳолат бу дунёдаги сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда юз бераётган жараёнларни тўғри ва аник тушуна оладиган, ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқларидан самарали фойдаланадиган, давлат томонидан халқаро майдонда қўйилган мақсад ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етадиган, профессионал касбий малакаси юкори бўлган миллӣ кадрларни тайёрлаш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

Зотан ҳозирги глобал ахборотлашув асрида ўз геосиёсий мақсадлари йўлида бирон-бир давлат ҳудудига ҳарбий куч билан бостириб киришдан кўра ғоявий тажовуз усулини қўллаш энг қулай восита даражасига айланмоқда. Ҳар ҳолда кейинги йилларда баъзи ёш мустакил мамлакатларда демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарур, дея бутун дунёга жар солаётган кучлар геосиёсий даъволарининг моҳиятини англай бошладик. Аслида, бундай сиёсий технологиялар ортида бутун жаҳонга хукмронлик килишдек узокқа мўлжалланган геосиёсий, стратегик ва иқтисодий мақсад - манфаатлар тургани тобора аён бўлиб бормокда.

Демак, геосиёсий тадқиқотларнинг методлари, мавжуд назарий қарашлар, улар бўйича хрестоматик адабиётлар билан чукур таништириш ўзбек халқаро журналистика соҳасининг муҳим йўналишига айланиши жоиздир.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги инсон ва табиий ресурслар ҳажми ва минерал хом ашёни истеъмол қилиш кўлами ўртасида улкан номутаносиблик мавжуд. Минерал ресурсларнинг асосий қисми саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол қилиниб, хом-ашё

оқимлари, асосан, Шимолий Америка ва Ғарбий Европа давлатлари сари йўналтирилган. Жаҳон ресурсларининг яна 30 фоизини Ғарбий Европа, Канада ва Япония истеъмол қилади. Бу мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 9 фоизи истиқомат килади. Бунга қарама-карши ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 60 фоизи истиқомат қилсада, бу мамлакатлар эвазига заминимиздаги табиий ресурсларнинг бор-йўғи 16 фоизи тўғри келмоқда. “Учинчи дунё” мавзуси ўткирлашди. Жануб билан шимол ўртасидаги номутаносиблик жаҳон сиёсатига таҳдид солмоқда.

Демак ривожланган мамлакатлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун кўшимча ресурслар излайдилар ва бундай ресурслар жойлашган худудларни ўз таъсир доирасига олишга интиладилар.

Бугун халқаро майдонда сиёсий ва иқтисодий кучлар нисбати ўзгараётган, унинг минтақавий ва глобал миқёсда хавфсизликни таъминлаш жараёнлари учун олдиндан қўра билиш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган бир даврда яшамоқдамиз.

Хавфсизликка раҳна solaётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидлар тури кенгайиб бормоқда, Ўзбекистон чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолмоқда. Бизга яқин бўлган муҳим минтақаларида янги қуролли можаролар ва низоларга олиб келувчи вазиятларнинг кўпайиб бориши хавфи мавжуд. Дунёда тўхтовсиз давом этаётган «геосиёсий ўйинлар», тобора жадал тус олиб бораётган «геосиёсий рақобат» жаҳондаги кескинлик ва стратегик мавҳумликни кучайтиради. Айрим халқаро субъектларнинг қисқа муддатли ва тор доирадаги манфаатларни кўзловчи шошма-шошарлик билан амалга оширилаётган тартибсиз ҳаракатлари халқаро хуқуқнинг фундаментал принциплари бузилишига олиб келмоқда.

Давлатларнинг ривожланиши учун қулай имкониятлар очиб бериш, жумладан иқтисодиёт, энергетика, экология, озиқ-овқат би-лан таъминлаш, ахборот алмашиш, гуманитар хавфсизлик соҳаларида турли хавф-хатарлар юзага келди. Иқтисодий тараққиёт марказининг Осиё томон силжиши, стратегик ресурслар учун курашнинг кескинлашуви, дунё мамлакатлари ва минтақалари ўртасидаги ривожланишдаги фарқ кучайиб бормоқда. Буюк давлатчилик тафаккури таъсири остида ёш мустакил давлатларда демократия танкислигини рўкач қилиб, бу мамлакатлардаги демократлантириш жараёнларига "устозлик" килишга даъво қилаётган, уларни ўз йўриғига солишга уринаётган айрим кучларнинг ҳаракатлари инсониятни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. XXI асрда бу технологиялар “араб баҳори”, “рангли инқилоблар” мақомини олди ва “демократия экспорти” стратегиясининг тактик босқичларидан бирига айлантирилди.

...Демак, шиддат билан ўзгараётган бугунги дунёда миллий хавфсизлигимизни таъминлаш нафақат ён-атрофимизда юз бераётган жараён ва ҳодисаларга муносиб жавоб бериш, балки уларнинг салбий оқибатларини ўз вақтида олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган

эхтимолий хавф-хатарларни олдиндан кўра билиб, тегишли эхтиёт чораларини ишлаб чиқиш ва таҳдидларни бартараф этишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси мустақил давлатлар суверенитетига таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни геосиёсат ва журналистика фани орқали билиш, англаш унга муносабат билдира олишни муҳим вазифага айлантиради.

## **2. Жаҳон сиёсатининг геосиёсий тушунчалари, қонуниятлари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ГЕОСИЁСАТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ФАНИГА ЗАРУРАТ**

XX асрнинг глобал геосиёсий муҳитидаги агрессорнинг асосий ишлаб чиқариш саноатини яксон этиш, ҳудудларни забт этиш билан боғлиқ мазмуни бугунга келиб ўзгарди. Ахборий жамиятда маконни назорат қилишининг асосий воситаси шахс устидан маънавий-мафкуравий назорат қилиши исботланган ҳақиқатга айланди. Яъни асосий мақсад – бир қатор муайян миллат ва халқларнинг дунёқарашини бошқариш бўлиб қолди. Айниқса халқаро журналистик таҳлиллардаги макон учун курашнинг ахборот майдонида яққол намоён бўла бошлаши - постклассик геосиёсат тўғрисида илмий қарашларга ўзгаришлар киритиши жоиз эди. Ахборот инқилоби даврида ҳудди шу маданий-маънавий, миллий-рухий омилларга эътибор бериш зўрайди.

*Зотан, ҳозирги қунда макон учун олиб борилаётган ахборот урушиларининг асосий гояси – геосиёсий рақибларга олдиндан режсалаштирилган ва дастурлаштирилган дунёнинг ахборий қиёфасини мажбуран сингдириши, шу тифайли унинг бошқарув тизимини бутунлай бошқаршига ҳаракатлар – геосиёсат ва журналистика йўналишидаги тадқиқотларни тубдан янгилаб боришини талаб этмоқда.*

Қолаверса, жаҳон сиёсатида совук уруш давридан бери янги геосиёсий эътиқод “Рақибнинг дунёқарашини англаш ва билиш объектив реалликдан муҳимроқдир” деган ғоя тинимсиз олдинга сурилиб келинди. Ҳар ҳолда яқин ўтмишда геосиёсат учун ер макони (борлиқнинг) картографияси муҳим омил бўлган бўлса, энди геосиёсатнинг асосий дикқат марказини инсон қалби муаммоси эгаллай бошлади.

Қизиги ва муҳими, ахборот инқилоби глобаллашув жараёнлари тараққиёти баробарида юз бермоқда. Бу, албатта, турли минтаقا ва мамлакатлар ўртасидаги анъанавий тўсиқларнинг муайян даражада сидирилиб, ювилиб кетишига сабаб бўлаётир. Ҳар ҳолда учинчи минг йилликда халқаро хавфсизликнинг барча асосий параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан, куролланиш пойгасини тўхтатиш каби омилларга боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда “ноанъанавий” таҳдидлар билан курашиш биринчи ўринга чиқди<sup>1</sup>. Агар ўтмишда стратегик жиҳатдан

<sup>1</sup> Халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, ноқонуний миграция, ахборий диверсиялар шулар жумласига киритилмоқда.

жойларда разведка ва контрразведка устуворлик қилган бўлса, эндиликда уларнинг ўрнини ахборот оқимларини таҳлил қилиш омили эгаллади. Улар орасидан агрессив - бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиб олиш, ўз вақтида фош қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

*Журналистика оламидаги янги воқеликлар геосиёсатчилар олдида янги ноанъанавий муаммони кўндаланг қўя бошлиди: бу ахборий хуружсинг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги ролини таҳлил қилиши муаммосидир.* Бинобарин бугунги кунга келиб айни ахборий таъсир ва тазиик ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали – миллий менталитет, миллий маданият, одамларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасини ўзгартириб ташлаш қудратига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, миллий психология ва тафаккур қиёфасининг ўзга қучлар томонидан ўзгартирилиши глобал таҳдид даражасига етди. Шундай қилиб, ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки геосиёсий моҳият касб этмоқда. Тажовузкор ғояларнинг худудий чегарадан четлаб ўтиб, оммани бошқара оладиган ахборот технологияларининг вужудга келиши ҳарбий ҳаракатлар театрини турли тамаддунларнинг миллий-тарихий, руҳий-маданий оламига таҳдид қилиши билан кўзга ташланмоқда.

Инсон-цивилизация-маданият тушунчалари доирасидаги ўзлиқдан воз кечиши истаги етакчи давлатлар мураккаб ахборот тизимларининг мажбурий элементи сифатида киритилмоқда. Мақсадли ахборот таъсири орқали миллий ўзлиқдан воз кечтириш механизмини ишга тушириш йўлига ўтилди, бунда маҳфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилмоқда.

*Бугун интернет, оммавий ахборот коммуникациялари, рекламадан иборат бўлган замонавий ахборот макони – бу ахборот орқали бошқариладиган яхлит бир дунёга айланди.*

*XXI асрда “кўзга кўринмас” ахборий таъсир қилиши геосиёсий қарашларни қай даражада ўзгартириши мумкин?*

Хозирги пайтда бошқа давлат ва қучларга таъсир ўтказишнинг барча инструментларидан фойдаланиш асосий мақсад сифатида етакчи давлатлар томонидан олдинга сурилмоқда. Глобал лидерликка интилиш ёки улар томонидан белгиланаётган қадриятларни қабул қилиш, “демократия экспорти” – ғарбона демократик идеал ва қадриятларни сингдира бориш, либерал демократияни тарқатиш туфайли ғарбона қадриятлар қувватининг оширилиши каби тушунчалар журналистик таҳлилларнинг диққат марказидан ўрин эгаллади. Яъни, дунё журналистикаси геосиёсий курашнинг виртуал майдонига айланиб улгурди. У бир кўринишда беозордек туюласада, аслида шафқатсиз ва аёвсиз феномен тусини олди. Бугун оммавий ахборот воситаларида “ёвузлик ўқи” деб сингдирилган қатор-қатор давлатлар беқарорлик, ёвузлик, камбағаллик, ночорлик ўчогига айланаётганлиги – таассуфки, навбатдаги “антитеррор” операцияларнинг натижаларидан равшанлашиб бормоқда.

Учинчидан, ахборот маконидаги геосиёсий ғоя ва қарашларнинг таҳлили одатдаги сиёсий таҳлилларга нисбатан ўзига хос динамик ёндашувларни талаб этиши сезилмоқда. Бунда ахборот маконида ҳақиқатни ёлғондан фарқлай олиш учун геосиёсий ғояларнинг тўқнашуви бўладиган “куч майдонлари”ни доимий равишда кузатиш талаб қилинади. Уларнинг кутилмаган вазиятларда бир-бирига қарши босимини англаш кўп жиҳатдан геосиёсий башоратларимизда аскотади. Жумладан, бу ерда жаҳон ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал кураш натижалари кўпинча шу нисбатга боғлиқ бўлиб қолаётир.

*Бугун геосиёсатнинг ахборот концепциялари шуни англатмоқдаки, давлатлар ўртасидаги маконий муносабатлар эндиликда виртуал макондаги ахборот устунлиги билан белгиланиб боради. Айни шу маънода геосиёсий стратегияни ишлаб чиқиши ахборий-мафкуравий устунликка асосланган оператив концепцияни яратиши билан намоён бўлади..*

Шу тариқа халқаро сиёсатда мустақил давлатларнинг куч-қудратини ахборот технологиялари ёрдамида ўстириш, бу борада барча имкониятлардан самарали фойдаланиш амалиёти ҳақида баҳс-мунозоралар кўпайди. Албатта бу ҳолат курашнинг реал макондан виртуал маконга ўтишини қизғин босқичга олиб келмоқда. Аслида бу XXI аср сиёсат оламидаги ўзига хос геосиёсий инқилоб эди. Бугун эса уни геосиёсат ва журналистика фанлари уйғунлигига англаш ва билиш, тафаккур қилиш вақти етиб келди. Жаҳон геосиёсий саҳналаридағи рақобат шуни талаб этади. Биринчи навбатда табиий энергия ресурслари учун бўлаётган кураш унинг ахборий таъминотида янгидан-янги сценарийларни олдинга суриши аниқланди: гоҳида зимдан, гоҳида ошкора очиқ ойдин олдинга сурилаётган геосиёсий мақсадларнинг мағзи буни тасдиқлаб турибди. Демак дунёга ким устунлик қиласи, - деган масала айни етакчи давлатлар ахборот сиёсатининг устувор вазифасига айланиб улгурди. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг самарали ва арzon воситаси яна бир бор ахборот институтларига бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган сиёсий аксиомага айланди.

Албатта, бундай қарашлар мустақиллик, миллий ва давлат манфаатлари борасидаги қизғин, баҳсталаб концепцияларни ривожлантиришга, геосиёсат ва журналистика ҳақидаги илмий назарий тасаввурларимизни кенгайтириб боришга чорлаши жоиз.

Мутахассислар фикрича, инсоният бугунги кунда янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи инқилоб эмас. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш икониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувнинг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларга етказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. Газета ва журналларни нашр этишнинг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайтирди. Радио ва телевидение эса ахборотни овоз ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни янада янги сифатий босқичга кўтарди.

ОАВ бу сўз, образлар, мусиқа ва шу каби шаклларда ахборотларнинг тезлиқда узатилиши ва оммавий тарқатилишини таъминлашга хизмат қиласди. Бундай воситаларга оммавийлик, даврийлик, тингловчи ёки ўқувчилар аудиториясининг кенглиги каби хусусиятлар хосдир. Таҳлилларда шу нуқтаи назардан ОАВ имконияти ва қамровининг кескин даражада ўсганлигига эътибор қаратилмоқда.

ОАВнинг қамров даражаси, бошқача айтганда, маҳаллий, умуммиллий, минтақавий ёки халқаро (глобал) миқёсда фаолият кўрсатиши ҳам унинг таъсир доирасини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

1980 йилда тузилган CNN (The Cable News Network) компанияси бугунги кунда 24 соат давомида ахборот узатиш билан шуғулланади. Ҳозирда CNN таркибида янгилик тарқатиш билан шуғулланадиган 14 кабел ва спутник каналлари, 2 та радиостанция, 6 та интернет сайти ва хорижий мамлакатлардаги 37 та бюро фаолият кўрсатмоқда. CNN янгиликлари 38 та космик йўлдош сигналлари ёрдамида узатилади, уни 212 мамлакат ва ҳудуддаги 1,5 миллиард одам бир вақтнинг ўзида кўриш имконига эга. 1991 йилнинг январда айнан CNN ёрдамида Форс кўрфазида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар тўғридан-тўғри телеэфирга олиб берилди. 2001 йилнинг 11 сентябрдаги террорчилик амалиёти ҳақидаги телесюжетлар ҳам шу компания ҳаракати туфайли бутун дунёга воқеа содир этилган жойдан тўғридан-тўғри узатиб турилди.

Би-би-си эшиттиришлар корпорациясига (British Broadcasting Corporation, BBC) эса 20 дан ортиқ телеканал ва 14 та радиоканал, бир қатор сайтлар ва 40 яқин журналлар тегишилди. BBC 40 дан ортиқ тилларда эшиттиришлар олиб боради.

Рейтер ахборот агентлигига дунёнинг 91 мамлакатида 14000 ходим, шу жумладан, 2300 журналист, фотомухбир ва видеооператорлар ишлайди. Рейтер агентлиги дунёнинг турли мамлакатларида 197 та бюросига эга. Агентликнинг хабарларидан ҳар куни 1 миллиард одам танишади.<sup>1</sup>

Ҳозирги даврда сунъий йўлдош ахборот узатишнинг энг қулай ва самарали воситаси бўлиб қолди. Аммо у қулай бўлса-да, “чўнтакбоп” эмас: жуда катта маблағ талаб этадиган сунъий йўлдошга ҳамма давлат ҳам эгалик қилолмайди. Шу боис фазодаги сунъий йўлдошлар бир нечагина давлатга қарашли: АҚШ (30 та), Япония (21 та), Россия (12 та), Хитой (9 та), Ҳиндистон (9 та). Лекин ахборот узатишнинг асосий воситаси саноқли давлатлар қўлида тўплангани бошқаларнинг ҳам улар айтиётган “қўшиқ”ка жўр бўлишини тақозо этади.<sup>2</sup>

Ушбу мисоллар бугунги кунда ОАВ қамров доирасининг нақадар кенглигини тасаввур қилиш имконини беради. Ахборот инқилобининг ҳосиласи жуда катта ахборотни қайта ишлаш, хоҳлаган мамлакат кутубхонасида сақланаётган китоблардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлигига ҳам кўриш мумкин. Радио, телевидение, интернет энг сўнгти

<sup>1</sup> Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. “Муҳаррир”, Тошкент: 2009, 77-79-бетлар.

<sup>2</sup> Ёқубов С. Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат. // “Тафаккур” журнали, 4-сон, 2007 йил, 15-бет.

илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилиш, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда.

Юқоридаги мулоҳазалар бугунги кунда турли шакл ва мазмундаги ахборотлар инсон ва жамият ҳаёти, тараққиёти ва камолотининг зарурий шартига, ОАВ эса уни тарқатишнинг муҳим бўғинига айланганини кўрсатади. Хусусан, радио, телевидение, газета ва журналларсиз ҳар қандай маълумотли киши ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда тўғри йўл топа олиши қийин. ОАВ одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. ОАВнинг бугунги кундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келганини таъкидлаш зарур.

ОАВ орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазиيқнинг ўзига хослиги шундаки у ўкувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққатни кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регулятрлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. Бундай таъсир ўтказишда даврий нашрлар тадрижийлик, радио ва телевидение фрагментли узатиш усулларидан усталик билан фойдаланишмоқда.

Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет кишилар ҳаётининг ажralmas қисмига айланиб бормоқда<sup>1</sup>.

Геосиёсий конфликтлар тарихи эса геосиёсий манфаатлар тўқнашувида журналистика институти ҳеч қачон тўлиқ мустақил бўла олмаслигини тасдиқлади. Уларнинг қарамлик даражаси эса назорат қилувчи муайян ҳалқаро корпорация, саноат ва молия гуруҳлари, жумладан, турли давлатлар, сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан назоратига боғлиқ ҳолда ўз ечимини топмоқда. Яна бир томони, бундай пайтда ОАВдан кўпроқ фойда олиш айни етакчи давлатлардаги матбуот эркинлигининг даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Кундан-кунга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши билан уларнинг фаолиятини назорат қилиш қийинлашиб бораверади. Шунингдек, бугун ривожланган давлатларнинг ҳар қандай фуқароси теле-радио каналлар, интернет тармоғи ва бошқа ахборот манбаларидан турли хил ахборотни олиш ҳукуки ва имкониятига эга. Ҳозир ОАВнинг геосиёсий манфаатларни олдинга

<sup>1</sup> Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. “Муҳаррир”, Тошкент: 2009, 79-бет.

*суринишдаги ролини ойдинлаштириши масаласи жиiddий тус олган давр. У мазкур масалада ҳам геосиёсий таҳлилларнинг заруриятини тасдиқлайди.*

Бугун оммавий ахборот воситаларидан у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга тўғридан-тўғри таъсир қилиш имкониятидан фойдаланиш йўлига ўтилган. Албатта шундай пайтда у сиёсатнинг муҳим бир элементи сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан ОАВ турли давлатлар ҳақида худудий тасаввурларни ривожлантириши, кайфиятларни ўзгартириб туриши, ахолининг кенг қатламида тарқала олиш имкониятига эга.

*ОАВнинг бу имконияти ижтимоий фикрни шакллантиришида жуда қўл келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у геосиёсий ўйинчиларнинг ўйинчогига айланиши ҳеч гап эмас. Бу жараёнда трансмиллий корпорациялар, диний ташкилотлар каби бошқа турли акторларнинг тенг иштирок этишига интилиши сезилмоқда. Шу тариқа, ҳозир турфа хил мағкураларни тарқатиши ОАВнинг биринчи даражали вазифалари жумласига киради. Натижада, тарқатилган ахборот газета-журнал, радио-телевидение, аудио-видео кассеталар ва интернет тармоги орқали белгиланган геосиёсий вазифаларни бажара бошлайди.*

Истиқболда шу шаклда ОАВ узоқ вақт турли хил геосиёсий мақсадларни илгари суришда муҳим иштирокчи бўлиши кутилмоқда. Бу замонавий геосиёсий мактаблар олдида маърифатли жамиятга мос келувчи геосиёсатнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам долзарблаштиради. Бу ҳолатда оммавий ахборот воситаларида, айниқса, телевидениенинг геосиёсий жараёнларга тўғридан- тўғри таъсир ўтказишини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

*Телевидение бугунги замонавий жамиятда сиёсий мададни таъминлаш учун асосий ва қудратли восита вазифасини ўтамоқда, улар сиёсий компанияларни ташкил қилувчи қўйидаги сифатларга эга, яъни<sup>1</sup>:*

- сиёсий маълумотларни зудлик билан чекланмаган ҳажмда етказа олиш қобилияти;
- сиёсий маълумотни ҳар қандай инсонга мос равишида, унинг уйига ҳеч қандай маҳсус ва кўзланган сарф ҳаражатларсиз ўзлаштиришини талаб қилмайдиган тезкор шаклига эга.

Бугунги сиёсий жараённинг асосий иштирокчилари сиёсий онгининг шаклланишида телевидениенинг етакчи роли – аудивизион характерга эга бўлувчи замонавий шахс маданиятининг хусусиятлари билан белгиланади. Телевидение маълумотларнинг асосий қисмини аудивизуал функцияси орқали етказилиши билан жамият сиёсий дунёқарашида етакчи рол ўйнамоқда.

*Геосиёсатга оид материалларнинг журнал ва газеталарда эълон қилина бошлиниши эса ахборий жамиятга тааллуқли бўлган янги мезонларни геосиёсатга киритшига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси ахборий тизимлар*

<sup>1</sup> Қаранг. А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 229-бет.

ўртасида геополитик жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи воситалар ичидаги оммавий ахборот воситаларидан телевидениенинг аҳамиятини алоҳида кучайиб боришини тасдиқлади.

Қолаверса, замонавий сиёсий психология замонавий жамиятда рационал ёндашувлар эмас, балки "образ" ("имидж") ёрқинлиги асосий роль ўйнашини исботлади. Бугун жамият аксарият қисмининг сиёсий, мафкуравий ва геосиёсий қараашларининг телекоммуникация ёрдамида шакллантиришга зўр берилаётганлиги бежиз эмас. Ҳар ҳолда медиа "образ" этник, маданий, мафкуравий, сиёсий ёндашувлар асосидаги синтез маҳсули дея эътироф этилмоқда. Ўз навбатида, жамиятдаги маълумотларнинг турфа хиллиги ҳам уларнинг сиёсий ҳаётга сингиб кетишига таъсир қилувчи шартшароитларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғланган. Бундай пайтда турфа хил маълумотлар шахснинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги фаолиятининг фаоллашувига кучли таъсир ўтказади, одамларнинг мустақиллик даражасини ўстиради. Шу билан бирга, замонавий журналистикада техниканинг мукаммаллашиб бориши маълумот тарқатишнинг тезлигини мутлақ оширди, қисқа муддатда одамларнинг йирик оммасини қамраб олиш қобилиятини кучайтирди<sup>1</sup>.

*Шу тариқа, ахборот инқилоби янги ахборий парадигмаларни геосиёсатда шакллантира бошлади. Унинг марказидаги ахборот гоясига замонавий геосиёсат динамикасининг асосий омили сифатида қарала бошланди.*

Бугун ахборот технологиялари босими остида геосиёсий ҳукмронликнинг методлари, сиёсий макон ва замоннинг динамикаси ҳам ўзгара бошлади. Айниқса бундай маҳалда геосиёсатнинг янги ўлчови бўлмиш виртуал ахборий макон катта рол ўйнай бошлайди. Ахборий технологиялар ёрдамида геосиёсий курашнинг янги шакллари авжга чиқди. Буларнинг барчаси, геосиёсатдаги замонавий ахборий парадигмалар ёрдамида қўйидагиларни билишни кўзда тутади:

*- дунёдаги геосиёсий трансформацияни шундай таърифлашини ташкил қилиши керакки, унинг истиқболини аниқ тасаввур қила олинсин ;*

*- глобал геосиёсий эврилишиларнинг сабабларини тушунтириб бера олиш, келажакнинг воқеаликлари қачон, қаерда ва қандай шаклда бўлишини баюрат қилишига имконият яратилсин .*

Бугунги куннинг геосиёсий манзараси ўзининг мураккаблиги, глобал жараёнларнинг виртуаллиги билан белгиланаётганлигини айтиб ўтдик. Бу ҳолат геосиёсий бошбошдоқлик категориясидан геосиёсатчиларга жаҳон сиёсатининг мураккабликларига баҳо беришда қўл келмоқда. Геосиёсат ва журналистика фанини чукур ўзлаштириш эса макон устидан ахборий назорат ўрнатишнинг кўпгина муаммоларига доир мустақил илмий позицияни кучайтиришга олиб келиши мумкин. Бу сўзсиз ахборот инқилобидаги

<sup>1</sup> А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 149-бет.

сиёсий макон ва замон тушунчасининг таърифига жиддий ўзгартиришлар олиб киришдан бошланади. Шу тарзда бир қатор геосиёсий муаммолар журналистик таҳлилларда ўз аксини топади.

Шундай қилиб ахборот тўлқинларини бошқариш постклассик геосиёсатдаги ҳокимиятнинг асосий дастагига айланди. У борган сайин виртуал шаклга эга бўлмоқда. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ўтмишда геосиёсатни назорат қилиб борган эски халқаро институтларнинг парчаланишига олиб келмоқда, янгидан-янги можаро ва қарама-қаршиликларнинг авж олишига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда. Сиёсий вақтнинг тезлиги деган тушунча пайдо бўлди. Виртуал дунёни ўзлаштириш айни сиёсий вақтнинг тезлигидан келиб чиқади.

Бугун компьютер мониторлари ва телевизор экранлари билан боғлиқ ахборот майдонларидағи буюк ўзгаришлар классик геосиёсатдаги макон тушунчасига қайта ишлов бериш билан баравар қудратга эгадир. Геосиёсат ва ОАВнинг ўзаро муносабатлари янги минг йилликда давлатлар ўртасидаги маконий муносабатларнинг виртуал маконда ахборий устунликни таъминлай олиши билан белгиланмоқда. Шу сабабли геосиёсат ва журналистика фани айни инсон дунёқарашини нишонга олиш масалаларини тушунтириб бериш билан эътиборли.

*Бугун геосиёсат ва журналистиканинг марказий муаммоси – ахборий жамиятдаги инсоннинг сиёсий менталитетини ўзгартиришига таъсир ўтказишидир.*

Аслида энг асосий ахборот инқилоби оммавий ахборот воситаларидан ташқарида юз берди. Бугун у ахборий-психологик қуролнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, одамларнинг рухияти ва маънавий қиёфасига самарали таъсир қилишга қодир. У ҳозирги Украина, Афғон ва Яқин Шарқ дунёсидаги ҳарбий-геосиёсий можароларнинг журналистик таҳлилларида аниқроқ кўзга ташланмоқда.

Буларнинг барчаси журналистик таҳлиллар орқали геосиёсий маконни назорат қилишга доир механизмларни тадқиқ этиш – геосиёсат ва журналистиканинг асосий вазифалари эканлигини тасдиқлади. Геосиёсат ва журналистика соҳасининг зарурати айни шу ҳолатлар билан ифодаланади.

Сўнгги пайларда сиёсатчи ва журналистларнинг чиқишиларида “геосиёсий манфаат”, “геостратегия”, “геосиёсий можаро” каби атамалар тез-тез тилга олинмоқда. Геосиёсатнинг урф бўлишига ва унинг ривожланишига глобаллашув жараёни, дунёнинг икки қутблилиқ тизимининг ўзгариши ва кўпқутблилиknинг шаклланиши, унинг оқибатида сайёрада янги марказий кучларнинг пайдо бўлиши каби омиллар таъсир қилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти давлатлараро муносабатларнинг энг яхши шаклларидан бири сифатида дунёнинг кўп қутблилиқ тизимини жорий этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Айни шу ҳолат сайёрадаги кучлар нисбатининг ўзгарганига қарамай, ҳақиқий кўп қутблилиқ фалсафаси халқаро миқёсда қарорларнинг бир ёки икки кучли давлат томонидан эмас, балки бутун дунё

ҳамжамияти томонидан қабул қилинишини талаб этади. Айни глобаллашув жараёнига боғлиқ бўлган ўзаро алоқадорлик даражаси янадаadolатлироқ ва инсонпарвар дунёning шаклланишига имкон яратиши керак. Бу ўринда журналистика турли глобал жараёнларни ўзаро боғловчи муҳим бир қатлам хисобланади. Журналистларнинг фаолияти бевосита халқаро муносабатлар тизимининг иштирокчилари сифатида, БМТнинг инсонпарварлик ва демократия тамойилларига жавоб берувчи дунёning кўпқутблилилк тизимини тарғиб қилишда муҳим ўрин эгаллади.

*Геосиёсатнинг айни шу ислоҳотлардаги позицияси ОАВнинг иштирокисиз содир бўлмайди. Юқоридаги фаслда биз янгиликларни таҳлил қилиши орқали дунё сиёсат майдонидаги динамикани кузатиш мумкинлигини қайд этган эдик.* Геосиёсат ва журналистика фани эса талабаларни халқаро геосиёсатнинг назарий асосларини, мураккаб ахборий қарама-қарши глобаллашув шароитларида унинг ривожланиш тенденциялари ва йўналишларини, ахборий-мафкуравий соҳани ўрганишга йўналтиради. Аслида сиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда ОАВнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу ахборотни очиқ ҳаққонийлик асосида, реал дунёning виртуал кўриниши сифатида беришдан иборатдир. Зоро, глобал ахборий муҳит шароитида халқаро журналистдан олинган ахборот сиёсий қарорларнинг турли позицияларда қабул қилинишига асос бўлмоқда.

XX аср охирларига келиб, геосиёсат дунёning мавжуд ва шаклланаётган сиёсий тизими, унинг тузилиши, институтлари ва жараёнларини ўрганувчи мустақил илмий ва ўқув предмети сифатида тан олинишга эришди. Унга журналистикада геосиёсий мунозара муаммосининг долзарблашуви кучли таъсир ўтказди. Айни “глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёning сиёсий жараёнлари ва уларнинг ривожланиши тенденцияларини ўрганишини жиҳдий масалага айлантироқда.

Натижада улар журналистларга глобал ахборий маконда содир бўлаётган воқеалар ривожига таъсир ўтказувчи турли хил геосиёсий омилларни инобатга олган ҳолда кўриш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш имкониятларини бермоқда. Жумладан, давлатлар манфаатлари, кучлар мувозанати, ҳарбий имкониятлар, иқтисодий ва табиий ресурслар, мамлакатларнинг географик жойлашуви, ахборот оқимлари, миллий ғоя ва шу билан бирга давлат тузилишлари, цивилизация характеристи, халқаро конфликтларнинг даражаси ва бошқа кўп жиҳатлар геосиёсий мунозара учун муҳим мавзуларга айланди.

Шу тариқа журналистика геосиёсий услублар билан бойитилиши баробарида геосиёсий омиллардан бирига айланади, чунки замонавий шароитларда геосиёсий “ўйин”лар журналистлар бераётган ахборот ва улар эгаллаган позиция орқали қайсиadir даражада ОАВда амалга оширилади. ОАВ геосиёсий майдон ва геосиёсий восита сифатида намоён бўлади. Бугун глобаллашув жараёнига қадам қўйган инсоният жамиятга мавжуд ҳолатлардаги тўғри йўналишларни танлашда ОАВнинг фаол ёрдамига муҳтож. Бироқ турли ижтимоий гуруҳлар, шунингдек улар

томонидан қўллаб-қувватланадиган ОАВ ҳам глобаллашув жараёнига турлича баҳо берадилар. Бундай шароитларда турли геосиёсий концепциялар доирасида мавжуд қарашлар ва уларнинг ҳаракатини ўрганиш фавқулодда муҳим жиҳатга айланади.

Бизнингча геосиёсат фани - журналист учун глобал миқёсда ўзаро алоқадор бўлган географик, иқтисодий, сиёсий, маданий, мағкуравий омилларни инобатга олган ҳолда замонавий дунёга янада танқидийроқ ёндошиш имконини берувчи, халқаро муносабатлар ва ижтимоий реалликнинг таҳлили учун янги имкониятларни яратади. Айни пайтда ОАВнинг замонавий ҳодисаларга геосиёсий ёндашуви - БМТнинг асосий хужжатларида тараннум этилган инсонпарварлик ва демократик тамойиллар, умуминсоний қадриятлар билан жамиятда ижтимоий барқарорликнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ўрганиш ва уларга баҳо беришни талаб этади.

ОАВ шакл ва йўналишларига кўра ўзига хос тарзда воқеа, факт ва ҳодисалар узатилиб боради. Бу – табиий ҳол. Лекин фактлар сараланишининг ўзи позиция. Шунинг учун ОАВ факат ижтимоий ахборотни етказиб берувчи каналлар ҳолос, деган фикрларга кўшилиш қийин.

Жумладан, охирги вақтларда қарши алоқа – омманинг кўрган ва эшитганларига бераётган жавоб тарзига кўпроқ эътибор қаратила бошланди. ОАВнинг монополлашув жараёни, йирик матбуот концернларининг ҳатто ўз ҳоҳиш иродаларини бошқа нашрларга ҳам ўтказиш қучига эга бўлишига олиб келади. Замонавий техник таъминот ва кучли интеллектуал ресурслар билан улар унча катта бўлмаган ёки ўртacha нашрлар билан рақобатда осонгина ютиб чиқишли мумкин. Кўпгина ҳолларда биргина таҳдиднинг ўзи заиф томоннинг рақобатда кучли томонга ён беришига олиб келмоқда. Шу тарзда соғлом демократия учун омманинг фикри, онги ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш жиддий хавф туғдиради. Омманинг дунёқарашини сиёсий мақсадга йўналтириш, шакллантириш ва бошқариш бугунги кунда реал амалиётда кузатилади. Чунки замонавий бошқарув манипуляторлари жиддий тарзда ошкора ёки беркитилган мақсадга йўналтирилганлик билан ҳаракат қилиш хусусиятига эга.

Дунёning замонавий ҳолатини акс эттириш билан бирга ОАВ геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида муҳим рол ўйнамоқда. Гап сиёсатчилар, йирик капитал эгалари, академик тадқиқот доиралари, матбуот ва кенг жамоатчилик ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ҳам бажариш тўғрисида кетмоқда. Маълумки, совуқ урушнинг якунланиши етакчи давлатларнинг халқаро муносабатларига доир янги мунозараларни бошлаб берганди. Ҳозир совет империясининг таназзули туфайли дунёning драматик тарзда ўзгариб кетганини қўриш учун мактаб деворларида осилиб турган ҳариталарга қарашнинг ўзи кифоядир. Янги суворен давлатлар пайдо бўлди. Бир-бирини йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилган эски душманлар энди ҳамкорлик қилиш йўлларини изламоқдалар. Уларда бозор иқтисодиёти, демократик қадриятлар ва эркинликнинг афзаллик томонларидан фойдаланиш йўлига ўтилмоқда.

Сунъий йўлдошли телевидение, ипак толали оптика, компьютерлар ва видеоёзувлар оммавий дипломатияни янги босқичга олиб чиқди.

Тадқиқотларда социалистик тартиботнинг парчаланишида асосий ролни ўйнаган “Америка овози”, “Озод Европа” радиоси ва “Уорлднет” телевидениеси каби институтларининг ҳақиқат, озодлик, тинчликка интенсив чорловлари туфайли тоталитар тузумлар барбод бўлганлиги хусусида узилкесил хуласаларга келинди. Бугун эса “Евроньюс.”, “Ал- Жазира”, ТРТ турк, РТР, ОРТ каби телеканаллар шиддатли тарзда ахборотнинг рақобатлашувини таъминламоқда. Интернет журналистикаси ҳам ўзига хос ахборот глобаллашувига таъсир ўтказмоқда.

Маълумки, сиёсий экстремизм ҳали ҳеч қачон барқарор, ижобий натижаларни бермаган. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинган ва халқ фаровон ҳаёт кечирадиган давлатда сепаратизмнинг пайдо бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Сиёсий амалиёт тажрибаси унинг таҳди迪 мавжудлигини тасдиқламоқда , бундай ҳолатлар маълум геосиёсий мақсадларга эришишга имкон яратмоқда. Олдин йирик давлат бўлган мамлакатлар қанча майда бўлакларга бўлинниб барпо этилган бўлса, дунёни бошқариш шунча осон бўлади. “Бўлиб ташла ва ҳукмонлик қил” – мустамлакачиликнинг ушбу шиори яна қўлга олиниб, етакчи давлатлар томонидан назорат қилинувчи ОАВнинг бугунги амалиётларида қўлланилмоқда. ОАВдан геосиёсий манфаатларда фойдаланиш ОАВнинг ўзида этник, миллий ва диний муросасизликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий сиёсатшунослар миллатчиликни сиёсий тамойил сифатида келтириб, унинг мазмуни сиёсий ва иқтисодий бирликларнинг бир-бирига мос келишида эканлигини айтишмоқда. Бошқача қилиб айтганда, миллатчилик тамойили этник гуруҳларнинг ҳам ўз ҳукмонликларига эга бўлишларини талаб этади.

*Шу тариқа, сўнгги йилларда, ОАВнинг геосиёсий роли яққол кўзга ташланмоқда, айниқса, журналистиканинг турли "рангли инқилоблар"да иштироки жисдий сезилиб қолди. Аввалроқ бу - Венгрия, Чехословакия, Болтиқ бўйи, Шимолий Африка сингари мамлакатлардаги жараёнларда сезиларли рол ўйнаганди. Натижада геосиёсий назорат сиёсий журналистикада демократияни чуқурлаштириши гояси билан олдинга қадам ташлай бошлади.*

Бундай шароитда ОАВ институтлари орқали демоқратияни илгарилатиш никобидаги таҳдидлар ҳалқаро майдондаги турли сиёсий кучлар томонидан онгли равишда, узокни кўзлаб амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. Янги ахборот асирида эркинлик, демоқратия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни никоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосда дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиб, геосиёсий назоратни кучайтиришга эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам бундай таҳдидлардан кўзланган мақсад айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тобе қилиши, эндигина ривожланиб келаётган миллий давлат ва худудларнинг ер

ости ҳамда ер усти бойликларини эгаллаб олиш, дунёning баъзи минтақалардаги тинч ҳаётини издан чиқариб, бу ерларда айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган кучларни ҳокимият тепасига келтириш каби салбий жараёнларни юзага келтиришдан иборат эканлигини англаш ва унга нисбатан ғоявий қалқон тизимини ишлаб чикиш миллий журналистикамизнинг долзарб мавзусига айланди.

Иккинчидан, демократия ниқобидаги ахборий-мафкуравий таҳдид мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарам қилишга қаратилган хавф-хатардир. Бундай давлат суверенитетига кўплаб таҳдидларни мисоллар тариқасида келтириш мумкин. Демократик жамият қуриш баҳонасида Ироқ, Сурия, Миср, Тунис, Украина каби мамлакатларда ҳамон уруш алангаси ўчгани йўқ.

*Айниқса, бундай пайтда, четдан бўладиган "мехрибончилик"ларни ҳамма вақт ҳам бегараз деб бўлмайди. Эркинлик ва демократия ниқоби остидаги интилишларни ОАВ орқали зўр бериб олдинга сурини ҳолатлари сезилмоқда, уларнинг зарарли моҳиятини дарҳол анграб олиши қийин бўлмоқда. Тадқиқотлар ОАВларда "геосиёсий меҳрибончилик" кўпинча қуийдаги усувларда қўлланилганлиги тўғрисида кўп қайд қилишмоқда:*

- яъни биринчи навбатда - муайян геосиёсий нишондаги давлат равишда ҳалқаро миқёсда ишлаб танқид қилиб борилади, натижада — мустақил давлатнинг раҳбариятни демократияни хуши кўрмасликда айлаши жараёни бошланади;

- ушибу мустақил давлат фуқаролари орасида манфаатпараст, сохта демократия гояларига, алданишга мойил одамлар гуруҳи шакллантирилади;

- бойликка ўч ҳокимиятпараст айрим кимсалар билиб-бильмай бундай заразли сиёсий кучларга хизмат қила бошлайди, улар арзимас муаммоларни ҳам ирик муаммо сифатида кўрсатиб, аюҳаннос солишади;

- вақт ўтиб, маълум бир шароитлар етилгач, "рангли инқилоб" қилиниб, ҳокимият тепасига бетайин ҳалқ, Ватан манфаатларидан бегона, аксинча ёт манфаатларга хизмат қиласидиган сиёсий кучлардан кўтарилиши таъминланганлигини сўнгги кузатувлар тасдиқлади.

Буларнинг барчаси тадрижий равишида, шов-шув кўтарилилмасдан зимдан бамисоли табиий ривожланиш зарурати шуни тақозо этаётгандек амалга оширилмоқда. Қизиғи шундаки, бу ғаразли сиёсий ўйинга манфаатдор геосиёсий марказлар қани, нима бўлар экан, воқеалар ривожи бизнинг фойдамизга ишласа кўшиламиз, бўлмаса, тинч турганимиз маъқул, деган қоидага амал қилиб, шунчаки томошабин бўлиб туриш ҳолатлари кузатилди. Турли грантлар воситасида ўз ҳаракатчиларини молиявий таъминлаш, заруратга қараб, уларнинг фаолияти замонавий технологиялар билан жиҳозлаб борилди. Бундай сиёсий кучларнинг оммавий ахборот воситалари исталган вақтда дунёning ҳар қандай давлатига етиб бора олади. Зоро мазкур йуналишда хизмат килаётган журналистика учун муайян маблағ, шароит ва имкон - барча-барчаси муҳайё қилинмоқда.

Айни сиёсий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларида олдинга сурилган хатти-харакатлар, ғоявий, молиявий, ташкилий-семинар омилларнинг биргаликдаги қудратли кучи орқали реал ҳаётга мутлақо тўғри келмайдиган сохта ғоялар ҳам содда ва ишонувчан, мафкуравий иммунитети тўла шаклланмаган инсонлар назарида бамисоли ҳақиқатга ўхшаб кўрина бошлайди. Натижада бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун ОАВ лари доимий ҳушёрлик ва огоҳлик, маънавий-маърифий ишларни илмий асосда дунёдаги реал ҳолатлардан, мафкуравий кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш зарурати сезилади.

Хуллас, ОАВ орқали мўлжалга олинадиган демократия никобидаги геосиёсий таҳдидларнинг мудҳиши оқибатлари кенг кўламдаги ҳеч нарса билан ўрнини қоплаб бўлмайдиган маънавий-руҳий зарар билан даҳшатлидир. Тадқиқотлар геосиёсий тактиканинг асосий кўринишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларга алоҳида тўхталишга ургу беришмоқда:

1. Муаяйн геосиёсий мақсадларни кўзлайдиган кучлар эркин турмуш тарзи, иқтисодий маъмурлик ва фаровон ҳаёт ваъда қиласди. Бундай жозибали ваъдалар ҳар қандай содда кишини ўзига жалб қиласди. Айниқса, ривожланаётган ва ўтиш давридаги давлатларнинг фуқаролари бунга тез ишониб қолади. Шу маънода, демократия никобидаги таҳдиднинг биринчи зарари мустақил давлат фуқаролари онгини ёлғон ваъдалар билан ҷалғитишидир.

2. Аксарият ҳолатларда ОАВ да демократия никоби билан геосиёсий манфаатларни олдинга суриш дунёқарashi ҳали тўлиқ шаклланмаган одамлар, аввало ёшларни маънавий жиҳатдан мажрух қиласди. Чунки ёлғон ваъдаларга ишонган одамда ўз Ватани, ҳалқи ва жамиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Уларда фидойилик, ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик иштиёқи аста-секин сўниб боради. Энг ёмони - шахсда ўз жамиятида ўзини ёлғиз сезиш руҳи пайдо бўлади. Бу эса жамиятда парокандаликка сабаб бўлиб, бирлик ва бирдамликка путур етказади.

Демак ОАВнинг геосиёсий манфаатларни олдинга сурини "Эркинлик ва демократияни олға силжитиши" деган доктрина асосида собиқ шўро худудида ғоявий-ахборий таҳдидлар авж олган пайтда кўзга ташланди. Бугун, орадан анча вақт ўтгач, ОАВнинг геосиёсий мақсадлари учун олдинга сурилган ана шу инқилоблар мазкур мамлакатлар аҳолиси учун янги-янги муаммо ва ташвишлардан бошқа ҳеч нарса бермади. Буни ўша мамлакатлarda кузатилган қуйидаги мавҳум сиёсий жараёнлар ҳам тасдиқлаб турибди. Биз бу ҳақда кейинги фаслларда "рангли инқилоб технологиялари" мавзусини ёритганда батафсил гаплашамиз.

Шундай қилиб, ОАВ институтлари орқали демократия никобидаги ғоявий таъсир ўтказишнинг зарарли оқибатлари шу қадар даҳшатлики, улар миллий менталитетни, ўзликни ва Ватан тақдирини оғир аҳволга солиб қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси миллий журналистика олдига яна ва яна бир бор ҳалқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асрарш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда ҳалқаро майдонда содир бўлаётган

жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрға эга бўлиш бутунги куннинг энг долзарб вазифаси қаторида кўришни тақозо этмоқда.

Яъни, журналистикада геосиёсат билан боғлиқ сўз эркинлиги ва сиёсий барқарорлик, суверенитет, суверен демократия каби тушунчаларнинг долзарблашуви;

-*Катта сиёсий ўйинларда етакчи давлатлар томонидан ОАВ орқали сиёсий манипуляция қилишининг янги усулларининг жорий этила бошланиши;*

-*Геосиёсий даъволар таъсирида ОАВ орқали муайян миллий-ҳудудий аудиториянинг ижтимоий онгини мўлжалга олиши;*

-*Етакчи телеканаллар ва янги мустақил давлатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таранглашуви, ОАВ орқали ахборотни манипуляштириши ёхуд бошқариши, ахборотни сохталаштириши, уни ҳаққоний ахборот сифатида бир ёқлама етказиши, ўз манфаатларини сингдирган ҳолда ахборотни таҳрир қилиши;*

-*Манипуляторга фойдали томонини ҳисобга олган ҳолда ахборотни тақдим этиши, ташвиқотда “ақлни ювииш” деган таъсир ўтказиши технологиясининг юзага келиши, стереотиплардан фойдаланиши;*

-*Ҳарбий цензура ва демократия муаммолари, матбуот билан ишилашнинг хорижий услуг ва шакллари, Ироқ, Шимолий Кавказ, Панама, Веътнам, Афғон можаролари каби ҳалқаро конфликтларда жамоат ташкилотларининг ҳарбийлар фаолияти устидан назорат этиши, қонунийлик, танқид ва ошкоралик тамоийлари, иккиламчи стандартлар, демократияни олга сурини даъволари ва миллий, минтақавий барқарорликни таъминлаш;*

-*Айрим минтақаларда экология муаммоларни ОАВда тарафкашиликка йўл қўйилиб ёритилиши, унинг оқибатлари, катта сиёсат ва минтақавий экологик мавзуларни ОАВда ёритишнинг замонавий тенденциялари, соглом жамоатчилик фикрини шаклантириши, давлатлараро муносабатларда дўстона, эркин, ўзаро ишончга асосланган демократик қадриятларни ҳурмат қиласиган муҳитни шаклантириши;*

-*Етакчи давлатларнинг жаҳон сиёсатида лидерликни қўлдан бой бермасликка ҳаракати, мазкур жараёнларни ОАВ орқали ўз маданиятини кўз-кўз қилиши тамоили билан оқлашга уриниш каби тенденцияларни геосиёсий журналистикада батафсил таҳлил қилиш даврининг бошланишига олиб келди.*

Бугун, хулоса қилиб айтганда, ОАВ орқали геомафкуравий мақсадларни олдинга сурини, ахборий маконда геосиёсий рақобатнинг устувор йўналишлари, ахборий устунлик, ахборий қарама-қаршиликнинг обьектлари, субъектлари, давлатлар, иттифоқчилар ва коалициялар, ҳалқаро ташкилотлар, нодавлат ноқонуний ҳарбий бирлашмалар, террористик, экстремистик, диний радикал, сиёсий радикал йўналишдаги ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, виртуал ижтимоий жамиятлардан келаётган

ахборот таҳдидларини англаш, уларга муносабат билдириш геосиёсат ва журналистиканиң энг муҳим йўналишларига айланган.

### **3. Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон ташки сиёсати тараққиётнинг юқори босқичи.**

**Ташки сиёсат соҳасида қўшни ва хорижий давлатлар билан ўрнатилган ўзаро манфаатли муносабатлар**

#### **Ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиё - бош устувор йўналиш**

Бугун ҳаракатлар стратегияси даврида Ўзбекистон ўзини жаҳон сиёсатида барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплариiga асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишида хал этиш тарафдори сифатида намоён қилмоқда. Демак таълим тарбия, маънавий маърифий ишлар соҳасидаги илмий -инновацион ислоҳотлар Ўзбекистонни кучли мамлакат сифатида халқаро ахборий жараёнларга жалб қилиш амалиётини тоқозо қиласди. Иккинчидан жаҳонда юз бераётган улкан геосиёсий ўзгаришларни ўз вақтида англаш ва унга фақат ва фақат Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан муносабат билдириш фазилатларини ёш мутахассис кадрларда шакллантириш - давлат кадрлар тайёрлаш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилда МО мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда яхшиланиш йўлига ўтди. Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон туфайли эришилмоқда. Унинг раҳбари мамлакат Президенти лавозимини эгаллаши билан қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашни Ўзбекистон Ташки сиёсатининг бош устувор йўналиши сифатида белгилади.

Чунки Ўзбекистон минтақада ривожланган иқтисодий салоҳият, коммуникациялар инфратузилмаси ва малакали меҳнат ресурслариiga эга. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг сони 32 миллиондан ошиб кетди. У шунингдек табиий ресурсларга ҳам бой ўлкадир. Бу ресурсларнинг аксарияти ўз кўрсаткичларига кўра бетакрордир. Экспертларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 50 номдаги минерал ресурслар қазиб олинади. Уларнинг баҳолангандан қиймати 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда туради. Ўзбекистонда рангли металларнинг қирқقا яқин кони бор. Ўзбекистон мис ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг пешқадам ўн мамлакати қаторига киради. У кумуш, рух, кўрғошин ва вольфрам заҳиралари бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат анча катта энергетик салоҳиятга эга. Ўзбекистон ҳудудида умумий заҳиралари тўрт миллиард тоннадан кўпроқ бўлган 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу стратегик хом ашёни экспорт қилишда Ўзбекистон жаҳонда

етакчи ўринларнинг бирини эгаллади. Бундай ижобий мазмундаги статистик маълумотларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айтиш жоизки ҳарақатлар стратегиясининг бугунги босқичида ҳам Ўзбекистон минтақада прагматик, оқилона ва мақсадга мувоғиқ сиёсат юритиш тарафдори бўлиб, ташқи сиёсат мақсад ва вазифалари давлатнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ресурслари ва салоҳиятига мос келиши принципларига содик қолмоқда .

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий иирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Шубҳасиз,бу ҳолат геосиёсий нуқтаи назардан муҳим устунлик ҳисобланади. Айни пайтда, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлатdir. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, коқ марказида жойлашганлиги билан кучли геосиёсий мавқега эгадир.

Аҳамиятли томони шундаки, Марказий Осиёда давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг марказлари хозирги Ўзбекистон худудида жойлашган. Жумладан, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Хива, Кўқон ва Тошкент маданиятларининг маданий- цивилизациявий таъсири ўтмишда мамлакат худудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Президент Ш. Мирзиёев қисқа вақт ичida минтақанинг аксарият мамлакатларида бўлди ва Ўзбекистон раҳбарининг қўшнилар билан рақобатда эмас айнан ўзаро манфаатдорликда ҳамкорлик қилиш истаги самимий эканлигини амалда исботлашга улгурди. Яъни унинг давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда, яқин қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чукурлаштиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга қўтариш борасидаги саъи-ҳарақатлари Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатида муҳим босқичга олиб келади. Жумладан Мурожатномада давлатимиз раҳбари “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозогистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чукурлаштириш борасида бир қатор муҳим хужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди. Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди.

Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Кўшни Афғонистон Ислом Республикаси

билин ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди“ деб хулоса қилинди. Шу тариқа Ўзбекистон ташқи сиёсатининг минтақамиизда бошланган янги даврига баҳо берилди.

Ўз вақтида Президент Ш.М.Мирзиёев бугунги кунда ва олис истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб берди. Жумладан:

—Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатларнинг қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига айланишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

—сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда ҳалқаро ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантиради;

—мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шартшароитларни шакллантиради;

—Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт зонасига айлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга қўмаклашиш масалаларидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 –сессиясидаги нутқида малакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида амалга оширилган ислоҳатларга атрофлича тўхталиб “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Ҳалқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. –деган хулоساسини берган эдилар.

Айни пайтда муаллиф жаҳон сиёсатидаги ўта шиддатли жарёнлардан келиб чиққан ҳолда барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишни мақсад қилган БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб

номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат билан чиқди. Бу бежиз эмас.

### Менинг фикрим ...

Шундай қилиб **Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан яқин қўшничилик муносабатлари** тобора чукурлашмоқда. Зотан, тарихий тақдир бир минтақада яшаш имконини берган экан, минг йилликлар мобайнида қон-қардош ва қариндош бўлиб келган халқлар айни пайтда тақдирдош ҳамдир. **Минтақа халқлари урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ва қадриятлари уйғунлашиб кетган ягона халқ ҳисобланади.** Ҳар қандай чегаралар давлат мустақиллигини белгилайдиган ва унинг суверенитетини намоён қиласидиган қадриятдир. Бироқ, қардош халқлар қалбидаги меҳр-мурувват, ҳамкорлик ва бирбирининг кувончу ташвишларига шерик бўлиш туйғуси чегара билмайди. Ўзбекистон раҳбарининг Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан ўрнатган яқин қардошлик муносабатлари минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бирга ижтимоий-

- Ўзбекистон Республикаси халқаро имиджига ижобий таъсир этувчи ахборий жараёнларни комплекс тадбиқ этиш йўналиши Ўзбекистоннинг ЕИ, ШХТ, МДХ, Осиё ва Африка маконларидаги салоҳияти ва имкониятлари мавзусига янгича ёндошувларни тоқозо қиласи. Булар тайёрланадиган замонавий ўкув услубий адабиётларда хорижий давлат фуқоролари билан халқ дипломатияси, илмий, маданий умумтаълим йўналишларида ҳамкорликни кучайтириш, хорижий давлатларнинг маданияти, минтақашунослиги, ОАВ, бизнес тадбиркорлик, сайлов институтлари, парламентаризм каби мавзуларда акс этадиган асосий тематика бўлиши мумкин.

- Таълимда Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги салоҳияти мавзусига кўпроқ эътибор бериш керак. Мазкур тарғибот мавзусига биз англосаксон, француззабон, испанзабон, араб, форс, ҳинд, корейс, хитой, япон дунёси айниқса лотинамерикаси минтақаси давлатларини боғлаб ўрганишни бошлаш. Шу бирга билан замонавий иқтисодий ҳамкорлик йўналишидаги инвестицион сиёсатни тарғибот маҳороти муаммолари билан боғлаб янгича таҳлилий ёндошувларни бошламоғимиз керак.

иқтисодий ва маънавий-руҳий масалаларда ижобий натижа беради. Президент Ш.Мирзиёев томонидан кўтарилилган бу масалалар минтақавий муаммоларни ҳал қилишининг энг инсонпарвар ва самарали усули сифатида баҳоланмоқда.

**2. Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари тараққиётнинг муҳим омили бўлиши билан бирга Ер шарининг турли минтақаларида ўзига хос**

долзарб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Марказий Осиё кадимдан бир дарёдан сув ичган, қондошу жондош халқлар макони. Сирдарё ва Амударё минтақа халқларининг бебаҳо бойлиги ва ҳаёт манбаи. Ушбу улкан дарёлар бир неча минг йиллик халқимиз тарихий тараққиётининг ва тадрижий ривожланишининг асоси бўлиб келган. **Икки марта буюк цивилизацияйи ходиса – уйғониш даврини кўрган бу табарруқ замин халқлари буюк аждодларининг оламшумул қашфиётлари туфайли инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқ мақомига эга бўлишди.** Жаҳон тажрибасида трансчегаравий дарёлар ҳеч қачон бир мамлакатнинг ёки бир миллатнинг мулки бўлиб қолмаган. Дарёнинг бошланиш жойидан то тугаган жойига қадар, жамики тирикликтининг, паррандаю даррандаларнинг, курт-кумурсқалару хашаротларнинг, **ҳаёт сарвари бўлган ҳазрати инсоннинг** буюк неъмати ва ҳаёт манбайдир. Ўзбекистон Президенти трансчегаравий дарёлар мақоми, сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари хусусида гапиран экан, муаммога ана шундай умуминсоний қадриятлар ўлчови асосида ёндошади.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар факат Ўзбекистонгагина тегишли эмас. У бутун минтақавий, қолаверса, дунёвий муаммога айланди. У қатор давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига катта зарар етказмоқда. Оролнинг қуриган худудларидан ҳар йили бир неча юзминг тонналаб туз чанглари ҳавога кўтарилиб, минглаб километрдаги одамлар ҳаётига, экинзорларга зиён етказмоқда. Атмосферанинг кескин ўзгаришига, ҳаво қатламишининг бузилишига олиб келмоқда. Бу масала БМТ даражасида бир неча марта кўриб чиқилган. Бироқ Ўзбекистон раҳбари Орол муаммосини умумсайёравий экологик оғриқ сифатида яна бир бор кўтариб, жаҳон ҳамжамияти диққатини уни бартараф этишга қаратди.

**3. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ҳаракатлар Стратегиясида Ўзбекистоннинг изчил ташқи сиёсатига алоҳида эътибор беради. Жумладан, минтақавий можаролар ечимини топиш, давлатлараро муносабатларда ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, олис истиқболни кўзлаган умуминсоний манфаатлар атрофида бирлашиш гоясини илгари суради. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати муқаррар равишда унинг миллий ва умуминсоний манфаатлари асосида қурилади. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг қадимий давлатчилик анъаналарига асосланиб, ҳар қандай муаммонинг музокаралар йўли билан, ҳиссиётлардан холи бўлган ва ақл-идрокка йўғрилган мулоқотлар орқали ечимини топиш тарафдори бўлиб майдонга чиқди. У сиёсатда адолат асосий мезон бўлмоғи, умуммиллий манфаат устувор бўлиши сингари анъанавий қадриятга таянади. Бу ўзбек миллий давлатчилиги бир неча минг йиллик мактабининг қадриятга айланган сабоғидир.

Президент

Ш.М.Мирзиёевнинг

Мурожатномада Ўзбекистон давлатининг замонавий шароитдаги сиёсий иродасини, аниқ позициясини, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ғоятда катта мавқеини, куч-кудратини намоён этди. Давлат раҳбари сифатида эса ўзининг чукур сиёсий билим ва юксак маданиятини, шарқона одоб ва олий даражадаги сиёсий дипломатия намунасини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ш. Мирзиёев

## **2. Хорижий давлатлар билан ўрнатилган ўзаро манфаатли муносабатлар ва Ўзбекистоннинг халқаро майдонда имиджини янада ошириш.**

Аслини олганда, тарихий тажриба шундан далолат берадики, давлатнинг сиёсий қарашлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги халқаро муносабатларда узвийликнинг мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга ички сиёсатда барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистонда мавжуд ички ва ташқи сиёсатнинг ана шундай соғлом, қатъиятли ва ишончли ривожланишининг мавжудлиги бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички мавқеини белгиламоқда.

Хозир жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўп қиррали тизимини янгича шакллантириш йўлига жадал ўтилди.

Улар қўйидагicha:

- минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация қилиш;
- мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда халқаро хуқуқий механизмлардан, жумладан, превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳадаги ишончли, масъулиятли шерик сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ташқи дунё учун инвестицион, сайёхлик, маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш;
- миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

–Ўзбекистоннинг дунёning йирик бозорларига кафолатли чиқишини таъминлайдиган кўп муқобилли транспорт-коммуникация йўлакларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

–хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлашни назарда тутмоқда.

Юқоридаги вазифалар, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб боришини таъминлайди. Ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб бораверади . Шу аснода Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини намоён қилишига имкониятлар кучайиб бораверади.

Ҳар қандай суверен давлат жаҳон ҳамжамиятига ўзининг ташқи сиёсий қарашлари, умумпланетар муаммоларга муносабатлари ҳамда азалий мунозаралар ва музокаралар обьекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндошувлари билан кириб боради. Мустақилликнинг ўтган 26 йиллик даврида Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятиянинг энг сиёсий фаол, ҳалқаро муносабатларда ўзини асосли, қатъий ва ўзгармас позициясига эга бўлган давлат сифатида намоён қилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий мавқеи ва имижини белгилаб берадиган муҳим омил сифатида ўз куч-кудратини кўрсатди.

Вақт ўтган сари умумдунёвий сиёсий жараёнлар тобора фаоллашмоқда, янги янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро ва умумпланетар миқёсда бутунлай янгича ёндошувларни, сиёсий қарашларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу умумсайёравий жараёнларда, ҳалқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда ўзининг замонавий қарашлари ва

**Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёning турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига қўпайиб бормоқда.**

**Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталики мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу – замон талаби.**

**Ш.Мирзиёев**

муаммолар ечимини топишдаги ўзига хос ёндошувлари билан ўзини кенг имкониятларини намоён этмоқда. Буни Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган

Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоки давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби ҳалқаро тузилмалар билан алоқаларни янги боскичда давом эттироқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошириб, унинг ҳалқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

*Ш. Мирзиёев*

тантанали йиғилишдаги маъruzасида яққол кўриш мумкин. Ушбу маърузада Президент Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳозирги замон талаблари ва замонавий цивилизация эҳтиёжлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатида мустаҳкам изчилликнинг мавжудлиги, биринчи Президент, мустақиллигимизнинг ташаббускори, ташкилотчиси ва раҳнамоси И.А.Каримов бошлаб берган мустақил тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсат давом этаётганлиги давлатимиз қудратининг ва сиёсий барқарорлигининг ёрқин мисолидир. Бугун жаҳон меҳварида бутун салоҳиятию салобати ва қудратини кўрсата билган Ўзбекистон давлати ташқи сиёсати замонавий талаблар, бугунги эҳтиёжлар ва дунёвий қарашларнинг энг илғор намуналари билан бойитиб борилмоқда. Демак, Ўзбекистон ўзининг янги Президенти Ш.М.Мирзиёев тимсолида ўтган 25 йилда тўпланган тарихий тажрибаларга таянган ҳолда уни янада такомиллаштириш, ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб бориши ҳамда юзага келаётган хавфхатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда.

Булар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқада бўлғанлигидан, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириб бораётганидан далолат беради.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўтган йилда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 312-бандида Ўзбекистоннинг “Сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир “йўл ҳаритаси” лойиҳасида қуидагиларни назарда тутилган эди:

олий ва юқори даражалардаги ташрифлар, учрашувлар ва музокараларни тайёрлаш ва ташкил этиш;

хавфсизликнинг долзарб масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идоралар даражасидаги маслаҳатлашувларни ўтказиш;

икки ва қўп томонлама шакллардаги ташаббусларни, шу жумладан, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, миңтақавий хавфсизлик ва бақарорликни таъминлаш масалалари бўйича ташаббусларни илгари суриш” киритилган. Бу Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги фаолиятини изчил ва режали тарзда амалга ошириш имконини беради.

Дастурнинг 313-бандида “Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги савдо-иктисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожланишини ва кенгайишини таъминлашга доир “йўл ҳаритаси” лойиҳасида эса:

Ўзбекистон корхоналарининг маҳсулотлари ва хизматларини ташқи бозорга экспорт қилишни кучайтириб бориш;

Ўзбекистонда инвестицияларни, илғор технологияларни, сайёхлар оқимини, шунингдек, грантлар, имтиёзли кредитлар ва техник кўмакларни жалб этиш;

Республиканинг транспорт-транзит имкониятларини ошириш, ташқи савдо ва юкташиш ишлари учун қулай шароитларни шакллантириш;

таълим, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш” масалалари белгилаб берилган.

Бу Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириб бориши, миллий маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, таълим, фан ва техника соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ дастурий режаси сифатида катта аҳамиятга эга бўлди . Дастурнинг 315-банди бир қатор янги қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонунларни эса замон талаблари асосида янги таҳрирда қабул қилиш вазифасини қўймоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлар лойиҳаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави (янги таҳрири) лойиҳасини;

– янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тўғрисида”ги низомнинг лойиҳасини тайёрлаш ва у билан боғлиқ бўлган бир қатор сиёсий-иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга доир масалалар аниқ, равshan белгилаб берилган.

Дастурнинг 317-банди яқин қўши мamlакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ва бу борадаги айрим муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Жумладан, унда “Кўши давлатлар билан Давлат чегараларини хуқуқий расмийлаштириш бўйича музокаралар жараёнини давом эттиришни назарда тутувчи Давлат чегараларининг делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича 2017 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш” масалалари киритилган. Бу Ўзбекистоннинг яқин қўши мamlакатлар билан чегаравий муаммоларини қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Дастурнинг 320-бандида “Халқ дипломатиясини фаоллаштириш, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолиятларини такомиллаштириш”ни назарда тутади. Бунда дастур доирасида жаҳон халқлари билан Ўзбекистон халқининг анъанавий дўстлик, маданий алоқалар борасидаги ҳамкорлигининг янги имкониятларини очиб беради.

### **Менинг фикрим ...**

Ўзбекистон Республикаси халқаро имиджига ижобий таъсир этувчи ахборий жараёнларни комплекс тадбиқ этиш субминтақавий геосиёсий марказлар, давлатларларо бирлашмаларда Ўзбекистон имиджини ошириб бориш тематикасини долзарблаштириши зарур. Булар масалан “Ўзбекистонга хуш келибсиз” информацион порталини яратиш орқали рекламавий характердаги ахборотларни турли инглиз, немис , испан , француз, араб , форс , хитой , рус, корейс, хинд тилларида таржимонлик мактаби вакиллари билан биргаликда ишлаб чиқишни тоқозо қиласди. Айни тележурналистлар билан биргаликда теле маҳсулотларни яратиб “Ўзбекистонга хуш келибсиз” порталига жойлаштиришни йўлга қўйиш. Уларда хусусан қадимий этнотарихимиз, замоновий туризмнинг барча йўналишларини ( экотуризм , кулинар туризми ва даволаш туризми) каби турли мавзулар - хусусан хорижий туристларни жалб этишнинг барча инновацион услубларидан унумли реклама тарзида фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Тадқиқот ва ўқув амалиётида туризмда етакчилик қилаётган давлатларнинг реклама тарихи ва тажрибасига эътибор кучли бўлиши жоиз.

### **Менинг фикрим...**

Ўқув жараёни доирасида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёхуд ўзбек пазандачилик бренд мавзуиларида халқаро маърифий ва семинар тарзидаги учрашув, семинар тренингларни ташкил қилиб бориш.

- Ўзбекистон фаҳрига айланган олимпиада ва жаҳон чемпионларини фейсбук, твиттер каби тармоқларда турли хорижий тилларда мақтаб шарҳлашни ахборий босим тарзида ёритишни бошлиш.

Ахборий босим тарзида қўхна тарихимиз билан боғлиқ зиёратгоҳ, тарихий обидалар, экологик тоза табиий истеъмол маҳсулотлар, юксак агромаданият, миллий ҳунармандчилик маданияти, Ўзбекистоннинг гўзал табиат манзаралари акс эттирилган электрон мулти медиа саёҳат мажмуналарини, ташвиқот телероликларни хорижий тилларда таржима қилиб ёритиш, мазкур электрон маҳсулотларнинг презентация тақдимотининг жойлардаги халқаро ташкилотлар, элчиҳоналар, ваколотхоналарда ташвиқот қилишни ташкил қилиш.

Аслида сиёсий натижаларнинг ечими қўп жиҳатдан етакчи геосиёсий минтақалардаги интеграция жараёнларининг мантиғидан келиб чиқади. Буни доимо ёдда сақлашимиз, тезкор хулосаларга келишимизни назардан қочирмаслигимиз зарур. Жумладан халқаро дипломатиянинг бундай пайтда икки томонлама ўйналадиган шахмат ўйинига қиёсланиши ҳам бежиз эмас. Айни БМТ, Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, ШХТ, БРИК, АСЕАН мулоқотларидаги айтилиши мумкин бўлган ёшлар ва сиёсий экстремизм мавзуси бундан мустасно эмас. Бугун Ўзбекистон раҳбарияти ва унинг ёшлари бугун мазкур масала доирасида қатъий позицияга эга. БМТ минбаридан туриб Президентимиз Ш. Мирзиёвнинг ёшлар келажаги ва жаҳолатга қарши кураш масаласида қилган нутқлари шубҳасиз уни жаҳоннинг етакчи ахборот маконларида тарғибот қилиш мавзусини янада долзарблаштирди.

---

Жумладан давлатимиз раҳбари БМТ сессиясида ёшлар тарбияси масаласида:

“Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг иирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлик.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир.” - деб таъкидланди.

Иккинчидан, христиан-ислом мулоқоти бўйича давом этган учрашувларда жаҳон динларида толерантлик меҳр-мурувват, ҳалоллик ва виждан эркинлиги асослари хусусида кўп фикрлар алмашилганди. Харқалай Фарб ва Шарқ ўртасидаги мулоқотнинг амалий аҳамиятини кучайтиришда тенг баҳс-мунозараларнинг тақчиллиги мавжуд. Гап бу ерда икки хил менталитет, икки хил тажриба ва икки хил дунёқарашнинг яхши маънодаги илмий-мунозарали тўқнашувлари ҳақида бормоқда.

### Менинг фикрим ...

Айни шу руҳдаги мулоқот маданиятини ўқув жараёнларида шакллантириб бориш масаласи қўйилади . Чунки инглиз , француз , испан, немис тилини ўргатувчи ҳалқаро ташкилотлар билан тизимли мулоқотларни йўлга қўйиш ( Гёте институти, Гюго институти , Бритиш консил, Конфуций мактаби кабилар мисол бўлади ) ёшларга мулоқот қилиш маданияти , сиёсий маданият, ҳалқаро ҳаёт ва ахборий сиёsat бўйича муайян билим қўникма тасаввурларни шакллантиришга кучли туртки беради.

### Менинг фикрим ...

Ёшлар миграцияси муаммоси қай тарзда талқин этилишидан қатъий назар бундан бўён мулоқотларга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб боради . Зоро, ҳозир ривожланган Европа ҳам худуди ичida исломийлашув жараёнларини бошидан кечирмоқда. Табиийки, Европадаги бундай шиддатли ўзгаришлар кўшни цивилизация бўлмиш Шарқ жумладан Ўзбекистон билан билан ҳам муносабатларни ўйғунлаширишга харакатни кучайтиради. Тайёрланадиган ўқув услугубий материалларда бугун Ўзбекистонда барпо этилаётган ислом цивилизацияси маркази, ислом академияси ва бошқа ислом маърифати йўналишидаги ислоҳотлар моҳияти инглиз, рус, араб , форс тилларида таржима қилиниб, порталларда кенг ташвиқот қилиниши зарур.

### Менинг фикрим ...

Биз бугун Марказий Осиё таракқиёт тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз мисолида поліэтник жамиятларда динларро тотувлик мумкин эканлигини исботлади, деб bemalol айта оламиз. Янги Дўстлик хиёбони ва пойтахтимиз Тошкентда А.С .Пушкин, Шота Руставели , Низомий Ганжавий, Абай , Махтумкули каби буюк алломалар шарафига барпо этилган ва хурмат эҳтиром кўрсатилаётган бошқа миллат вакилларига нисбатан олиб борилаётган сиёsat - Тошкент дўстлик шаҳри, Ўзбекистон кўпмиллатли толерантлик давлати каби тушунчаларни сиёсий бренд даражасига олиб чиқиш чораларини кучайтириш зарур. Асосан русийзабон ахборот марказлари билан шу йўналишдаги (

Мурожаатномада шунингдек: “Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар соҳаларда тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз”, - деб хулоса қилинди.

Кейинги бир йил ичида бу борада кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Жиззах, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Фиждувон, Ургут туманлари эркин иқтисодий зонага айлантирилди. Бу ерлардаги саноат ишлаб чиқаришига доир имкониятлар, ахоли асосий кўпчилигининг саноат ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиши тобора ошмоқда. **Маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг тарихий-табиий имкониятлари инобатга олинган ҳолда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш ва жаҳон бозорида етарли даражада мавқега эга бўлиш назарда тутилган.** Бу мамлакатда кескин равишда экспорт ҳажмининг ошиши ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига олиб келади.

**Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик алоқаларининг кенгайши** ҳар қандай давлат иқтисодий тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврини бошлаган бир пайтда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тобора чуқурлаштириш ва уни янги босқичга кўтариш ташабуси билан чиқмоқда. **Тинчлик ва барқарорлик тўла кафолатланган, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига, бекиёс ер ости ва ер усти бойликлариға эга бўлган Ўзбекистондай мамлакат билан халқаро молиявий муассасаларнинг ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканлиги барчага аён.**

“Ҳарбий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди. Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган.; -деб тъкидлади. Сўнгра “Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттирамиз”- дейилди.

**Ш.Миризиёев**

Ўзбекистон бой хомашё базаси ва улкан ер ости бойликлари заҳирасига эга. Энг муҳими юксак интеллектуал салоҳиятга, бунёдкорлик ва яратувчилик курдатига эга бўлган бағри кенг халқи эзгулик ва яхшилик, инсоният

ҳаётининг саодатли истиқболи йўлида умумбашарий манфаатларга мос келадиган турмуш тарзини қуришга қодир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли молиявий муассасалар билан тўғридан тўғри мулоқотни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Шу тариқа Президент Ш.Мирзиёев томонидан қилинган Олий Мажлисга мурожаатнома тобора кучга тўлиб, сиёсий ва иқтисодий қудрати ошиб бораётган Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида бутунлай янги давр бошланганини кўрсатди. Айни шу шкалда Ўзбекистон умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда, глобал тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ечимини топишда, инсоният тараққиётини яхшилик сари буришда ўзининг қатъий позицияси, аниқ хулосаси мавжудлигини намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишлиари ўзининг кўпкірралилиги, жиддий масалаларни кўтарганлиги, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга solaётган ғоятда ўткир муаммолар атрофида фикр

юритаётганлиги билан барча хорижий иштирокчиларининг диққатини тортди.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон жаҳон сиёсатида долзарб масалаларни қандай принципларга асосланиб ҳал этади?
2. Бугун қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ташқи сиёсатимизнинг қандай йўналиши ҳисобланади?
3. Ўзбекистон геосиёсий имкониятларини шарҳлаб беринг.
4. Ўзбекистон раҳбари Ш.Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясида қандай маҳсус резолюция билан чиқди?
5. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини ошириш учун яна нималар қилишимиз мумкин? Сизнинг фикрингиз.
6. Ўзбекистоннинг “Сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир “йўл ҳаритаси” лойиҳасида нималар назарда тутилган эди?
7. Ўзбекистон ташқи сиёсатига оид қабул қилинаётган янги қонунларни санаб ўting.
8. Ўзбекистоннинг янги эркин иқтисодий зоналарини санаб беринг.
9. Молиявий муассасалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик нима?
10. Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик алоқалар қандай кенгаймоқда?

## **2 - МАВЗУ: Глобаллашув замонавий жаҳон сиёсий ривожланишининг асосий омили сифатида. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари. Жаҳон сиёсатида шахснинг роли. Жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати.**

### **Режа:**

1. Замонавий жаҳон тартиботи ва унинг геосиёсий ва журналистик таҳлили.

*Таянч сўзлар: Замонавий жаҳон тартиботи, геосиёсат ва журналика, ахборий жамият, ахборот инқилоби даври, “ноанъанавий” таҳдидлар*

### **1. Замонавий жаҳон тартиботи ва унинг геосиёсий ва журналистик таҳлили.**

XX асрнинг глобал геосиёсий муҳитидаги агрессорнинг асосий ишлаб чиқариш саноатини яксон этиш, ҳудудларни забт этиш билан боғлиқ мазмуни бугунга келиб ўзгарди. Ахборий жамиятда маконни назорат қилишнинг асосий воситаси шахс устидан маънавий-мафкуравий назорат қилиш исботланган ҳақиқатга айланди. Яъни асосий мақсад – бир қатор муайян миллат ва халқларнинг дунёқарашини бошқариш бўлиб қолди. Айниқса халқаро журналистик таҳлиллардаги макон учун курашнинг ахборот майдонида яққол намоён бўла бошлиши - постклассик геосиёсат тўғрисида илмий қарашларга ўзгаришлар киритиши жоиз эди. Ахборот инқилоби даврида худди шу маданий-маънавий, миллий-рухий омилларга эътибор бериш зўрайди.

*Зотан, ҳозирги кунда макон учун олиб борилаётган ахборот урусларининг асосий гояси – геосиёсий рақибларга олдиндан режсалаштирилган ва дастурлаштирилган дунёнинг ахборий қиёфасини мажбуран сингдириши, шу тифайли унинг бошқарув тизимини бутунлай бошқаришига ҳаракатлар – геосиёсат ва журналистика йўналишидаги тадқиқотларни тубдан янгилаб боришни талаб этмоқда.*

Қолаверса, жаҳон сиёсатида совук уруш давридан бери янги геосиёсий эътиқод “Рақибнинг дунёқарашини англаш ва билиш объектив реалликдан муҳимроқдир” деган ғоя тинимсиз олдинга сурилиб келинди. Ҳар ҳолда яқин ўтмишда геосиёсат учун ер макони (борлиқнинг) картографияси муҳим омил бўлган бўлса, энди геосиёсатнинг асосий дикқат марказини инсон қалби муаммоси эгаллай бошлади.

Қизиги ва муҳими, ахборот инқилоби глобаллашув жараёнлари тараққиёти баробарида юз бермоқда. Бу, албатта, турли минтақа ва мамлакатлар ўртасидаги анъанавий тўсиқларнинг муайян даражада сидирилиб, ювилиб кетишига сабаб бўлаётир. Ҳар ҳолда учинчи минг йилликда халқаро хавфсизликнинг барча асосий параметрлари ўзгартмоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан, қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби омилларга боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда “ноанъанавий” таҳдидлар билан

курашиш биринчи ўринга чиқди<sup>1</sup>. Агар ўтмишда стратегик жиҳатдан жойларда разведка ва контразведка устуворлик қилған бўлса, эндиликда уларнинг ўрнини ахборот оқимларини таҳлил қилиш омили эгаллади. Улар орасидан агрессив - бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиб олиш, ўз вақтида фош қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарили.

*Журналистика оламидаги янги воқееликлар геосиёстичилар олдида янги ноанъанавий муаммони кўндаланг қўя бошлиди: бу ахборий хуружнинг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишидаги ролини таҳлил қилиши муаммосидир.* Бинобарин бугунги кунга келиб айни ахборий таъсир ва тазийиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали – миллий менталитет, миллий маданият, одамларнинг аҳлоқий-маънавий қиёфасини ўзгартириб ташлаш қудратига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, миллий психология ва тафаккур қиёфасининг ўзга кучлар томонидан ўзгартирилиши глобал таҳдид даражасига етди. Шундай қилиб, ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки геосиёсий моҳият касб этмоқда. Тажовузкор ғояларнинг ҳудудий чегарадан четлаб ўтиб, оммани бошқара оладиган ахборот технологияларининг вужудга келиши ҳарбий ҳаракатлар театрини турли тамаддуларнинг миллий-тарихий, руҳий-маданий оламига таҳдид қилиши билан кўзга ташланмоқда.

Инсон-цивилизация-маданият тушунчалари доирасидаги ўзлиқдан воз кечиши истаги етакчи давлатлар муракқаб ахборот тизимларининг мажбурий элементи сифатида киритилмоқда. Мақсадли ахборот таъсири орқали миллий ўзлиқдан воз кечтириш механизмини ишга тушириш йўлига ўтилди, бунда маҳфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилмоқда.

*Бугун интернет, оммавий ахборот коммуникациялари, рекламадан иборат бўлган замонавий ахборот макони – бу ахборот орқали бошқариладиган яхлит бир дунёга айланди.*

*XXI асрда “кўзга кўринмас” ахборий таъсир қилиши геосиёсий қарашларни қай даражада ўзгартириши мумкин?*

Ҳозирги пайтда бошқа давлат ва кучларга таъсир ўтказишнинг барча инструментларидан фойдаланиш асосий мақсад сифатида етакчи давлатлар томонидан олдинга сурилмоқда. Глобал лидерликка интилиш ёки улар томонидан белгиланаётган қадриятларни қабул қилиш, “демократия экспорти” – ғарбона демократик идеал ва қадриятларни сингдира бориш, либерал демократияни тарқатиш туфайли ғарбона қадриятлар қувватининг оширилиши каби тушунчалар журналистик таҳлилларнинг диққат марказидан ўрин эгаллади. Яъни, дунё журналистикаси геосиёсий курашнинг виртуал майдонига айланиб улгурди. У бир кўринишда беозордек туюласада, аслида шафқатсиз ва аёвсиз феномен тусини олди. Бугун оммавий ахборот воситаларида “ёвузлик ўқи” деб сингдирилган қатор-қатор давлатлар беқарорлик, ёвузлик, камбағаллик, ночорлик ўчоғига айланаётганлиги –

<sup>1</sup> Халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, ноқонуний миграция, ахборий диверсиялар шулар жумласига киритилмоқда.

таассуфки, навбатдаги “антитеррор” операцияларнинг натижаларидан равшанлашиб бормоқда.

Учинчидан, ахборот маконидаги геосиёсий ғоя ва қарашларнинг таҳлили одатдаги сиёсий таҳлилларга нисбатан ўзига хос динамик ёндашувларни талаб этиши сезилмоқда. Бунда ахборот маконида ҳақиқатни ёлғондан фарқлай олиш учун геосиёсий ғояларнинг тўқнашуви бўладиган “куч майдонлари”ни доимий равишда кузатиш талаб қилинади. Уларнинг кутилмаган вазиятларда бир-бирига қарши босимини англаш кўп жиҳатдан геосиёсий башпоратларимизда аскотади. Жумладан, бу ерда жаҳон ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал кураш натижалари кўпинча шу нисбатга боғлиқ бўлиб қолаётир.

*Бугун геосиёсатнинг ахборот концепциялари шуни англатмоқдаки, давлатлар ўртасидаги маконий муносабатлар эндиликда виртуал макондаги ахборот устунлиги билан белгиланиб боради. Айни шу маънода геосиёсий стратегияни ишлаб чиқиши ахборий-мафқуравий устунликка асосланган оператив концепцияни яратиши билан намоён бўлади..*

Шу тариқа халқаро сиёсатда мустақил давлатларнинг куч-кудратини ахборот технологиялари ёрдамида ўстириш, бу борада барча имкониятлардан самарали фойдаланиш амалиёти ҳақида баҳс-мунозаралар кўпайди. Албатта бу ҳолат курашнинг реал макондан виртуал маконга ўтишини қизғин босқичга олиб келмоқда. Аслида бу XXI аср сиёсат оламидаги ўзига хос геосиёсий инқилоб эди. Бугун эса уни геосиёсат ва журналистика фанлари уйғунлигига англаш ва билиш, тафаккур қилиш вақти етиб келди. Жаҳон геосиёсий саҳналаридағи рақобат шуни талаб этади. Биринчи навбатда табиий энергия ресурслари учун бўлаётган кураш унинг ахборий таъминотида янгидан-янги сценарийларни олдинга суриши аниқланди: гоҳида зимдан, гоҳида ошкора очиқ ойдин олдинга сурилаётган геосиёсий мақсадларнинг мағзи буни тасдиқлаб турибди. Демак дунёга ким устунлик қиласи, - деган масала айни етакчи давлатлар ахборот сиёсатининг устувор вазифасига айланиб улгурди. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг самарали ва арzon воситаси яна бир бор ахборот институтларига бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган сиёсий аксиомага айланди.

Албатта, бундай қарашлар мустақиллик, миллий ва давлат манфаатлари борасидаги қизғин, баҳсталаб концепцияларни ривожлантиришга, геосиёсат ва журналистика ҳақидаги илмий назарий тасаввурларимизни кенгайтириб боришига чорлаши жоиз.

Мутахассислар фикрича, инсоният бугунги кунда янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи инқилоб эмас. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш икониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувнинг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларга етказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. Газета ва журналларни нашр этишининг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайтирди. Радио ва телевидение эса ахборотни овоз

ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни янада янги сифатий босқичга кўтарди.

ОАВ бу сўз, образлар, мусиқа ва шу каби шаклларда ахборотларнинг тезлиқда узатилиши ва оммавий тарқатилишини таъминлашга хизмат қилади. Бундай воситаларга оммавийлик, даврийлик, тингловчи ёки ўқувчилар аудиториясининг кенглиги каби хусусиятлар хосдир. Таҳлилларда шу нуқтаи назардан ОАВ имконияти ва қамровининг кескин даражада ўсганлигига эътибор қаратилмоқда.

ОАВнинг қамров даражаси, бошқача айтганда, маҳаллий, умуммиллий, минтақавий ёки халқаро (глобал) миқёсда фаолият кўрсатиши ҳам унинг таъсир доирасини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

1980 йилда тузилган CNN (The Cable News Network) компанияси бугунги кунда 24 соат давомида ахборот узатиш билан шуғулланади. Ҳозирда CNN таркибида янгилик тарқатиш билан шуғулланадиган 14 кабел ва спутник каналлари, 2 та радиостанция, 6 та интернет сайти ва хорижий мамлакатлардаги 37 та бюро фаолият кўрсатмоқда. CNN янгиликлари 38 та космик йўлдош сигналлари ёрдамида узатилади, уни 212 мамлакат ва ҳудуддаги 1,5 миллиард одам бир вақтнинг ўзида кўриш имконига эга. 1991 йилнинг январда айнан CNN ёрдамида Форс кўрфазида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар тўғридан-тўғри телеэфирга олиб берилди. 2001 йилнинг 11 сентябрдаги террорчилик амалиёти ҳақидаги телесюжетлар ҳам шу компания ҳаракати туфайли бутун дунёга воқеа содир этилган жойдан тўғридан-тўғри узатиб турилди.

Би-би-си эшиттиришлар корпорациясига (British Broadcasting Corporation, BBC) эса 20 дан ортиқ телеканал ва 14 та радиоканал, бир қатор сайтлар ва 40 яқин журналлар тегишилди. BBC 40 дан ортиқ тилларда эшиттиришлар олиб боради.

Рейтер ахборот агентлигига дунёнинг 91 мамлакатида 14000 ходим, шу жумладан, 2300 журналист, фотомухбир ва видеооператорлар ишлайди. Рейтер агентлиги дунёнинг турли мамлакатларида 197 та бюросига эга. Агентликнинг хабарларидан ҳар куни 1 миллиард одам танишади.<sup>1</sup>

Ҳозирги даврда сунъий йўлдош ахборот узатишнинг энг қулай ва самарали воситаси бўлиб қолди. Аммо у қулай бўлса-да, “чўнтақбоп” эмас: жуда катта маблағ талаб этадиган сунъий йўлдошга ҳамма давлат ҳам эгалик қилолмайди. Шу боис фазодаги сунъий йўлдошлар бир нечагина давлатга қарашли: АҚШ (30 та), Япония (21 та), Россия (12 та), Хитой (9 та), Ҳиндистон (9 та). Лекин ахборот узатишнинг асосий воситаси саноқли давлатлар қўлида тўплангани бошқаларнинг ҳам улар айтаётган “қўшиқ”ка жўр бўлишини тақозо этади.<sup>2</sup>

Ушбу мисоллар бугунги қунда ОАВ қамров доирасининг нақадар кенглигини тасаввур қилиш имконини беради. Ахборот инқилобининг ҳосиласи жуда катта ахборотни қайта ишлаш, хоҳлаган мамлакат

<sup>1</sup> Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. “Мұхаррир”, Тошкент: 2009, 77-79-бетлар.

<sup>2</sup> Ёқубов С. Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат. // “Тафаккур” журнали, 4-сон, 2007 йил, 15-бет.

кутубхонасида сақланаётган китоблардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлигига ҳам кўриш мумкин. Радио, телевидение, интернет энг сўнгги илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилиш, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда.

Юқоридаги мулоҳазалар бугунги кунда турли шакл ва мазмундаги ахборотлар инсон ва жамият ҳаёти, тараққиёти ва камолотининг зарурий шартига, ОАВ эса уни тарқатишининг муҳим бўғинига айланганини кўрсатади. Хусусан, радио, телевидение, газета ва журналларсиз ҳар қандай маълумотли киши ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда тўғри йўл топа олиши қийин. ОАВ одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. ОАВнинг бугунги қундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келганини таъкидлаш зарур.

ОАВ орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазиикнинг ўзига хослиги шундаки у ўкувчи, тингловчи ёки томошибинг сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита курбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққатни кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзgartиришга, уларнинг регулятрлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. Бундай таъсир ўтказишда даврий нашрлар тадрижийлик, радио ва телевидение фрагментли узатиш усулларидан усталик билан фойдаланишмоқда.

Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет кишилар ҳаётининг ажralmas қисмига айланиб бормоқда<sup>1</sup>.

Геосиёсий конфликтлар тарихи эса геосиёсий манфаатлар тўқнашувида журналистика институти ҳеч қачон тўлиқ мустақил бўла олмаслигини тасдиқлади. Уларнинг қарамлик даражаси эса назорат қилувчи муайян халқаро корпорация, саноат ва молия гуруҳлари, жумладан, турли давлатлар, сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан назоратига боғлиқ ҳолда ўз ечимини топмоқда. Яна бир томони, бундай пайтда ОАВдан кўпроқ фойда олиш айни етакчи давлатлардаги матбуот эркинлигининг даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Кундан-кунга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши билан уларнинг фаолиятини назорат қилиш қийинлашиб бораверади. Шунингдек, бугун ривожланган давлатларнинг ҳар қандай фуқароси теле-радио каналлар, интернет тармоғи

<sup>1</sup> Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. “Муҳаррир”, Тошкент: 2009, 79-бет.

ва бошқа ахборот манбаларидан турли хил ахборотни олиш ҳуқуки ва имкониятига эга. Ҳозир ОАВнинг геосиёсий манфаатларни олдинга сурилишидаги ролини ойдинлаштириши масаласи жиiddий тус олган давр. У мазкур масалада ҳам геосиёсий таҳлилларнинг заруриятини тасдиқлайди.

Бугун оммавий ахборот воситаларидан у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга тўғридан-тўғри таъсир қилиш имкониятидан фойдаланиш йўлига ўтилган. Албатта шундай пайтда у сиёсатнинг муҳим бир элементи сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан ОАВ турли давлатлар ҳақида худудий тасаввурларни ривожлантириши, кайфиятларни ўзгартириб туриши, аҳолининг кенг қатламида тарқала олиш имкониятига эга.

*ОАВнинг бу имконияти ижтимоий фикрни шакллантиришида жуда қўл келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у геосиёсий ўйинчиларнинг ўйинчогига айланиши ҳеч гап эмас. Бу жараёнда трансмиллий корпорациялар, диний ташкилотлар каби бошқа турли акторларнинг тенг иштирок этишига интилиши сезилмоқда. Шу тариқа, ҳозир турфа хил мағкураларни тарқатиш ОАВнинг биринчи даражали вазифалари жумласига киради. Натижада, тарқатилган ахборот газета-журнал, радио-телевидение, аудио-видео кассеталар ва интернет тармоги орқали белгиланган геосиёсий вазифаларни бажара бошлиди.*

Истиқболда шу шаклда ОАВ узоқ вақт турли хил геосиёсий мақсадларни илгари суришда муҳим иштирокчи бўлиши қутилмоқда. Бу замонавий геосиёсий мактаблар олдида маърифатли жамиятга мос келувчи геосиёсатнинг янги мезонларини ишлаб чиқиши вазифасини ҳам долзарблаштиради. Бу ҳолатда оммавий ахборот воситаларида, айниқса, телевидениенинг геосиёсий жараёнларга тўғридан- тўғри таъсир ўтказишини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

*Телевидение бугунги замонавий жамиятда сиёсий мададни таъминлаш учун асосий ва құдратли восита вазифасини ўтамоқда, улар сиёсий компанияларни ташкил қилувчи қўйидаги сифатларга эга, яъни<sup>1</sup>:*

- сиёсий маълумотларни зудлик билан чекланмаган ҳажсмда етказа олиши қобилияти;

- сиёсий маълумотни ҳар қандай инсонга мос равишда, унинг уйига ҳеч қандай маҳсус ва кўзланган сарф ҳаражатларсиз ўзлаштиришини талаб қилмайдиган тезкор шаклига эга.

Бугунги сиёсий жараённинг асосий иштирокчилари сиёсий онгининг шаклланишида телевидениенинг етакчи роли – аудивизион характерга эга бўлувчи замонавий шахс маданиятининг хусусиятлари билан белгиланади. Телевидение маълумотларнинг асосий қисмини аудивизуал функцияси орқали етказилиши билан жамият сиёсий дунёқарашида етакчи рол ўйнамоқда.

<sup>1</sup> Қаранг. А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 229-бет.

*Геосиёсатга оид материаларнинг журнал ва газеталарда эълон қилина бошланиши эса ахборий жамиятга таалкуқли бўлган янги мезонларни геосиёсатга киритишга сабаб бўлди. Буларнинг барчаси ахборий тизимлар ўртасида геополитик жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир қўрсатувчи воситалар ичидаги оммавий ахборот воситаларидан телевидениенинг аҳамиятини алоҳида кучайиб боришини тасдиқлади.*

*Қолаверса, замонавий сиёсий психология замонавий жамиятда рационал ёндашувлар эмас, балки "образ" ("имидж") ёрқинлиги асосий роль ўйнашини исботлади. Бугун жамият аксарият қисмининг сиёсий, мафкуравий ва геосиёсий қарашларининг телекоммуникация ёрдамида шакллантиришга зўр берилаётганлиги бежиз эмас. Ҳар ҳолда медиа "образ" этник, маданий, мафкуравий, сиёсий ёндашувлар асосидаги синтез маҳсули дея эътироф этилмоқда. Ўз навбатида, жамиятдаги маълумотларнинг турфа хиллиги ҳам уларнинг сиёсий ҳаётга сингиб кетишига таъсир қилувчи шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғланган. Бундай пайтда турфа хил маълумотлар шахснинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги фаолиятининг фаоллашувига кучли таъсир ўtkазади, одамларнинг мустақиллик даражасини ўстиради. Шу билан бирга, замонавий журналистикада техниканинг мукаммаллашиб бориши маълумот тарқатишнинг тезлигини мутлақ оширеди, қисқа муддатда одамларнинг йирик оммасини қамраб олиш қобилиятини кучайтириди<sup>1</sup>.*

*Шу тариқа, ахборот инқилоби янги ахборий парадигмаларни геосиёсатда шакллантира бошлади. Унинг марказидаги ахборот гоясига замонавий геосиёсат динамикасининг асосий омили сифатида қарала бошланди.*

Бугун ахборот технологиялари босими остида геосиёсий хукмронликнинг методлари, сиёсий макон ва замоннинг динамикаси ҳам ўзгара бошлади. Айниқса бундай маҳалда геосиёсатнинг янги ўлчови бўлмиш виртуал ахборий макон катта рол ўйнай бошлайди. Ахборий технологиилар ёрдамида геосиёсий курашнинг янги шакллари авжга чиқди.

Буларнинг барчаси, геосиёсатдаги замонавий ахборий парадигмалар ёрдамида қўйидагиларни билишни кўзда тутади:

- дунёдаги геосиёсий трансформацияни шундай таърифлашни ташкил қилиши керакки, унинг истиқболини аниқ тасаввур қила олинсин ;
- глобал геосиёсий эврилишларнинг сабабларини тушунтириб бера олиш, келажакнинг воқеаликлари қачон, қаерда ва қандай шаклда бўлишини башорат қилишига имконият яратилсин .

Бугунги куннинг геосиёсий манзараси ўзининг мураккаблиги, глобал жараёнларнинг виртуаллиги билан белгиланаётганлигини айтиб ўтдик. Бу ҳолат геосиёсий бошбошдоқлик категориясидан геосиёсатчиларга жаҳон сиёсатининг мураккабликларига баҳо беришда қўл келмоқда. Геосиёсат ва журналистика фанини чуқур ўзлаштириш эса макон устидан ахборий назорат

<sup>1</sup> А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 149-бет.

ўрнатишининг кўпгина муаммоларига доир мустақил илмий позицияни кучайтиришга олиб келиши мумкин. Бу сўзсиз ахборот инқилобидаги сиёсий макон ва замон тушунчасининг таърифига жиддий ўзгартиришлар олиб киришдан бошланади. Шу тарзда бир қатор геосиёсий муаммолар журналистик таҳлилларда ўз аксини топади.

Шундай қилиб ахборот тўлқинларини бошқариш постклассик геосиёсатдаги ҳокимиятнинг асосий дастагига айланди. У борган сайин виртуал шаклга эга бўлмоқда. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ўтмишда геосиёсатни назорат қилиб борган эски халқаро институтларнинг парчаланишига олиб келмоқда, янгидан-янги можаро ва қарама-қаршиликларнинг авж олишига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда. Сиёсий вақтнинг тезлиги деган тушунча пайдо бўлди. Виртуал дунёни ўзлаштириш айни сиёсий вақтнинг тезлигидан келиб чиқади.

Бугун компьютер мониторлари ва телевизор экранлари билан боғлиқ ахборот майдонларидағи буюк ўзгаришлар классик геосиёсатдаги макон тушунчасига қайта ишлов бериш билан баравар қудратга эгадир. Геосиёсат ва ОАВнинг ўзаро муносабатлари янги минг йилликда давлатлар ўртасидаги маконий муносабатларнинг виртуал маконда ахборий устунликни таъминлай олиши билан белгиланмоқда. Шу сабабли геосиёсат ва журналистика фани айни инсон дунёқарашини нишонга олиш масалаларини тушунтириб бериш билан эътиборли.

*Бугун геосиёсат ва журналистиканинг марказий муаммоси – ахборий жамиятдаги инсоннинг сиёсий менталитетини ўзгартиришига таъсир ўтказишидир.*

Аслида энг асосий ахборот инқилоби оммавий ахборот воситаларидан ташқарида юз берди. Бугун у ахборий-психологик қуролнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, одамларнинг руҳияти ва маънавий қиёфасига самарали таъсир қилишга қодир. У ҳозирги Украина, Афгон ва Яқин Шарқ дунёсидаги ҳарбий-геосиёсий можароларнинг журналистик таҳлилларида аниқроқ кўзга ташланмоқда.

**Буларнинг барчаси журналистик таҳлиллар орқали геосиёсий маконни назорат қилишга доир механизmlарни тадқиқ этиш – геосиёсат нинг асосий вазифалари эканлигини тасдиқлади. Геосиёсат ва журналистика соҳасининг зарурати айни шу ҳолатлар билан ифодаланади.**

### Назорат учун савол ва топшириклар

1. Геосиёсат ва журналистика йўналишдаги тадқиқотларни тубдан янгилаш фалсафасини қандай тушундингиз?
2. Замонавий ахборот маконининг геосиёсат билан боғлиқ таърифини айтиб беринг.

3. “Кўзга кўринмас” ахборий таъсир қилиш геосиёсий қарашларни қай даражада ўзgartириши мумкин?

4. Ахборий парадигмалар ёрдамида бугунги куннинг геосиёсий манзараси қандай таърифланади?

5. ОАВ орқали геомафкуравий мақсадларни олдинга сурининг моҳиятини тушунтириб беринг.

### **3- МАВЗУ. Жаҳон сиёсатида кўп томонлама форматлар. Замонавий дунёда интеграцион жараёнлар. Замонавий геосиёсий жараёнлар. Халқаро майдонда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар**

**Режа:**

1. Марказий осиё минтақаси - ягона геосиёсий феномен
2. Субмintaқавий геосиёсий марказлар, давлатларларо бирлашмалар

*Таянч сўзлар: минтақавий ихтисослашув, геосиёсатнинг минтақавий позицияси, Марказий Осиё, жаҳоннинг етакчи марказлари*

#### **1. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ - ЯГОНА ГЕОСИЁСИЙ ФЕНОМЕН**

Халқаро журналист кадрларни тайёрлашда “минтақавий ихтисослашув” деган тушунча мавжуд. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда геосиёсатнинг минтақавий позициядан туриб ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга бўлаёттир. Айниқса, МО минтақасини тадқиқ этиш баробарида бу манзара яққолроқ кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Шубҳасиз, бу ҳолат геосиёсий нуқтаи назардан муҳим устунлик ҳисобланади. Табиийки, у журналистик таҳлилларда эътиборга олиниши зарур бўлган давлатнинг муҳим геосиёсий хусусияти сифатида тилга олинади. Айни пайтда, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлатdir. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, кок марказида жойлашганлиги билан кучли геосиёсий мавқеига эгадир.

Бугун Марказий Осиё давлатлар умумий макони худудиди Осиё минтақасида муҳим геосиёсий макон сифатида ўрин тутади. Уларнинг худуди 4,4 млн. кв. км бўлгани ҳолда, бутун Осиёнинг 10 %ни ташкил этади. Худуд Хитой чегараларидан Эрон ва Каспийгача чўзилган бўлиб, Европа, Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиёни боғловчи бўғиндир. Марказий Осиё давлатларининг келажакда дунё сиёсатида муҳим тарихий роль ўйнаши учун барча

имкониятлар мавжуд. Шунинг учун МО янги геосиёсий мақомга эга бўлган тушунча сифатида қаралмоқда.

Ахборот маконида минтақа давлатлари сиёсий мустақилликни қўлга киритганларидан кейинги даврда ушбу ҳудуд «Марказий Осиё» атамаси орқали танила бошланди. Яъни, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон президентларининг 1993 йилда Олма-ота шахрида бўлиб ўтган учрашувда улар юқорида номи айтилган мамлакатлар ҳудудини бирлаштирувчи географик майдонга нисбатан бундан буён Марказий Осиё атамасини қўллаш тўғрисида келишиб олинган.

Шу тариқа XX аср охири ва XXI аср бошларида дунёда, хусусан, Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ривожланиши учун ҳам аҳамиятли бўлган иккита йирик геосиёсий трансформация жараёни содир бўлди. Биринчиси иккиутбли тизимнинг парчаланиши оқибатида янги бешта мустақил давлат ташкил топиши билан боғлиқ эди. Бундан буён Марказий Осиё ягона геосиёсий субъект сифатида эътироф этила бошланди. Иккинчи муҳим геосиёсий трансформацион воқелик - Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамиятининг глобаллашуви билан белгиланмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, Марказий Осиёда давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг марказлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг маданий- цивилизациявий таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган. Бу ҳолда ўтган фаслларда батафсил гаплашишга ҳаракат қиласли.

Минтақанинг географик таснифи эса бизларга мазкур геосиёсий маконнинг яхлитлигини тасдиқловчи хулосаларга келишимизга имкониятни яратиб беради. Масалан, бу ерда Марказий Осиё давлатларини географик жиҳатдан бирлаштириб турувчи асосий омил сифатида минтақанинг ташқи сув ҳавзаларига қўйиладиган дарёларга эга эмаслигини қўрсатиш мумкин. Хусусан, минтақада давлатлараро аҳамиятга эга Амударё ва Сирдарё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон), Талас ва Чу (Қозоғистон ва Қирғизистон), Или (Қозоғистон ва Хитой) ва Тарим (Тожикистон, Қирғизистон ва Хитой) каби дарёлар Орол минтақасидаги берк сув ҳавзаларига қўйилади.

Иккинчидан Тожикистон ҳудудининг 90 фоиз кўпини Помир, Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тизимиға мансуб тоғлар ташкил этади. Аҳолининг асосий қисми тоғлар орасидаги водийларда истиқомат қиласли. Тожикистон етакчи геосиёсий давлат бўлмиш Хитой билан 414 км ва ҳарбий-сиёсий бекарорлик ҳукм сураётган Афғонистон билан 1206 км умумий чегарага эга .

МО минтақасининг янги суверен субъектларидан Қирғизистон ҳам тоғли мамлакатлар қаторига киради. Мазкур давлат умумий майдонининг қарийб 94 фоизини Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғ тизимлари ташкил этади. Мамлакат ҳудудида 3000дан зиёд кўллар ва бир қанча дарёлар мавжуд. Аҳолининг асосий қисми Чуй вилоятида ва Фарғона водийсининг

Қирғистонга тегишли тоғ бағри худудларида яшайды. Қирғизистон кучли геосиёсий акторлардан бўлмиш Хитой билан 858 км умумий чегарага эга.

Қозоғистон умумий майдонининг тўртдан уч қисмини денгиз сатҳидан 100-300 метр баландликда жойлашган текисликлар ташкил этиб, жанубий-шарқий ва шарқий чегаравий худудларида Тянь-Шань, Олотов ва Олтой каби тоғлар жойлашган. Мамлакат ғарбида Каспий бўйи пасттекислиги, марказида эса қозоқ пасттекисликлари тизими жойлашган. Умумий худудининг фақат 23 фоизи дәхқончиликка ва 70 фоизи чорвадорликка яроқли. Қозоғистон шимолда ва шимолий-ғарбда Россия билан 6846 км, шарқда ва шимолий-шарқда эса Хитой билан 1533 км чегарага эга.

Туркманистоннинг катта қисми эса Турон пасттекислигидаги қумликлардан иборат бўлиб, мамлакатнинг дәхқончилик учун яроқли худуди умумий майдоннинг фақат 3 фоизини ташкил этади. Мамлакатнинг ғарбда Каспий денгизига туташиб кетган, унинг жанубий чегараларида Копетдоғ тизимиға мансуб тоғлар ва баландликлар жойлашган. Ушбу давлат жанубда Эрон билан 992 км ва Афғонистон билан 744 км умумий чегарага эга.

Ва ниҳоят бешинчи янги суверен давлат Ўзбекистон умумий майдонининг бешдан тўрт қисми чўл текисликларидан, 40 фоизи эса чўлдан иборат. Мамлакатнинг жанубий – шарқий ва шарқий районларини Тянь-Шань, Ҳисор тоғлар ва тоғ олди худудлари ташкил этади. Ушбу тоғлар орасида Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Чирчик – Ангрен водийлари жойлашган. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган. Афғонистон билан умумий 137 км чегарага эга.

Марказий Осиё аслида ягона геосиёсий феномендир. 1924 йилдаги миллий-давлат чегараланиш, Сталиннинг маккорана сиёсати туфайли ягона худудни бўлиб ташлашдан иборат бўлган тарихий ҳодиса геосиёсий талқинларда эътиборга олинмоқда. Зоро, мазкур чегараланиш сиёсатини амалга оширишда иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний омиллар атайлаб ҳисобга олинмади. Биз бу ҳақда олдинги фаслларда айтиб ўтган эдик. Ҳозир эса унинг хўжалик тизимида йирик давлатлар ва иқтисодий ташкилотларга бирлашган ҳолда, яъни умумий минтақа бозори орқали маълум минтақа давлатлари иштирок этмоқда.

Марказий Осиёда интеграция жараёнларига тўхталар экан Президентимиз шундай дейди:

«...Марказий Осиё халқарининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу бор нарса, бу - мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир.

Бу минтақа муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб қелган. Марказий Осиё халқлари мустақиллика эришганларидан кейин биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ўз келажакларини куришлари зарурлигини яна қайта хис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу суверен мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди».

Шунинг учун Марказий Осиё интеграцияси масалани ҳал этиш мақсадида Президентимиз И.Каримов 2001 йилнинг декабрь ойида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузиш ташаббуси билан чиқди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар мавълум бир қийинчиликларни вужудга келтираётганини англаган давлат раҳбарлари бу ташабbusни қўллаб-куватладилар. Натижада, 2002 йилнинг 28 февралида Алматида минтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувида Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига айлантирилди ва унинг сиёсий функциялари кенгайтирилди.

Шундай қилиб, 1991 йил 21 декабрида Олмаота Декларациясининг қабул қилиниши билан собиқ Иттифоқ расман барҳам топди ва Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари вужудга келди. Марказий Осиёда бешта мустақил давлатнинг вужудга келиши, шубҳасиз, ўзида муҳим жараёнларни ҳам акс эттирувчи ҳодисадир. Яъни Евросиёдаги геосиёсий вазиятнинг тубдан ўзгаришига олиб келган, жаҳон миқёсида авж олаётган чуқур, «тектоник силжишлар» ҳосиласи бўлди . Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти мустақил субъекти сифатида тикланиши- дунё миқёсида рўй берадиган жараёнларга таъсир кўрсатувчи муҳим омилга айланишга олиб келади. Бугун юзлаб йиллар давомида эътибордан четда қолган минтақа Марказий Осиё минтақа сифатида етакчи ОАВларнинг диққат марказида. У глобал ахборот маконининг янги геосиёсий йўналишига айланиб улгурди. Қолаверса, давр шиддати Президент И.А.Каримовнинг «Сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил мамлакатлар қайси йўлдан боришлирга боғлиқ» - деган фикрларини тасдиқламокда .

...Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2012 йил сентябрда қонун асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси»да Марказий Осиё минтақасига яна бир бор алоҳида диққат-эътибор қаратилди. Унда «Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манбаатлари шу минтақа билан боғлиқ» эканлиги белгилаб кўйилди.

Хусусан, Концепцияда Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва улкан минерал хомашё ресурслари заҳираларига эга эканлиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор объектига ҳамда энг йирик давлатларнинг стратегик манбаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Унда йирик давлатлар Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш мөдели ва сиёсий йўлини белгилашида таъсир ўтказишга интилаётгани, минтақада ўз мақсадларинигина кўзлаётган ташқи кучларнинг ўзаро «рақобати» кучайиб бораётгани кўрсатилди.

Концепцияда МО минтақасидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳамон ҳал этилмай келаётганига алоҳида ургу берилди, минтақада яшаётган миллионлаб кишиларнинг соғлигига, аҳоли генофондига зиён етказаётган мураккаб экологик муаммоларга эътибор берилди. Айниқса, Орол денгизи

қуришининг ҳалокатли оқибатлари, трансчегаравий сув ресурсларини ифлосланиши ва атроф-муҳитни заҳарлаши - Марказий Осиёning фаровонлиги ва барқарор тарақкий этиши учун тобора хавфли тус олиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда минтақада очик, дengiz портларига чиқишига имкон берувчи транспорт-коммуникация йўлларининг чеклангани ва уларнинг ўрнини боса оловчи, муқобил йўналишлари тизими йўқлиги Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсиш истиқболларига салбий таъсир ўтказаётганига жиддий эътибор қаратилди. Кўшни мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнлари ҳали туталланмагани Марказий Осиёдаги вазиятнинг мураккаблашувига олиб келаётгани ҳамда чегарадош давлатлар орасида айrim сиёсий, иқтисодий масалаларни уларнинг хўжалик субъектлари ўртасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда қийинчиликлар туғдираётгани эътироф этилган.

Концепцияда Ўзбекистон ўз қўшниларига нисбатан очик, яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳайриҳоҳлик принципларига асосланган сиёsat олиб бориши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон минтақадаги барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдоридир.

Марказий Осиё муаммолари ташки қучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур.

Айтиш жоизки, минтақадаги геоиқтисодий шарт-шароитлар ҳам аста-секин ўзгармокда. Охирги юз йилликда биринчи марта минтақа давлатлари учун шарқий ва жанубий стратегик йўналишда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Чунки Афғонистондан ўтадиган транспорт йўлаги нафақат катта иқтисодий наф келтиради, балки янги ташки сиёсий имкониятларни ҳам туғдиради. Шу тариқа Марказий Осиёда муқобил йўналишни танлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг ривожланган транспорт тармоғидан бошқа мамлакатлар ҳам юкларни транзит қилиш учун янада фаолроқ фойдаланмоқдалар. Бу ҳам ҳалқаро муносабатлар соҳасида минтақа мамлакатлари мавқеининг ўсишига кўмаклашади.

Шунингдек, минтақада ўз таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида глобал ва минтақавий қудратли давлатлар орасида янги курашлар авж олмоқда. Бу кураш ўтган даврлардагидан бир қатор кўрсатгичлар билан фарқ қиласди. Биринчидан, бу жараёнларда иштирок этаётган дунёдаги куч марказларининг сонининг кўпайиши юз берди. Ахборот маконида АҚШ билан Россиядан ташқари улар қаторига Хитой, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония каби давлатлар қўшилганлиги қайд қилинмоқда. Иккинчидан, бу курашлар минтақада анъанавий таҳдидлардан ташқари янги таҳдидлар пайдо бўлган шароитда содир бўлмоқда. Ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, трансчегаравий уюшган жиноятчилик,

гиёхванд моддалар ва ноқонуний қурол-яроғ, одам савдоси, экологик муаммолар янги таҳдидлар мажмуасини ташкил қилади. Марказий Осиё айни шу тарзда кўп ўлчамли ва кўп қиррали геосиёсий тушунчага айланди. Буларнинг барчаси МО минтақасига жаҳон ҳамжамияти томонидан бўлган жиддий эътиборнинг мислсиз равишда кучайишига олиб келди.

## **2. СУБМИНТАҚАВИЙ ГЕОСИЁСИЙ МАРКАЗЛАР, ДАВЛАТЛАРЛАРО БИРЛАШМАЛАР**

Геосиёсат ва журналистика соҳасининг жиддий таҳлили ахолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги кўп жиҳатдан анча узоқда жойлашган бошқа давлатларнинг ҳукумати ёки халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари ва қарорларига ҳам боғлиқ эканлигини белгилаб беради. Айниқса, қуйидаги масалаларда: валюта-кредит сиёсатида, унинг алмаштириш курсида фоиз ставкаларини ўрнатиш, кредит олиш масаласида нефть, газ, пахта ва бошқа стратегик ресурслари баҳосининг ўсиши ёхуд пасайиши алоҳида бир давлатнинг ҳукумати томонидан эмас, субмintaқавий геосиёсий марказлар сиёсатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларнинг ОПЕК, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Европа Иттифоқи (ЕИ) ва бошқа халқаро ташкилотлар даражасида белгиланиши глобал геосиёсатнинг бугунги манзарасидан келиб чиқади.

Жумладан, бугун халқаро савдо ва кредит масаласида эса бутун дунё савдо ташкилоти (БТС), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Осиё тикланиш ва тараққиёт банки (ОТТБ) каби ташкилотларнинг аҳамияти каттадир.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудимизда марказий ўринни эгаллаган ҳолда барча қўшни давлатлар билан чегарадошdir. Кўшни давлатлар бундай имкониятдан маҳрумдирлар. Яъни минтақамизнинг барча давлатлари улкан геосиёсий майдонда жойлашган бўлиб, умумий инфратузилмага, бир-бирига боғлиқ иқтисодиётга эга ҳолда денгиз коммуникацияларидан анча олисда жойлашган. (яъни мазкур ҳудуд континентал ҳудуд ҳисобланади.)

Европа қитъаси, Осиё-Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё ва Ўртаер денгизи давлатларининг аксарияти бевосита денгиз коммуникацияларига чиқади. (денгиз давлатлари ҳисобланади).

Хозирги пайтда субмintaқалар ичida Шимоли-Шарқий Осиё субмintaқавий Евроосиё ўзгаришларда муҳим рол ўйнамоқда. Айнан шу ҳудудда Япония, Корея, Хитой, Россия, Мўғилистон жойлашган. АҚШ ва Канада мазкур субмintaқада Тинч океанининг шимолида жойлашган давлатлар сифатида иштирок этадилар.

Жануби-Шарқий Осиё АСЕАН туфайли максимал интеграциялашган ҳудуд ҳисобланади. Жанубий Осиё субмintaқаси эса АТР минтақасидан анча узоқда жойлашган. Лекин Жанубий Осиё давлатлари ва биринчи навбатда

Ҳиндистон ва Покистон давлатлари, қолаверса, Марказий Осиё республикаларининг АТР минтақасидаги халқаро муносабатларда тобора фаол қатнашиши янги субминтақавий марказларнинг вужудга келишига олиб келди.

Хозирги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари Европа Иттифоқи билан алоқаларни кенгайтириш, халқаро ташкилотларда фаол қатнашиш билан бирга Осиё-Тинч океани минтақасига ҳам қаратилмоқда. Ушбу минтақа давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўрнатилган. Хитой Осиё-Тинч океанида иқтисодий интеграция жараёнларининг катализатори ролини ўтамоқда.

Бу ерда Ўзбекистон учун ҳам Осиё-Тинч океани минтақаси бозорига чиқиш, мазкур худуд билан транспорт коммуникацияларини тиклаш ишларини Хитой ёки Россия орқали амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон истиқболли Шанхай ҳамкорлик ташкилотига катта эътибор бериб келмоқда. Мазкур ташкилот 1996 йилда давлат: Россия, Хитой, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан ташкил этилган бўлиб, умумий чегара худудларида ҳарбий мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган эди ва «Шанхай бешлиги» деб номланарди. Ташкилотда Ўзбекистоннинг қатнашиши, унинг номини ўзгаришига олиб келди, энди ташкилот “Шанхай форуми” номини олди, 2001 йил июнда у таъсисчи сифатида қабул қилиниб, ШХТ вужудга келди.

Бу жараён ўз ўрнида иқтисодиётни трансмиллийлашаётганлигини ва иқтисодий интеграциянинг кучаяётганлигини қўрсатмоқда. Ушбу жараёнлар эса қуидаги йирик худудларни қамраб олаётганлигини қўрсатиб ўтса бўлади:

...Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор аҳамият касб этадиган яна бир йуналиш сифатида жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимида етакчи ўрин тутган, модернизация жараёнлари учун керакли илгор технологиялар манбаи саналган, саноати ривожланган Ғарб давлатлари билан қўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш қўрсатиб ўтилган. Ташқи сиёсатимизнинг асосий устувор йуналишлари қаторига глобал сиёsat ва иқтисодиётда тобора асосий ўринлардан бирини эгаллаб бораётган Осиё-Тинч океани минтақаси киритилган.

Бундан ташқари, таъкидланадики, Ўзбекистон Ўрта ва Яқин Шарқда жойлашган давлат ва мамлакатлар билан анъанавий тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг мазкур қисмида рўй бераётган кескин ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда давом этади.

Лотин Америкаси ҳамда Кариб денгизи минтақасидаги етакчи давлатлар ва Африка қитъасидаги мамлакатлар билан ҳам икки томонла ма асосда, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон миллий манфаатларига жавоб бериши ҳужжатда алоҳида эътироф этилган.

Ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йуналишларидан яна бири сифатида Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятидаги иштироки кўрсатилган. Бу йуналишда, авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари би-лан бўлган алоқалар назарда тутилган. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб турин, давлатлараро долзарб муаммоларни ҳал этиш борасидаги ягона уни-версал ташкилот деб билади. Ўзбекистон томонидан барқарор ривожланиш, «Минг йиллик тараққиёт мақсадлари», Марказий Осиё минтақасидаги қатор масалаларни, хусусан, экологик муаммоларни ҳал этиш соҳаларида БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда.

БМТ тизимидағи ихтисослашган ташкилотлар қаторида Ўзбекистон, аввало, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва бошқа тегишли тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантируммоқдаи.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа шу каби халқаро ташкилот ҳамда уюшмалар фаолиятида фаол иштирок этиш ҳам мамлакатимиз миллий манфаатларига мос келади, ташқи сиёсатимизнинг устувор йуналишларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ўз миллий манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда етакчи халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар- Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқалар би-лан алоқаларни ривожлантиришда давом этади.

Шунингдек, Евropa Иттифоқи-Ғарбий Евropa давлатларининг иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлиги, бир томондан ҳаракатини бошлаган. АҚШ, Канада, Мексика (Шимолий Америка умумий бозори) иккинчи томондан -ягона иқтисодий ҳудудни вужудга келтириш, асосий мақсади Ғарбий Евropa ва Япония маҳсулотларининг экспансиясига қарши туриншга мўлжалланган субминтақавий ташкилотлардир.

Айни Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС)-минтақа давлатларининг ўзаро келишилган иқтисодиёт олиб бориш мақсадига қаратилган. Юқорида кўрсатилган ташкилотлардан ташқари, бошқа иқтисодий-ҳудудий ташкилотлар ҳам мавжуд. Уларнинг асосий мақсади ўзаро келишилган иқтисодиёт юргизиш бўлмоқда. Буларга: Марказий Америка умумий бозори, яъни «Марказий Америка иқтисодий интеграцияси ҳақидаги умумий шартнома», Форс кўрфази араб давлатларининг ҳамкорлиги кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатлари) ва бошқаларни мисол тариқасида келтирса бўлади.

...Маълумки, СССР тарқалишидан кейинги постсовет макони ўз ички барқарорлиги билан кўзга ташланувчи геосиёсий конгломератга айланди. Давлатлараро Бирлашмалар ичидаги энг каттаси Мустақил Давлатлар

Ҳамдўстлиги (МДҲ)дир. Даставвал БССР, РСФСР и УССР раҳбарияти томонидан 1991 йил 8 декабрида Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигини яратиш шартномаси имзоланганди. Кейинчалик 1991 йил 21 декабрга келиб Олма-ота шаҳрида 11 та суверен давлатлар – Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳамда Украиналар мазкур шартномага протокол имзоладилар.

Учрашув иштирокчилари яқдиллик билан ташқи сиёсатда республикаларнинг ҳамкорлигини таъминловчи декларация қабул қилдилар. 1993 йил декабрда Ҳамдўстликка Грузия қўшилиб, 2008 йилда ана МДҲ таркибидан чиқиб кетди.

Ҳамдўстлик суверен тенглик асосида ташкил топиб, уларнинг барча аъзолари халқаро хуқуқнинг тенг хуқуқли субъектлари ҳисобланади. МДҲ давлатларнинг кўпчилиги кўшнилар томонидан муаммоли, баҳсли ҳудудга эгадирлар. Этник ва диний конфликтлар кучайган ҳудудлар ҳам МДҲ доирасига тўғри келмоқда, у иқтисодий жиҳатдан ҳам : Евросиё иқтисодий Ҳамкорлиги (ЕвроАзЭС), ГУАМ (Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдавия) ва Белоруссия-Россия-Қозоғистон Божхона Иттифоқи каби тузилмаларга бўлинib кетди .

Кўп йиллар мобайнида мазкур минтақада бир қатор тангли нуқталар вазиятни чигаллаштириб келмоқда. Кавказда Озарбайжон ва Арманистон ўртасида “Тоғли Қорабоғ” можароси, Чеченистон, Доғистондаги терористик ҳаракатларнинг ҳали-ҳамон мавжудлиги, грузин-абхаз, грузин-осетин қуролли конфликтлари (2008 йилда Россия-Грузия беш кунлик уруши) , Крим муаммоси шулар жумласига киради. Вақт Марказий Осиёдаги конфликтлар минтақавий, этник ва диний зиддиятлар тариқасида аланга олиши мумкинлиги кўрсатди. Тожикистон фуқаролар уруши, Фарғона водийси жанубидаги хунрезликлар, Бодкент воқеалари- Марказий Осиёни “том маънода Евросиё” болқонлариги айлантириди. Сўнгги йилларда постсовет маконидаги геосиёсатда яна бир янги тенденция кўзга ташланади. МДҲ ҳудудида ҳарбий-сиёсий соҳа манфаатларига қараб бўлинish юзага кела бошлади. Бир томондан ГУАМ (Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова) иккинчи томондан КХШ (ОДКБ) доирасида ҳарбий ҳамкорлик кучайганлиги ҳам сиёсий журналистик таҳлилларда қайд этилмоқда.

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро журналистиканинг “минтақавий ихтисослашув” деган тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. МО минтақасидаги классик геосиёсий акторларни таснифланг.
3. “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” ташкилоти ҳақида гапириб беринг.
4. Ўзбекистон МО минтақасидаги салоҳияти қандай аҳамиятга эга.

5. Субмintaқавий геосиёсий марказлар ва давлатлараро бирлашмаларнинг журналистик таҳлиллардаги ўрнини тушунтириб беринг.

#### **4-МАВЗУ: Сиёсий фанларнинг асосий намояндаларининг қарашлари ва сиёсий концепциялар. Жаҳоннинг асосий маданий-тарихий марказлари ва минтақалари, уларнинг тараққиёт қонуниятлари. Геосиёсатнинг асосий параметрлари.**

##### **Режа:**

1. Геомафкуравий концепцияларни англаш даври
2. Ўлкамизда “катта ўйин” қандай бошланган эди?

*Таянч сўзлар: Жамият, жахон сиёсатида мафкуравий келишимовчиликлар, давлат, КАТТА ЎЙИН тушунчаси, фуқаролик жамияти, сиёсий жараёнлар, давлат ва фуқаро муносабатлари. ГЕОМАФКУРАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР.*

#### **1. ГЕОМАФКУРАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРНИ АНГЛАШ ДАВРИ**

Мустақил давлат, мустақил сиёсат, янги миллий манфаатлар тизими ва умуминсоний қадриятлар, давлатнинг куч-кудрати ва хавфсизлиги билан глобал, минтақавий хавфсизлик тизимларининг қай даражада уйғун келиши, улар ўртасидаги табиий мутаносибликлар ва мувозанат сақлаш муаммолари ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгарувчанлиги жаҳон сиёсатида мафкуравий плюрализмга эҳтиёжни кучайтиради. Ҳар ҳолда XIX аср охири XX аср бошларида дипломатик, геосиёсий ўйинлар тарихи бизга навбатдаги катта ўйинлар иштирокчилари ким бўлиши мумкин, деган саволни кўндаланг қўйди. Мазкур ўйинлар таҳлили, вақти келиб мутлақо янгича шаклдаги мафкураларни қўллаш орқали амалга ошиши эҳтимолини яна бир бор тасдиқламоқда.

Бугун янги геосиёсий вазиятда мафкура билан сиёсий онгнинг ўзаро алоқадорлиги халқаро сиёсий муносабатларнинг шаклланишини назорат қилиб турувчи тафаккурнинг бир жиҳати сифатида ўзини намоён қилаётir. Эндиликда жаҳон ҳамжамиятида кўпроқ концептуал - рационал ёндашувлар эмас, балки ифодали айтганда «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» образларни яратиш устунлик қилмоқда. Биз аввалги мавзуларни ёритишда аҳолининг катта қатламида мафкуравий ва геосиёсий дунёқарашиб асосан телекоммуникация ҳамда интернет олами туфайли шаклланаётганлиги тўғрисида гапирган эдик.

Хозир дунёning геосиёсий тизимида туб ўзгаришлар характери янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан ўзгарди. Янги суверен

давлатларнинг мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларнинг янгиланиши йўлида ўз мавқеини мустаҳкамлашдек тарихий-сиёсий жараёнлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ривож топа бошлади.

XXI асрга келиб, ҳарбий салоҳият давлатнинг куч-қудратини белгиловчи омил сифатида ўз ўрнини бошқа мезонларга -ташқи сиёсий дипломатияга бўшатиб бермоқда. Бу эса Янги асрда давлатлараро муносабатларнинг маърифийлашувидан келиб чиқиб геомафкуранинг муҳим омилларидан бирига айланишини тақозо қилаёттир. Бундан ташқари, кучли дипломатия муайян давлатнинг халқаро миқёсдаги ўзига хос маърифий қиёфасининг шаклланишига хизмат қиласиди. Зотан, сайёрамизда ҳарбий салоҳияти эмас, балки кучли дипломатия тизими орқали халқаро жараёнларга сезиларли таъсир қилаётган мамлакатлардан бир нечтасини келтириш мумкин.

Геосиёсий амалиётда «Ошкора бўлмаган» дипломатик таъсир қилиш йўли мавжуд. Бу йўналишда эса баъзи бир таҳлилларга қараганда, қизиқиш, мақсад ва истаклар, табиийки, сир сақланади. Дипломатиянинг бу йўналиши узок муддатга мўлжалланган ва геоиктисодий фойда олиш мақсадига қаратилади. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ёзма баён қилинмайди, шартномаларда кўрсатилмайди, аммо ташқи иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиласиди. Мазкур дипломатия территориал экспансияга қаратилмаслиги ҳам мумкин. Ҳозир худди шу йўсинда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари «учинчи дунё» мамлакатларига ўзининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий таъсирини ўtkазишга интилмоқда.

Мухолифларимиз, демократия, ошкоралик ва иқтисодий натижалар ўртасидаги мавжуд бўлган аниқ асимметриядан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ерда уларнинг мустақиллигимизга гоҳо ошкора, гоҳида пинҳона қарши ҳаракат қилаётганликларининг сабабини тушуниш қийин эмас эди. Улар мустақиллигимизнинг қандай босқичга чиққанлигини ҳамда у ёки бу босқичда руҳиятга, ижтимоий муносабатларимизга сингиб кетаётганлигини аниқ ҳис қилишди. Ижтимоий онгни бузиш, ижтимоий кучларнинг қолоқ қисмидан мадад олиш ниятида турли хил таҳдидли ҳатти-ҳаракатларни бошлаб юбордилар.

«Давлатлараро муносабатларнинг маърифий изга тушишини олий неъмат – деб ҳисоблаган ҳолда, таъкидлайди проф. Т.Жўраев ушбу муносабатларнинг янги асосда тикланишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай хусусий фикр ҳам шу нозик тўқимага тиф бўлиб етишишини англаш лозим. Ўзбекистонга нисбатан бу номақбул йўл бир гуруҳ таҳлилчилар томонидан ҳанузгача давом эттирилмоқда.» Шу тариқа, Ўзбекистонда мамлакатимиз тараққиётига тўсқинлик қилувчи ташқи таҳдидларни таҳлил қилиш жараёни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, «қайси давлат ёки миллат таҳдидни англаш, олдини олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ чора тадбирлар тизимини аниқ ишлаб чиқишга эришса, унинг хавфсизлиги,

барқарорлиги, тараққиёти ва истиқболи ишонарли таъминланган бўлади» деган хуросаларга таяниш йўлига жадал ўтилди.

Масаланинг яна бир томони шундаки, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Афғонистон ва Тожикистондаги можаролар нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиздаги барча мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солиб турди. Афғонистондаги икки томоннинг тинчлик ва миллий келишувга эришиши чўзилиб кетди. Бу мамлакатда «ислом бирлиги» ғояси миллий хонадонларга бўлиниш билан, жиход эса пуштун миллатчилиги билан алмашинди. Айни пайтда чегарадош мамлакатлар дипломатияси олдида турган энг муҳим вазифа ушбу нотинч худудда мамлакат яхлитлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Афғонистон билан чегарамизда ҳарбий тўқнашувлар, узоқ давом этадиган низолар, қарама-қаршилик келтириб чиқаришга бўлган ҳар қандай уринишлар эҳтимол, бу кимларнингдир режаларига кирсада – бизнинг ташқи сиёsat доктринамиз талабларига мутлақо жавоб бермайди», деган таъкидлари юқоридаги фикрларнинг мантиқийлигини тасдиқлайди.

Айни шундай мафкуравий концепция Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятига илмий-амалий кучли таъсир ўтказади. Шубҳасиз, мафкура йиллар ўтиши билан геосиёсий таҳлилнинг марказий категориялари қаторига кириб улгурди. Мафкуранинг муайян карашлар ва ғоялар тизими сифатида сиёсий ҳаётга таъсирини яхши биламиз. Хар қалай ғарб сиёсий дунёси ўз таъсир чегараларини кенгайтириш мақсадида кўп йиллар мобайнида “инсон хуқуқлари” мафкураси билан қуролланиб “эркин дунё “учун сави ҳаракатларини аямади. Устига устак коммунистик шарқ ҳам “бутун дунё пролетарларини бирлаштириш” баҳонаси билан геосиёсий маконни кенгайтиришга астойдил қизиқиши.

СССР қисқа муддат ичida социализмнинг жаҳон тизимини яратди, мазкур масала жиддий назарий ва амалий тажриба майдонида кўринди. Амалда халқ демократиясининг тарафдорлари шаклидаги улкан геосиёсий лагер ҳаракатда бўлди. Бир вақтнинг ўзида Африка, Осиё ва Америка каби минтақаларнинг аксарият давлатларида коммунистик партияларга қардош бўлган партиялар юзага келиб, улар аста-секин қарши рақиб томоннинг режаларини ичидан емириш йўлига ўтишди. Алал оқибат мазкур жараёнлар жаҳон сиёсатида “инсон хуқуқлари” мафкурасининг ҳаётий манфаатларини олдинга сурувчи мафкуравий доктрина сифатида тан олина бошлишига олиб келди. Турли мафкуравий концепцияларнинг рақобати ҳам авжига чиқди. Аммо кўпинча геосиёсий таҳлилларда ҳам “Инсон хуқуқлари” мафкурасига пухта ўйланган мафкуравий доктрина тусини беришга ҳаракат бўлганлигини қайд қила бошлиши. Қолаверса, ўзининг ҳаётий манфаатларини олдинга суриш мақсадидаги курашларда мафкуравий шиорлардан фойдаланадиган ҳаракатлар юзага келган. Қисқа муддат ичida АҚШ ва СССРда кетма-кет бутун дунё бўйлаб ўзининг ғояларини тарғиб этишга қаратилган мафкуравий

институт, жамғарма ташкилотларни яратиш йўлига ўтди. Ҳаттоқи Ғарбдаги баъзи кучлар 1948-50 йилларда мафкуравий қарама-қаршилик доирасида маҳсус хизматларда ишлаб чиқилган янги ишланмалардан ахборот урушининг махфий стратегияси учун қўллаш фойдаланишни бошлади.

“Совуқ уруш”нинг тугалланиши билан эса ҳаммамизга маълумки, рақиблар ўртасидаги “темир девор” олиб ташланди. Геосиёсат шу тариқа дунёning янги геосиёсий манзарасини тушунтириб бера оладиган янги парадигма ва назарияларга эҳтиёж сеза бошлади. Ана шундай пайтда цивилизацион парадигманинг пайдо бўлиши айни геосиёсат ва журналистика учун янги мавзулар майдонини яратиб берди. Булар қаторига асли маданиятшуносликнинг заминидан пайдо бўлган цивилизациявий назарияни мисол келтириш мумкин. Цивилизация биринчи навбатда аҳлоқӣ, маънавий идеалларни илмий англаш билан боғлиқ ҳодиса эканлиги билан бизга маълумдир.

*Геосиёсатда цивилизациявий таҳлил биринчи маротаба рус олими Н.Я.Данилевский (1822-1885)нинг “Россия ва Европа” номли китобининг 1869 йилда чоп этилиши билан боғлашади.*

Мафкуравий характердаги цивилизациявий парадигма геосиёсий услуб тарзида яратилди. Унда маданий мансубликнинг геосиёсий соҳада асосий рол ўйнашлиги таъкидланади. Уларга кўра цивилизация улкан стратегик ғояларга хизмат қилувчи маънавий озуқа вазифасини ўтайди. Унинг атрофида эса маънавий қадриятлар тизими билан бир қаторда давлат бирлашмалари ва иттифоқларнинг моддий бирлашмаси шаклланиб ривож топади.

Н.Я.Данилевский, Л.Тойнби, П.Сорокин, О.Шпенглер каби тадқиқотчиларнинг таъкидлашича “цивилизациялар ўзига хос инсоний бирлашмаларнинг шакли” ҳисобланади. Айни шулардаги аҳлоқ туфайли дин, эътиқод, меъморчилик, рассомчилик, урф-одатлар каби ижтимоий-маданий мансублик базасидан келиб чиқсан ҳолда цивилизациявий умумийлик қатор сиёсий фойда кўриш масалаларида аскотмоқда.

*Цивилизациявий парадигма XXI аср геосиёсий харитасида қўйидаги цивилизациялар турларини шундай тушунтириб боради:*

- Ғарб христиан (Ғарб жамияти);
- Православ христиан (Жанубий Шарқий Европа ва Россия);
- Ислом (Шимолий Африка ва Ўрта Шарқ);
- Ҳинд (Тропик Ҳиндистон);
- Конфуциан будди (Осие Тинч океани минтақаси мамлакатлари цивилизацияси);

Шундай қилиб геосиёсатнинг цивилизациявий таҳлили турли халқ ва давлатларнинг геосиёсий харитада бир-бирига яқинлашиши ёхуд узоқлашишини асослашга ҳаракат қиласиди. Бу ерда албатта геосиёсатнинг айни цивилизациявий таҳлили цивилизациялараро тўқнашув назариясининг нихоятда долзарб эканлигини исботлайди. “Цивилизациялар тўқнашуви”

назарияси америкалик политолог Сэмюэл Хантингтон (1929) томонидан ишлаб чиқылган.

Хантингтон қарашларига күра турли цивилизациялар турли маданий қадриятларни яратади. У келажакда ўз-ўзидан синфлар ўртасидаги мафкуравий конфликтларга нисбатан цивилизациялараро қарама-қаршиликни енгиш қийинроқ бўлади, деб башорат қилганди. Хантингтон асосан 8 цивилизациядан иборат халқаро муносабатлар тизимини таҳлил қилишга ҳаракат қилган эди. Яъни, *хитой, япон, ҳинд, ислом, православ, гарб, Лотин Америкаси ва Африка цивилизациялари* назарда тутилган. Унинг таъкидлашича, вақти соати келиб цивилизациялар тўқнашуви глобал сиёсатда совуқ урушдан кейинги энг асосий муаммо даражасига чиқади. Тарихда айни цивилизациявий сабаблар туфайли Совет Иттифоқи, Югославия, Босния-Герцеговина каби давлатлар жуда катта тангликларни бошидан кечирди. Шу тариқа, замонавий геосиёсатда ўзаро ишонч ва бағрикенглик ғоялари сиёсий элита ва лидерлар томонидан жадал илгари сурила бошлади.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар тавсифига доир бир қатор назарий мафкуравий концепцияларнинг асоси аниқ бир етакчи давлатлар миллий манфаатларига жиддий боғлиқ эканлиги сезилмоқда. Марказий Осиёнинг геосиёсий мухитига алоқадор бўлган «Бекарор ёй», «Геосиёсий плюрализм», «Катта Яқин Шарқ», «Катта Марказий Осиё», «Катта ўйин» сингари концепцияларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин:

- геосиёсий жиҳатдан юқорида қайд этилган концепциялар Марказий Осиё минтақаси устидан назорат қилишни назарда тутади. Бу жиҳатдан уларнинг амалиёти Марказий Осиё атрофида давом этиб келаётган «Катта ўйин»ни нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан тадқиқ этишнинг аҳамиятини белгилаб беради;

- жаҳон ҳамжамияти стратегик мувозанатида Марказий Осиё минтақасининг ўрни бевосита Афғонистонга қўшни эканлигига бориб тақалади. Афғонистон эса Ғарб ва Шарқ, атлантизм ва континентализм ўртасида юз йилдан бери давом этиб келаётган геосиёсий «Катта ўйин»нинг асосий халқаси бўлишда давом этмоқда;

- тарихда Марказий Осиёнинг беш давлатига «Катта ўйин» обьект сифатида қаралган. Эндиликда минтақанинг беш давлати - Ўзбекистон, Қозогистон, Туркманистон, Тоҷикистон ва Қирғизистон ҳам бошқа минтақавий ва халқаро етакчи давлатлар сингари «*Катта ўйин*» концепциясининг субъектлари ҳисобланмоқда.

Шунингдек, замонавий жаҳон сиёсатида кўпроқ маданий эмас, балки иқтисодий эҳтиёжлар учун кураш кетмоқда, деган қарашлар, албатта геомафкура майдонида янги-янги назарий қарашларни келтириб чиқариши аниқ. Бу қарашлар замонавий геосиёсатдаги мафкуравий тўқнашувлар давомийлигининг тобора фаоллашишини тасдиқлайди.

## **“Катта ўйин” концепцияси ва унинг ахборий-мафкуравий рақобатда акс этиши**

Мафкуралар тўқнашуви тарихида “Катта ўйин” тушунчаси концепция сифатида ўзига хос ўринга эга. Бугун “Катта ўйин” концепцияси ахборот-мафкуравий рақобатда янгидан кўлланилаётган концепциялар доирасига киради. Бугун геосиёсий жараёнларни аксарият маҳсус нашрларда тадқиқ этиш мактаблари яратилган. Уларда берилаётган хуносаларни ишлаб чиқиш, айни ташқи сиёsat тўғрисидаги тасаввурларни белгилашда журналист-мутахассисларнинг тор доирадаги турли концепцияларга таяниш механизми сезилади. Умуман журналистик таҳлилларда фақат назарий мақсадларни кўзлаб иш олиб бориши мураккаб жараён ҳисобланади.

Бугун – ОАВларида минтақамиз атрофидаги асосий концепциялардан айни «Катта ўйин» концепциясини кўп тилга олиниши мазкур ҳолатнинг яққол ифодасидир. Ҳозирги қундаги «Катта ўйин» ҳам бир нечта давлатлар томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, Россия Марказий Осиё чегаралари ва Россия худудидан ўтувчи нефть қувурлари устидан ҳукмронликни сақлаб қолишга уринмоқда. Ўз навбатида АҚШ Россиядан айланиб ўтувчи қувурларни барпо қилишга ва шу орқали минтақага кириб келишга интилмоқда. Эрон, Туркия ва Покистон давлатлари эса келажакда қуриладиган нефть қувурлари ўзларининг худудидан ўтишини хоҳлашмоқда. Шу билан бирга Хитой давлати Синжон-Уйғур автоном районида барқарорликни таъминлаш, минтақа орқали ўз маҳсулотлари бозорини кенгайтириш ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилмоқда.

*Ҳозирги “Янги катта ўйин” концепцияси ўз характеристи, мақсади ва Марказий Осиёда янги мустақил давлатлар ташкил топганлиги билан анъанавий “Катта ўйин” концепциясидан тубдан фарқ қиласиди. Марказий Осиёning геосиёсий аҳамияти ва ўрни етакчи давлатларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада олиб бораётган сиёsatларида ёндошиш усули ўзгарди. Бу минтақанинг ер ости заҳиралари бойлиги билан боғлиқдир.*

## **2. ЎЛКАМИЗДА “КАТТА ЎЙИН” ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ?**

Ҳозирги пайтда тадқиқотларда юртимиз тарихини чуқур билиш ва шу орқали тарихий хотирани улкан қадрият сифатида асраршдек умуммиллий вазифанинг ечими илмий жамоатчиликнинг “биз ўзбекистонликлар киммиз?” деган саволга имконият даражада аниқ жавоб топа олиши билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, биргина тарихий – маданий жиҳатдан эмас, балки ўзига хос “этногеоохраносиёсий” йўналишга эга бўлган бу саволга жавобни биринчи навбатда, кўп мингийиллик бекёс бой ўтмишимиздан ахтариш керак бўлади. Зоро, Ўзбекистон халқи учун бугунги кунда ўзига мос бўлган “геосиёсий макон”ни яратা олиш муаммоси, асосан ушбу саволнинг ечимига

боғлиқдир, - қабилидаги фикрлар берилмоқда<sup>1</sup>. Айни шу каби ҳолатларни назарда тутган ҳолда тарихий-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистоннинг яқин ўтмишини (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган даврни) моделлаштириб, таҳлил қилишга эҳтиёж туғилади.

Биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг ўтмишда юзага келган геосиёсий вазиятни тадқиқ қилишдаги асосий муаммо – бу ушбу геосиёсий вазиятни тасаввур қилиш, моделлаштириш, унинг асосий белги ва хусусиятларини ёритиб берувчи моделини тузга олишда, деб ҳисоблаймиз. Аслида геосиёсий вазифаларни моделлаштириш геосиёсий маконларнинг динамик талқини билан боғлиқ жараёндир. Бунда геосиёсий макон тушунчаси ҳар қандай геосиёсий вазият учун асос сифатида юзага келади. Албатта бундай ёндашув геосиёсий вазиятларнинг шаклланиши ва ривожланиши механизмларини бевосита тадқиқ қилишга имкониятни кучайтиради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг Д.Н.Замятин ташқи, социомаданий ва цивилизацион кўринишини қуидагича таснифлайди: 1) рус маъмурияти томонидан босиб олинган ҳудудда ҳарбий бошқарувнинг жорий этилиши; 2) генезиси ва механизмига кўра маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг мавжудлиги; 3) бир ҳудуднинг ўзида бир вақтда турли хил этносоциал ва этномаданий (мустамлакачи ва маҳаллий) бир-бирига қарши ҳаракатда бўлган структуралар билан белгилайди<sup>2</sup>.

Ўрганилаётган даврда геосиёсий вазият Марказий Осиёда илк бор Ғарб, Евropa тушунчасидаги геосиёсий чегараларнинг шаклланиши билан характерланади. Ушбу даврнинг геосиёсий чегаралари турлича геосиёсий маконлар тўқнашуви ҳосиласи бўлиб, Марказий Осиёда бу тарзда чегараларнинг шаклланиши геосиёсий вазиятнинг асосий контурларини белгилаб беради. Зеро Россия-Англия муносабатлари геосиёсий вазият структурасини ташкил қилувчи асосий элементларнинг яққол кўзга ташланиши; иккинчидан, тадқиқотнинг илмий асосланишини таъминловчи нисбатан бир хил, мазмуни ўхшашиб бўлган манбаларнинг кўплиги; учинчидан, назаримизда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Хива хонлигига Туркистон ҳудудидаги бошқа Бухоро ва Кўқон хонликларига нисбатан қиёсий таҳлил учун соддароқ геосиёсий вазият юзага келди. Яъни проф. Н.Жўраев фикрига кўра, “ҳар бир тарихий жараён, ижтимоий-сиёсий воқелик қандайдир сиёсий манфаат асосида дунёга келади. Айниқса босқинчилик, бир ҳукмдор томонидан иккинчи бир мамлакатни забт этиш жўғрофий-сиёсий стратегик мақсад эканлиги табиий ҳол. Шунинг учун ҳам айни шундай жараёнларни ўрганаётганда, уни баҳолаётганда сиёсий мезонларни ҳам назарда тутиш зарур”<sup>3</sup>. Жумладан тадқиқотларда “Ўз барҳаётлигини таъминлаши учун ҳар бир жамият, жумладан,

<sup>1</sup> Қаранг. Жўраев Т. Тарихий хотира: бугун ва келажак уйғулиги. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т.; “Академия” нашриёти, 2001, 16-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Замятин Д.Н. Моделирование геополитических ситуаций. Полис, 1998, №2, 64-65-бетлар.

<sup>3</sup> Жўраев Н. Тарихнавислик: иллатлар ва сабоқлар. Ҳуррият, 1998 август, №33.

ўзбекистонликлар ҳам ҳар бир янги даврда унга сифат жиҳатдан бошқача, “яъни давр муддаоси”дан келиб чиқсан ҳолда тайёр улкан имкониятларни қўлга киритган бир даврда, илмий жамоатчилик маънавий эҳтиёждан келиб чиқиб, яна шу абадий саволни яна бир бор, мутлақо янги асосда қўймоқда...

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, миллий хотирани геохроносиёсий – замон ва макон уйғунлигига бериш давр талабига айланмоқда. Бу йўлда Ўзбекистон тўғрисида а) мавжуд тасаввур, б) мутахассислар тасаввури ҳамда в) сиёсатчилар тасаввуридан иборат тизимини қўшимча далиллар, янги эҳтиёжлар асосида қайта қўриш орқали унинг бугунги ҳаққоний қиёфаси тарихини яратиш лозим”<sup>1</sup> деб таъкидланмоқда.

XIX асрнинг 60-йилларида кейинги шарқий ярим шар харитасига назар ташлар эканмиз, мусулмон турк мамлакатлари ва Россия ўртасидаги жумладан, яъни Каспий ва Қора денгизлар атрофидаги чегара дошликни кўрамиз. Рус-мусулмон дунёси (бу ерда Россия ва мусулмон мамлакатларини назарда тутаяпмиз) – Шимолий Муз Океанидан тортиб то Африкагача ҳамда Болтиқ бўйидан Буюк Хитой деворларигача, шунингдек, бутун Ҳинди-Хитой йўналишини ҳам қамраб олган маълум бир маконни ташкил қилган эди.

Шу тариқа, рус-мусулмон дунёси ўзбек хонликлари, христиан Европаси ва буддизм дунёсини узвий боғлаб турувчи савдо, маданий, сиёсий ва ҳарбий йўлларнинг аксарияти тўқнашадиган ярим шарнинг марказий қисмида жойлашган эди. Ўша пайтга келиб, дунёнинг геосиёсий манзараси тобора геосиёсий таъсирлари билан қучайиб бораётган Буюк Британия ва Россия доираларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Ҳиндистон ва Ўрта Осиё моҳиятига кўра Афғонистоннинг емиши сифатидаги геосиёсий периферияга айланган эди. Ўз навбатида, ўша даврдаги Ўзбекистоннинг ҳудудий-макон хусусиятларининг таҳлили назаримизда, бугунги ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишдаги аҳамиятини таъкидлаб туриб, яна бир бор ўтмишдаги сиёсатчиларнинг фикр-мулоҳазаларига қайтишга эҳтиёж туғилади<sup>2</sup>.

Зотан тарихий тажриба шуни кўрсатяпти, бундай сиёсат нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий – сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишдаги курашида ҳам акс этиши мумкин. Одатда, ҳудуд жиҳатдан кичик бўлган ва энг асосийси –

<sup>1</sup> Жўраев Т. Тарихий хотира: бугун ва келажак уйғунлиги. Тарих, мустақиллик, миллий гоя. (Республика илмий-назарий анжумани материаллари), Т., “Академия” нашриёти, 2001, 16-17-бетлар.

<sup>2</sup> «Рус ҳукмдорларининг тожидаги қимматбаҳо гавҳар тошларнинг бири бўлган Туркистон ўлкаси – ёзади М.Грулев ўзининг китобида – “Ҳиндистонга бўладиган юришда таянч нуқтаси” бўлмоғи учунгина Ўрта Осиёдаги стратегик аҳволимизга давлат аҳамияти назари билан қаралмоқда. Ҳамда бу қарашлар фақат фикрлар доирасидагина қолмай, балки зудлик билан амалга ошмоқда. Қўйидаги фактларни келтиришнинг ўзи етарли: битта Фарғона вилоятининг ўзигина пахта билан бутун Москва саноат районини таъминлаш орқали, йилига 25-30 млн. рубл. фойда келтирмоқда. Шу билан бирга ушбу вилоятнинг узоқ вақт яхши алоқа йўлларининг танқислигидан қийналганини айта туриб, зудлик билан ҳудди чўртон балиқ йўриғига кўра Мурғоб темир йўли қурилишининг иқтисодий жиҳатдан деярли нўлга teng, фақат баъзи бир стратегик аҳамиятга эга эканлигини айтиш даркордир”.

иктисодий имкониятлар заифлашган ва ички бекарор давлатлар ана шундай даъволарга нишон бўлади<sup>1</sup>.

Жумладан, “руслар – дейилади хатларда, Хивага яқинлашган бир давр, инглизлар қаршилик коалициясини ташкил қилиш учун қулай вазият сифатида кўринди. Россияни йўлдан тўхтатмоқ эса Туркияning ёрдамисиз амалга ошиши мумкин эмас эди. Аммо Англияning хоҳишига қарамасдан, ўз ички муаммолари билан машғул бўлган Туркия бош вазири Маҳмуд Пошо даврида ташки манфаатларга эътибор беришга қодир эмас эди<sup>2</sup>.

Инглиз-австрия дипломатарининг саъй-ҳаракатлари билан Маҳмуд Пошонинг ўрнига Мидхат Пошонинг қўйилиши натижасида, Лондон, Вена ва Константинопол Россияга қарши юриш учун бирлашишга қатъий равишда аҳд қилганлар. Австрия-Венгрия ва Туркия Техрондаги Эрон шоҳини “умумий душманга” қарши каолицияга қўшилишга ундашади. Граф Андраши эса ўз ватандоши Ҳерман Вамберини Техронга музокоралар олиб боришига юбормоқчи бўлган. Аммо Берлинда бўлиб ўтган учала император учрашуви Австро-Венгрия вазирининг шаштини сусайтириб, ўз мақсадини бир мунча хилофлаштиришга мажбур бўлганди. Шунга қарамасдан, Эронга паст даражали вакиллар юборилганини айтиш муҳим, уларга Англияning Техрондаги вакили сэр Алисоннинг гапларига қулоқ солиш уқтирилган. Англия ва Австрия билан яхши муносабатда бўлган Мидхат Пошо ўз навбатида, Техронга Муниф Афандини маҳфий қўрсатма билан юборди. Бунга кўра Россияning Хивага қиладиган юриши рус қўшинларининг Эронни бутунлай забт этиш йўлидаги тайёргарлик эканлигини тушунтириши лозим эди. Аммо бу вакиллар ташвиқоти, рус қўшинларининг Эрон чегараларига бехосдан тажовузи сабабли бўлиб ўтган С.Петербург ва Техрон ўртасидаги музокоралар туфайли ўз самарасини бера олмади<sup>3</sup>.

Озарбайжон, туркман, ўзбек, қозоқ-қирғиз ва татарлар мана шу муҳим турк альянсининг аъзолари бўлиши мумкин эди ва фақат ушбу альянсгина,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XIX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 53-бет.

<sup>2</sup> “Бизларга савдо-сотиқдан келаётган фойданинг деярли 20 маротаба кўпайишига қарамасдан, фараз қилиб айтишимиз мумкинки, қилинаётган сарф ҳаражатлар, на унинг, на тилга олинаётган ўлканинг фойдаси билан оқлаши мумкин: - У ҳолда ихтиёrimизда яна бир кучли омил қолади; Ўрта Осиёдаги аҳволимизни таъминлаш учун йилига ярим миллиондан ҳаражат бўлишимиздан сўнг, шу нарсанинг уруш йўли билан ҳал қилишга сарфланадиган юзлаб миллионларни иқтисод қилиб, иқтисодий жиҳатдан ютиб чиқишимизга олиб келади. Татар, поляк ва шведлардан сўнг, инглизлар Европадаги рақибларимизга айланди. Европа уруши юзлаб миллионлар туруши билан бирга, бу жиддий таваккал ишдир. Бу таваккалчилик кўпгина инсонларнинг ёстигини қуритиши билан бирга, контрибуцияда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Илгариги бизни ҳар қандай вазиятдан фойдаланиб урушга тормоқчи бўлган Англия, эндилиқда урушга тортиш учун таваккал қилишга етти марта ўйлаб кўришга мажбур. Осиёда яхши вазиятга эга бўлмасдан туриб, париж шартномасини бузиш мумкинми? Асло, ҳар ҳолда гапни урушсиз ҳал қилиб бўлмас, уруш камида эса 100 миллионларни олиб кетиши мумкин эди. Бу 100 миллионларнинг ҳамённимизда қолишига, бевосита Осиёдаги аҳволимиз қўл келди. Албатта, бу ютуғимизга Францияning Пруссия, Австрия-Венгрия кабилар билан хонавайрон қилувчи уруш билан бандлиги, шу жиҳатдан ҳам қаршилик кўрсата олмаслиги сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда, вақт жуда омадли танланган эди, аммо Англия илгаридай Австрия ва Туркия билан ҳамкорликда қатъий ва кўрқмасдан ҳаракат қилганида эди, у ҳолда бизларга анча-мунча ташвиш туғдириши мумкин эди”.

<sup>3</sup> Қаранг. Юқоридаги манба. Ўша бет.

шимолий рақибиға зарба бера олиши эҳтимолига эга эди<sup>1</sup>. Ўзбек хонликлари қўшни Эрон билан камдан кам алоқалар олиб борган. Дин омили ўз ролини ўйнаган бўлса керак, мусулмонларнинг сунний ва шиа мазҳабига мансуб бўлганликлари, 2 та қўшни халқлар турон ва эрон қабила вакилларининг азалий келишмовчиликлари бунга ўз таъсирини ўтқазган. Эрон ўз чегараларини туркманлар тажовузидан қўриқлашга мажбур бўлганлиги ва бошқа маълум сабабларга кўра, Туркистон халқлари тараққиётига таъсири кам бўлган. Бу ҳолат Хитойга ҳам тааллуқли бўлиб, унинг ҳам ўзбек хонликлари билан сиёсий муносабатлари яхши эмас эди. Фақат бу ерда Кўқон хонлиги Қашқар муносабатларининг ўзгача бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин холос.

Ҳ.Вамбери истило арафасидаги ўзаро муносабатларни ойдинлаштириш мақсадида баъзи бир деталларнинг таҳлилини Бухоро амирлигидан бошлиди. Чунки, муаллиф фикрича, Бухоро кучли тўнтаришларни бошидан кечирган бўлса-да, юзлаб йиллар мобайнида ҳудудда аҳамиятини йўқотмаган. Бухоро Ўрта Осиё цивилизациясининг бешиги эди, шу туфайли Хива ва Кўқон, жумладан, қўшни Афғонистон ҳам уни ақлий ва маънавий жиҳатдан устун қўйган.

Бухорои Шариф диндорларининг исломни тарғиб қилишда билимдонлиги хурмат ва эътиборга сазовор эди. Кўпчилик ўша давр сиёsatчиларнинг фикрича, дейди муаллиф – Хива ва Кўқон хонликлари билан тўхтовсиз ҳарбий тўқнашувларнинг мақсади қуч билан бирлаштириш сиёсати бўлган. Аммо, дейди муаллиф Бухоро амири ҳеч қачон бундай режага эга бўлмаган. Хонликларнинг бир-бирига қарши уруш ҳаракатлари фақат қароқчилик характеристига эга бўлиб, агар руслар Ўрта Осиёни босиб олиш ниятларини амалга оширадиган бўлса, у ҳолда учала хонлик бир-бирига ёрдам бериш ўрнига, ўзларининг тарқоқлиги туфайли умумий душманга яхши йўл очиб беришлари мумкин (рус генерали М.Терентьевнинг изоҳлари бунга далил бўлади).

Хива ва Кўқон Бухоронинг аёвсиз душманлари бўлишига қарамасдан, улар Бухоро учун унчалик хавф туғдирмас, аксинча бу пайт хавф табора

<sup>1</sup> Рус истилоси арафасида ўзбек хонликларидағи умумий вазият хусусида венгер саёҳатчиси Вамберининг берган маълумотларига қараганда, у 1863 йилнинг 26 майида Хивага келган, у ерда хон билан учрашиб, хонинг кўп йиллар мобайнида ташқи ишлар билан шуғулланган хизматчиси Шукруллобой исмли шахс билан танишган. Вамберининг ёзишича, Шукруллобой хон элчиси сифатида 1839 йилда Хиротда майор Тодд олдида, бир неча марта Петербург ва Константинополда бўлган. Маълумки, таомилга биноан Константинополда сulton ислом динининг халифаси сифатида Туркистон хонларига рамзий маънода сарой лавозимлари улашилган. Шу расмиятчиликка амал қилган ҳолда элчилар фаолият кўрсатган. Хива хони муншон, Бухоро амири-рейс (дин назоратчиси), Кўқон хони эса – сultonнинг фахрий чавондози ҳисобланган. Бу расмиятчилик йилига фақат бир марта эсга олиниб, Туркия билан хонликларнинг ўзаро муносабатлари шу билан чекланган. Шунга қарамасдан, Хива вакили Шукруллобой Константинополда 10 йил мобайнида фаолият кўрсатиб, эски таомилга кўра Туркия томонидан моддий жиҳатдан таъминланган. Муаллифнинг, Усмонийлар давридаги Туркия Пётр I га нисбатан олдинроқ ҳаракат қилганида, жуда катта таъсири кучига эга бўлиши мумкин эди, деган гипотезаси қизиқарлидир. Чунки, - деб ёзади у, - дини, маданияти, тили турк унсурларидан иборат кучли давлат таркиб топиши мумкин эди, аммо бу каби давлатни буюк княз Романовгина ўзининг айёрлиги ва ҳарбий құдрати туфайли турли хил элементлардан шакллантира олди.

кучайиб бораётган Афғонистондан кутилаётган эди. Амир Насруллонинг эски рақиби Дўст Муҳаммаднинг Аму томонга қилган муваффиятли юришлари ҳамда унинг инглизлар томонидан қўллаб қувватланиши, албатта, унда қўрқув ҳиссини кучайтириб юборди. Насруллонинг ўлимидан кейин, унинг вориси бўлмиш ўғли Музaffer таҳтга ўтирди. Дўст Муҳаммаднинг ўлими қўрқув ҳиссини йўқотишига қарамасдан, инглизлар туфайли кучли кўшинга эга бўлиб қолган Афғонистоннинг обрўйи бирмунча ўсди.

Хива эса бу даврда ички низоларини ҳал қилиш билан овора бўлиб, ҳолдан тойган. Вамберининг таъкидига кўра, Оллоҳқулихон (балки Коноплейнинг маслаҳатига кўрадир) биринчилардан бўлиб Бухоро ва Кўқонга ўз элчиларини русларга қарши иттифоқ тузиш мақсадида юборади. Бухоро нафақат розилик берибгина қолмай, русларга шу қадар тез таслим бўлдики, натижада, Кўқон, Шаҳрисабз ва Хисор бекликларининг иттифоқ тузишга интилишларига қарамай, тақдир тақозоси билан барча кучларни бирлаштириш ушалмаган орзу сифатида қолиб кетди.

1869 йилнинг бошларидаёқ инглиз ҳукумати руслардан на инглизлар, на руслар ўта оладиган нейтрал зоналарни белгилаш талаби билан чиқкан эдилар. Ушбу бўғин вазифасини Афғонистон ўташи лозим эди. Турлича маданий дунёлар ўртасидаги буфер ҳудудлар ҳисобланувчи ушбу маконда, кўпроқ Фарб билан Шарқ эмас, балки ўзини минг йиллик Осиё цивилизацияси ва маданиятидан устун қўювчи, Фарб ва ярим-Фарб, Европа ва ярим-Европа “европачасига” келишиб олмоқчи бўлган эди. Буни ушбу давр сиёsatчилари, ҳарбий ва дипломатлари яхши тушунган эди.

Россия ва Буюк Британия афғон чегараланишига қадар генерал Скобелев Осиёда Россия ва Англия умумгеосиёсий чегараларнинг юзага келишини уқтириб, Британия геосиёсий таъсир доирасидаги Афғонистоннинг ўрнини куйидагича белгилаб берган эди: “Ҳиндистонни Россиянинг Ўрта Осиё мустамлакаларидан Афғонистон ажратиб туришига қарамай, ҳар ҳолда стратегик маънода Россия ва Англия чегаралари Осиёда тўқнашдилар”. Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишининг аҳамияти нафақат, метрополия учун бу ҳудудларнинг қимматлигида эмас, балки Марказий Осиёдаги янги шаклланаётган геосиёсий макондаги аҳволнинг яхшиланишига ҳам боғлиқ бўлди. Туркистон Россия томонидан осонлик билан босиб олинди ва унинг асосий колонияси ҳали ҳамон Ҳиндистон бўлиб туюлар эди.

Ушбу ўринда, Россиянинг геосиёсий маконда Туркистоннинг геосиёсий жиҳатдан кўзга ташланмаганлиги, ноаниклиги, унинг ушбу маконда кучсиз демаркация қилиниши ва рельефининг кўзга ташланмаслик томонлари, уни Ҳиндистон томон бўладиган юришда геосиёсий коридор сифатида қаралганлигини айтиш жоиздир. Бу масаланинг бир томони. Аммо Россиянинг таъсир доираси, қолаверса, геосиёсий маконнинг босқичмабосқич ички дифференцияси ҳосиласи сифатида, янги геосиёсий функцияларни бажарувчи ҳудудлар вужудга кела бошлайди. Эндиликда, бу ерда Туркистон – пастки қатламдаги геосиёсий зона, Ҳиндистон – юқори

қатламдаги стратегик геосиёсий мақсад, Афғонистон – ўрта даражадаги ўткинчи ҳудуд сифатида қаралиши мумкин эди.

Ўрта Осиё рус қўшинлари томонидан босиб олинган вазиятда, авваламбор, шартли модел ёки макет тусини олиб, кейин реал ҳаракатда бўлган геосиёсий маконнинг сезиларли қирра ва хусусиятларини намоён қила бошлади. Ички чегараларнинг илк бор ажralиши эса эски сиёсий ва маданий доираларга боғлиқ бўлган ҳолда кўпроқ инерциявий характерга эга бўлган эди.

1887 йилда генерал А.Н. Курапоткин томонидан Бош Штабга қилинган маърузада эса, Ўрта Осиё чегараларини ўтказишда кўпроқ геосиёсий ва геомаданий омиллар ҳисобга олиниб, унга қўра геосиёсий маънодаги Ўрта Осиё ҳудуди, геосиёсий ихтисослаштирилган районлар – Туркистон ўлкаси ва Каспийорти вилоятига аниқ бўлинган эди. Бу даврда Туркистон ўлкасида асосан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларини ички геосиёсий ўзлаштиришга асосланилди. Айни пайтда Каспий орти вилояти аниқ ташқи йўналтирилган Эрон ва Афғонистон томонидаги геосиёсий векторда эдики, шу тариқа Россия империяси янги административ чегаралар билан таъминланиши жоиз эди. Куропаткин эски сиёсий ва этнографик Ўрта Осиё чегараларидаги фарқни белгилай бошлайди. Бу билан фактик равишда янги даврда европача геосиёсий маконларга хос бўлган хусусиятлар, белгилар геосиёсий маконга киритила бошланди.

XIX аср мазкур ҳудудга шимол ва жануб тарафларидан Россия ва Британия империялари томонидан таҳдидлари туфайли, анъанавий геосиёсий маконнинг қисман йўқ қилинишига олиб келди. Натижада янги ярим Европача тизимлашган ҳудуд пайдо бўлди. Янги геосиёсий рельеф шаклланиб, унда йирик дарёлар, сиёсий чегараларнинг табиий бўғинига айланди. Геосиёсий маконнинг қайта структураланиши ҳам ўзига хос геоиктисодий бўлинишга олиб келди. Унинг структураланиш масаласи моҳиятига қўра, Ўрта Осиё геосиёсий маконида Россия ва Буюк Британия ўртасидаги қарама-қарши ҳатти-ҳаракатга боғлиқ бўлиб қолган эди. Шу билан бирга, узоқ вақт мобайнида иккала давлат ҳам қайси геосиёсий қоидаларга қўра ўйин қилишни билмас эдилар. Яъни, Ғарбий Европа мамлакатлари учун анъанавий халқаро шартномаларни “мунтазам бузувчи” Россиянинг Осиёга нисбатан геосиёсий қиёфаси, Ўрта Осиё шароитида европачасига қабул қилинадиган бўлиб қолди.

Ишончсиз минтақавий геосиёсий ўйинлар олдида Россия Англия билан ҳудди Европа мамлакати сифатида музокаралар олиб боришига қарамай, ҳар ҳолда Европа ўйини қоидаларга ҳам амал қилишига ҳаракат қиласа эди. Яна шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, Россиянинг геосиёсий тизимлар координатида у ҳолатдан бу ҳолатга сакраш юз берди, Россия Европада Осиё, Осиёда эса Европа кўринишида майдонда ҳаракат қила бошлади. Жойларда шимолий афғон чегараланишини ўтказилади.<sup>1</sup> (41-бет) Геосиёсий маконнинг

<sup>1</sup> Шу ўринда Россия хусусида осиёча тасаввурлар – қолаверса, сиёсий-жўрофий қиёфаларга сунганд ҳолда билдирилган инглиз зобити Риджвейнинг мулоҳазалари эътиборга молик эканлигини айтиш мұхимдир,

янги структураланиши миңтақа, ҳудуд ва унинг чегараларига бўлган муносабатини бутунлай ўзгартира бошлайди.

1870-1880 йиллардаги шимолий афғон чегараларидаги аниқлик, яъни иккита йирик давлатнинг Марказий Осиёда таъсир доираларининг бўлиниши моҳиятига кўра, европа чегараларининг Осиё ҳудудидаги имплантация жараёни сифатида юз берди. Шунга кўра шартли равишда чегараланишнинг иккита – европача ва осиёча қиёфасини ажратиш мумкин бўлади.

Чунки, у осиёча геосиёсий тафаккурда ҳали мавжуд эмасди, унинг образи тамомила бошқача бўлган. Бу ҳолатга, авваламбор, тил даражасида дуч келиш мумкин эди, - бу пайтда «чегара» сўзининг инглиз ва рус тилларидаги анъанавий мазмуни, туркман, ўзбек, хозори ва пушту каби тиллардаги аниқ таржималарда ўз аксини топа олмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқий европача чегараланишнинг амалга ошиши янги геосиёсий маконнинг қайта шаклланишини ўта муҳим муаммога айлантириди.<sup>1</sup>

Айни пайтда афғон чегараланиши глобал шароитдаги маҳаллий ёки миңтақавий геосиёсий маконларнинг илк бор бундай структураланишининг мақсадли ҳосиласи сифатида намоён бўлди. Даставвал, янги маҳаллий геосиёсий чегара ўзидан катта ва кенгроқ бўлган глобал геосиёсий макон ичида вужудга келганлигини айтиш муҳимдир. Ҳар ҳолда, афғон чегараси шу бугунга қадар Европа, хозир эса трансатлантик геосиёсий маконларининг муҳим элементи сифатида қолмоқда.

1873-1885 йиллардаги афғон чегараланишида чегара хусусидаги бўлган баҳслар, инглиз зобити Риджвей фикрига кўра тамомила Европа манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқсан эди: «Россия 1885 йилдаги Лондон протоколи талабларига кўра, қадимдан така туркманларига тегишли бўлган афғон сарҳадлари хусусида қистовларни бошлашимиз биланоқ, инглизлар 1873 йилги шартномаларга суюна бошлайди ва Афғонистоннинг Амударё соҳилларидаги сарҳадларини Бухорога қайтариш талаби билан чиқанди»<sup>2</sup>. Умуман, шартли европа типидаги геосиёсий маконларнинг

---

унда: «Саҳролар ичидаги устунлар билан белгиланган чегара картон чегарадир. У русларни қандай ушлаб қолиши мумкин? –деган эътироға эътибор қаратсан . Тилнинг моҳияти чегараланиш услубларида эмас, балки рус императорининг чегаралар доимо ҳурмат қилинади, деган шоҳона ваъдасидир. Билишимча, Россия авваломбор шартномаларни кўнгилли бўлиб, кейин уни бузишдан ҳузур-ҳаловат олиш учунгина тузади деган ҳалқнинг нақли бор. Унинг Ўрта Осиёдаги Афғонистон томон ҳаракатига келадиган бўлсақ, у ҳолда мен шуни тасдиқлашим лозимки, бу ерда ҳар қандай айловдан ўзимизни тишишимиз даркор. Зоро, ушбу ҳаракат токи бошқа құдратли давлат билан тўқнаш келмагунча давом этиши аниқ”, – дейилган эди.

<sup>1</sup> Яъни манбаларда: «Масала, амир ҳудудининг хавфсизлигини таъминлашда эмас, балки гап ҳазрати олийлари ҳукуматининг чегаралари номаълум бўлган Афғонистон учун бу баҳсли бўлишлигидар, табиийки, гап Россия томонидан формал ҳалқаро мажбуриятларининг кучига кўра белгиланган чегараларни тан олган Афғонистон учун маъсулиятни ўз бўйнига олиш хусусида борар эди», –дейилади. (Новая афганская граница капитана Риджвея. - Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. вып. XXIX. Сп.б, 1888. 98 стр).

<sup>2</sup> Қаранг. Новая афганская граница капитана Риджвея. - Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XXIX. СП.б, 1888. 94 стр.

ташкил топишидаги умумий тамойиллар майда ва кичик бўлган маҳаллий, маданий ва этнографик чегараларнинг умумлашувига олиб келди.

Афғон чегараланишидаги рус ва инглиз худудий геосиёсий тортишувлари ҳамда сиёсий музокараларида Афғонистон тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида расмий қатнаша бошлайди, Россия Бухоро амирлиги манфаатларини ҳимоя қилган бўлса-да, табиийки, асосий сиёсий ечимларнинг барчаси Санк-Петербург ва Лондон томонидан ҳал қилинар эди. Айни пайтда, XIX аср Хива томон русларнинг юриши Ўрта Осиёга қилинган босқинчилик ҳаракатларнинг якунловчиси бўлди.

Россиянинг Хивага қилган босқини натижасида геосиёсий манфаатларнинг маҳаллий, минтақавий соҳалари бузилиб кетди. Хонлик ҳудудининг зудлик билан босиб олинишига тўқиңлик қилган нарса шу бўлдики, у маълум бир вақт мобайнида рус ҳукумати геосиёсий манфаатлари доирасида переферияга айланиб турган эди. Зеро, у ҳолат тўғридан-тўғри Англия билан тўқнашиш, Марказий Осиёнинг бутун эски геосиёсий чегараларига ўзгартиришлар киритиш хавфини англатар эди. Вазият шу билан ҳам мураккаблашган эдики, Хива Осиёни кесиб ўтувчи фронтал ёки глобал геосиёсий чегараларнинг шаклланиши муаммоси билан боғлиқ бўлиб қолган эди. Марказий Осиё чегараларининг бу муаммоси ушбу жараённинг таркибий қисми эди.

Ўрта Осиё ҳудудида босиб олинган ҳудудларнинг факат ҳарбий вазирлик томонидан бошқарилиши, ўзига хос геосиёсий амортизатор<sup>1</sup> вазифасини ўтади. Бу эса Россия Ташқи Ишлар Вазирлигига халқаро дипломатия билан ҳисоблашишга тайёр бўлмаган ўз сиёсий ҳаракатларини асослаш учун маълум бир вақт ютишга, ўзига келиб олишига хизмат қилди. 1870 йилнинг ўрталарига келиб Хива учун бўлган сиёсий ва дипломатик курашдан келиб чиқсан вазият, уни Марказий Осиёдаги энг оғир геосиёсий нуқта, шу билан бирга ҳаттоқи йирик геосиёсий бўғинлардан бирига айлантирди.

Рус қўшинларининг Хивани босиб олишининг ўзи эса, Марказий Осиё геосиёсий мувозанатини ўзгартириб юборди ва ҳаттоқи Хива хонининг геосиёсий дунёқарашига таъсир қилди. Бу шароитда афғон амирининг хавфсираши табиийки, Буюк Британия империясига аникроқ геосиёсий ҳаракатлар қилишга имконият яратди. Бевосита геосиёсий ҳаракат театридан рус ва эрон қўшинларига нисбатан олисроқда ўз қўшинларини ушлаган Буюк Британия ўз геосиёсий манфаатларини, можаронинг фаол иштирокчиларидан бири бўлган Афғонистон манфаатлари билан уйғун ҳолда бу нуқтада аниқ шакллантира олишга муваффақ бўлди.

<sup>1</sup> Изоҳ. Амортизатор – (кучсизланиш) у ёки бу силкиниш, зарбларнинг ҳаракатини юмшайтирувчи ускуна.

Ўша вақтда Россиянинг позицияси Эроннинг локал геосиёсий манфаатларини самарали равишда бартараф этишга қарамасдан анча ноаниқ шаклга эга эди.

XIX асрнинг охирларига келиб Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият асиметрия ҳолатига тушиб қолди. Борган сайин Ўрта Осиёнинг давлат тузилмаларини аста-секинлик билан ютиб бораётган Россия ўз номидан чиқишилар қилган бир паллада Буюк Британия Афғонистон каби кучли геосиёсий буферга эга бўлиб қолди.

Шундай қилиб, биринчидан, русларнинг Хива томон юриши, қолаверса унинг Россия томонидан Ўрта Осиёдаги босиб олган худудларига қўшиб олиниши натижасида бу рельеф динамик характерга эга бўлди;

иккинчидан, сиёсий-жўғрофий чегараларнинг тезлик билан унинг ўзгариши бирор-бир шаклга келишини таъминлади;

учинчидан, Россиянинг Афғонистон дарвозасига келиб қолиши биланок Марказий Осиёда геосиёсий вазият дарҳол ўзгарди. Шу билан бирга глобал геосиёсий вазият, авваламбор, Европа хусусида гапирадиган бўлсак, афғон чегараланишининг муваффақиятли амалга ошишига таъсир кўрсатди.

тўртинчидан, инглиз-рус чегараланиши Марказий Осиё ва Афғонистон давлатлари ўртасида чегараларни ўрнатишишга интилиш бўлмай, балки Россия ва Англиянинг минтақада мустамлака сиёсатининг амалга оширишдаги таъсир доираларини бўлиб олиш бўлди<sup>1</sup>. Ушбу чегараланиш моҳиятига кўра, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистоннинг мустақиллигига раҳна солди, уларнинг худудий яхлитлигини бузди. Натижада, масалан, Бухоро амирлигига тегишли бўлган Бадахшон билан Ваханнинг аффон амири қўлига ўтиши оир хил этник аҳолининг давлатлар чегараларининг турли томонида истиқомат қилишига сабаб бўлди. Бу кейинчалик миллий маҳдудликнинг чукурлашувига, уларнинг миллий камчилик сифатида қолоқликка дучор бўлишига олиб келди.

Ва ниҳоят, XX асрнинг бошларига келиб, рус бошқарув тизимида Туркистон ўлкаси Империянинг Европа ҳамда жаҳон геосиёсий мувозанатидаги ролини ушлаб туришда Россия геосиёсий маконнинг мустақил қисми бўлиб қолди, деган тасаввурлар шаклланиб бўлинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Катта ўйин» концепцияси амалиётдаги тадбиқига кўра учта давр (босқич)дан (биринчи босқич XIX аср иккинчи ярми; иккинчи босқич XX аср охирлари; учинчи босқич XXI аср боши) иборат бўлиб, унинг ҳар бир босқичи ўз иштирокчиларига,

---

<sup>1</sup> Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией 1872-1885. Санкт-Петербург: изд-во Минист. Иностр. Дел.1886,3- бет; Бу ҳақда яна қаранг. П.Махкамбоев. Кто и как «определял» границы государств в Средней Азии в середине XIX века? Маяк Востока. Журнал, Т.,1995, 1-2 сон, 144-148 бетлар.

муносабатлардаги устувор масалаларига кўра бир-биридан фарқланиши журналистик таҳлилларнинг диққат марказида бўлиши жоиздир.

Булар Марказий Осиё минтақасида стратегик мавҳумлик ҳолати вужудга келишини таҳлил қилишга имкон берувчи омиллар ҳисобланади. Бундай шароитда минтақа давлатлари минтақанинг стратегик мавҳумлик ҳолатини бартараф этиш учун кечеётган геосиёсий жараёнларга тўғри муносабатда бўлиб, мавжуд мафкуравий тенденцияларга эътибор берган ҳолда ўз ташқи ва ички сиёсатини шакллантиришлари аҳамиятлидир. Халқаро журналистикада “Катта ййин” концепциясининг жиддий тадқиқ этилиши мазкур жараёнларга ўз ижобий таъсирини албатта ўтказади. Хусусан, замонавий геосиёсатни тушуниш ва англаш ўлкамизнинг геосиёсий ўтмишини замонлар ва маконлар йўғунлигида тадқиқ этишни талаб этади.

### **Назорат учун савол ва топшириклар**

1. Геосиёсатнинг предмет майдонида мафкура қандай ўрин тутади?
2. Мафкуравий концепциялар рақобати деганда нимани тушунасиз?
3. Ўлкамизда “Катта Ййин” қандай бошланган?
4. Ахборот замонавий геосиёсат методологиясида қандай омил саналади?
5. Цивилизациявий парадигманинг янги геосиёсий услуг тарзидаги моҳиятини тушунтириб беринг.

## **5-МАВЗУ: Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани миңтақаси давлатлари. Жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ давлатлари. Жаҳон сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили.**

### **Режа:**

1. Ёшлар дунёқараш: ахборот асрининг ўзига хос хусусиятлари
2. Жаҳон сиёсатида ёшлар омили: глобаллашув даврининг ўзига хос хусусиятлари
3. Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани миңтақаси давлатлари. Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили

**Таянч сўзлар:** БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ, ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ, эркинлик бериш сиёсати, жаҳон сиёсатида ёшлар. Жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани миңтақаси давлатлари. Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари. Жаҳон сиёсатида ислом омили.

**“Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг ирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.”**  
**Ш.Мирзиёев.**

Дунёга ҳукмронлик қилиш ғояси бугун янги кўринишга эга бўлди. Эндиликда кураш факат ер ости нефть-газ бойликлари учун эмас, балки интеллект дунёси учун ҳам шиддатли кечишини эътироф этиш даври бошланди. Ёшлар ўз-ўзидан маълумки, айни шу интеллектуал дунёнинг соҳиблари ва келажагидир. Бугун маънавий баркамолликка интилиш ғояси орқали мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарасидан барчамиз хабардормиз. Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичida ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг дозарб масалалари ўз ечимини топмоқда, мазкур соҳадаги фаолият янгича мазмун маъно эга бўлмоқда. 1991 йилдан бошланган ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган ривожланиш стратегияси эса айни ёшлар қатламига оид қонунларнинг қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатди. 2008 йилни Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” “деб номланиши билан Давлат дастурларининг қабул қилиниши ёшлар сиёсатининг тамойилларининг амалга оширилишида

муҳим босқич бўлди. Айни ҳаракатлар стратегияси даврида эса ёшлар сиёсатининг ўзига хос замонавий илғор тенденциялари номоён бўлмоқда. Айниқса ахборот асрида давлатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатини комил шахс тарбияси асосига қуриши - ёшлар тарбиясида янги ўзига хос изчилликнинг ижобий имкониятларини номоён бўлишига олиб келди. Бугунги шиддатли давр билан боғлиқ ахборот асри – ғоявий-слубий жиҳатдан тадқиқотларимизнинг аксариятига катта ўзгаришлар олиб кириши аниқ. Фалсафий дунёқарашимизнинг аслига ҳамда мазмунига жиддийроқ, тийраклик билан ёндошувларни тақозо қиласиган даврда яшаётимиз. Ҳар ҳолда сўнгги йигирма йилликдаги ахборотнинг кескин тезлашуви инсоннинг инсонлигини сақлаб қолиш, инсонийлик, табиат, сиёsat ва ахлоқ билан боғлиқ бўлган ҳистойғуларимизни, онг-шууримиздаги тасаввур ва тушунчаларимизни имтиҳон ғалвиридан ўтказиб турибди. Айни ахборотнинг тезлашуви билан биргалиқда ҳаддан ташқари сўз ва хатти-ҳаракатларга эркинлик бериш сиёсати- (анаҳизм, космополитизм, окултизм, феминистлар каби ҳаракатларнинг бугунги кўринишлари билан боғлиқ) тамойиллар орқали ташқи сиёsatда устунликка эришишнинг зўр берилишига олиб келинди. Ҳар ҳолда жаҳон геосиёсатининг бугунги таҳлилидан кўриниб турибди, тифиз ахборотлашган жамият шароитида кучли рақобат юзага келди. Шу туфайли яна бир бор ахборот асрида ёшлар дунёқарashi учун кураш мавзусини тилга олишимизга ички бир эҳтиёж сезамиз.

Зотан етакчи ОАВ тармоқларида жамиятнинг маънавий қиёфасини бузиш, унда тўнтариш ясашга уринишлар, хукмронликка интилишдаги геомафкуравий манфаатларнинг яққол тус олиш тенденциялари кучаётir .

Араб ва афғон дунёсидаги тўқнашувларнинг геосиёсий моҳияти эса ахборот курашининг нақадар кучайланлигини тасдиқлаётir, унинг борган сайин гоҳ минтақавий, гоҳ мафкуравий-маданий оҳангда катта ўйин стратегиясидаги давлатларнинг тажовузкор сиёсатига таъсир ўтказаётганлиги оммавий ахборот воситаларида кўп айтилмоқда. Олдимиизда шу тариқа ахборот хавфсизлигини таъминлашда баркамол авлодни тарбиялаш ғояси муҳим вазифага айланаётir. Айтмоқчимизки, маънавий баркамолликни инкор этувчи ғарб индивидуализми феномени дунё ёшлари онги ва қалбида ўз асоратини қолдиришга улгурмокда. Ахборотлаштириш ва глобаллашув жараёнининг бири-бирини тўлдириб, таъсир доирасини кенгайтираётган бир давр келди. Миллий тадқиқотларимизда бунга жавобан “оммавий маданият” хавфи ҳакида барадла айтиш аънаналари кириб келганлигини мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Уларда янгиликларни бир зумда ўзлаштириб оладиган, ахборотни тез қабул қила олувчи ёшлар қатламига “деструктив культ”, паратоталитар, неонацистик йўсиндаги ғояларнинг фанатизмга мойиллиги кучли бўлган ўсмир ёшлардан вайронкор қуч сифатида фойдаланишнинг замонавий тенденциялари хақида қайдларнинг берилиши бежиз эмас. (2012 йилнинг сўнгги ойларида” Тотенхэм” (Англия) ҳамда “Лацо” (Италия) футбол учрашувидаги футбол фанатларининг тўқнашувида миллатчилик антисемитизмнинг қўпол кўриниши, хусусан, Москва шаҳри Манежная майдонидаги футбол фанатларининг агрессив миллатчилиги (2010 йилининг декабри) миллатлараро муносабатларни қалтислаштириди.

Айни 2012 йилнинг сўнгги ойларида исломий қадриятларни топташни мадҳ этувчи фильмдаги маъшумликлар эса эҳтиросларни кучайтириб юборди, яна бир бор жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги баҳс мунозараларни авжига чиқартирди. Эски даврларда ҳарбийлар юриш қилиб қўйгандан сўнг дипломатия ўз кароматини намойиш қиласади. Бугун мутлақо бошқа вазият - хар бир ахборий хуруж ва мафкуравий таҳдиддан кейин албатта катта сиёsat дунёси ўзига мослаб ўз сиёsatини ахборотларда сингдиришни бошлиётir.

Айниқса, Миср, Сурия, Ливия, Афғонистон билан боғлиқ ахборот маконидаги геосиёсий рақобат ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги тадқиқотларни тезлаштириши керак.

Зотан бундай шароитда баркамол авлодни тарбиялаш – барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланганлик даражасига боғлиқ жараён эканлигини яхши биламиз. Яъни, мазкур шароитда асосий иқтисодий, сиёсий, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидларнинг бартараф этиш, ахборот тизимларига ноқонуний суқилиб киришларнинг олдини олиш учун қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши талаб этилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш худди шундай таҳдидларни олдини олиш ва бартараф қилиш механизмининг амалдаги ифодасидир.

Евроньюс паневропа телетармоғи, Ал-Жазира панараб медиа комплекси, русийзабон РТР, ОРТ, жумладан ТРТ каби турк телемедиакомпаниялари борган сайин оммавийлашиб бормоқда. Тадқиқотларда мазкур минтақавий медиакомпанияларнинг оммавийлашувига таъсир ўтказувчи бир қатор хусусиятлар аниқландики, булар: а) ахборотнинг эксклюзивлиги; б) воқеа ва ҳодисаларга “шарқона”, яъни илгаридан “ғарб фуқароларига” нотаниш бўлган нигоҳнинг пайдо бўлиши; в) тарқатилаётган ахборотнинг кўптиллиги, очиқлиги ва кенглиги билан боғлиқ ҳолда ахборий таъсирнинг қўлами хақида гапирмоқдалар. Айни ижтимоий йўналтирилган ОАВ ҳамда интернет тизимидағи ижтимоий тармоқлар ва блокларнинг жаҳон сиёсий жараёнларига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётir. Оммавий ахборий- мафкуравий экспансия иқтисодий блокада ҳамда ҳарбий куч ишлатиш таҳди迪 билан кўзга ташланмоқда. Кибермакондаги стихияли тарзда амалга оширилаётган блогерларнинг даҳанака жанглари, ур-сурлари, кибер хужумлар шундай тизимлар туфайли омманинг сиёсий жисплашишига ҳамда содир этилаётган жараёнларга жавоб тариқасида агрессив муносабат билдиришига сабаб бўлмоқда .

Натижада содир бўлаётган воқеалар ёш мустақил давлатларда демократлаштириш, инсон хуқукларини поймол бўлишининг олдини олиш эмас, балки минтақавий сиёсий-маданий, иқтисодий ҳамкорликни бутунлай парчалашга ва буни амалга ошириш учун унинг атрофидаги мамлакатлардан плацдарм сифатида фойдаланишга, конуний сиёсий ҳокимият ўрнига, янги ғарбпараст, миллий бойликларини арzon гаровга трансмиллий корпорацияларга беришга тайёр бўлган, ғарб идеалларини миллий қадриятларидан устун қўювчи сиёсий элита интилишларида намоён бўлганлигини воқеалар ривожи тасдиқлади.

Лекин, аксарият ҳолатларда иқтисодий танглик, ишсизлик ва қашшоқликка, коррупция каби муаммоларга барҳам берамиз, тарақкий топган демократик Ғарб давлатлари кўмагида ривожланган мамлакатлар қаторига чиқамиз, деган ваъдалардан биронтаси ҳам бажарилмади. Аксинча, ушбу мамлакатлардаги муаммолар янада кескинлашди: аҳолининг қашшоқлиги, ишсизлик даражаси ортди, коррупция баттар авж олди, иқтисодий ва сиёсий инқироз кучайди.

Мисрдаги сиёсий жараёнлар -яна бир марта бу жараёнларнинг истиқболи мавҳумликлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганлигининг амалдаги исботидир... (Хозир мисрликларнинг сиёсий хаёти олдида янги дилемма – ё “мусулмон биродарлари” сиёсатининг диний–фундаменталистик оҳангি билан келишиш ва унга бўйсуниш, ёхуд замонавий дунёвий демократик бошқарув тизими қадриятларини қайта тиклашни танлаш каби тўқнашувларга бой аросат даври бўлганини эсга олайлик. Ўша даврда қўшни истроилликларнинг ўзида эса “аслида Хусни Муборак даври яхши давр эди” шаклида гап сўзлар бежиз пайдо бўлмаганди. Аммо кеч бўлди шекилли. Ўзбекчасига айтганда “Фишт қолипидан кўчиб бўлган эди”).

Биз ҳам сал илгарироқ бунинг бошқачароқ қўриниши бўлган, "рангли инқилоб" юз бергач, қўшни Қирғизистонда жамиятнинг маънавий дунёсига таъсир ўтқазиш ҳеч қандай раҳбарлик тажрибасига эга бўлмаган инсонларнинг турли лавозимларни эгаллаб, йиллар давомида шаклланган бошқарув ва хўжалик тизимини издан чиқаришга олиб келганлигини унуганимиз йўқ. Давлат мулки, миллий бойликлар талон-тарож қилинди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига, мамлакатнинг бўлиниш хавфига олиб келди. Миллий–этник қўринишдаги хунрезликлар юз берди. Ёки "инқилоб бўрони"дан четда колмаган яна бир ёш мустақил давлат - Украинада юз берган "инқилоб"дан бир йил ўтмар-ўтмас, бу ҳаракат "дохийлари ўртасида келишмовчилик, "сиёсий чайқовчилик" пайдо бўлганлиги ҳамон ёдимизда. Ўртада халқнинг аҳволи ёмонлашишди, холос. Замонавий демократик қарашларга зид бўлган сиёсий муҳит шакллантириб қўйилди. Баркамол авлодни тарбиялаш мутлақо абстракт сиёсий ғояларга бўйсундирилди.

Ахборот маконида жамият ёшларининг маънавий баркамоллигига таҳдид қилувчи ОАВдаги геомафкуравий хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзgartирганини тушуниб етамиз.

Аслида, ахборот маконида турли йўллар билан геосиёсий қучлар тўхтовсиз ахборот маконини назорат қилишни мақсад қиласди. Натижада шаклланган қоида ва аҳлоқий нормалардан ўтиб, онгли равишда диний, миллий, аҳлоқий қарашларга зиён етказувчи, керак бўлса уни бадном қилувчи ахборотларни кўпайтириш асосий мўлжалларнинг бирига айланди. 2013 йил арафасидаги ахборот тўлқинида ғарб давлатларининг бир жинсли никоҳларга қонуний рухсат берилганлиги ҳақида, жумладан қиёмат куни “охир замон” ваҳимаси доирасида ахборотлар кетма –кет берилганлигини бир эслайлик. (Москва черковларининг бирида пан гуруҳи аъзолари томоша кўрсатганиёқ

бунга далил бўлади. Рок гуруҳи аъзолари ёш аёллардан иборат бўлган.” Пусти Райт “деб аталмиш рок гурухининг ибодатхонадаги бу чиқиши ҳар қандай ахлоқий–тарбиявий мезонлардан четта чиқиб кетди.) Аммо бунда айрим ОАВ бир томонлама фактларга дикқат-эътиборини қаратди, таникли ғарб сиёсатчилари уларни адолатсиз жамият қурбони деб маълумотларни тарқатиш ҳолатлари юз берди, бу онгли равишда ахборотнинг сохталашибурига олиб келди. Мақсад – бундай ҳаракатлар туфайли инсон онгини фаоллашибириш, оломон психологиясини бошқарувчи ахборий фон яратиш, одамларнинг ҳиссиётини манипуляция қилувчи механизмни ишга солишидир).

Айни пайтда жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш стратегияси рақибнинг ахборий ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш, жумладан алтернатив ахборот тарқатишни қатъий тақиқлашни кўзда тутиши жоиздир. Зеро ахборот маконида кўпинча ўз турмуш тарзини ташвиқот қилиш, рақибнинг қадриятлар тизимини обрўсизлантириш каби миллий ўзликни, ўз-ўзини йўқ қилиш механизмини сезидирмасдан, осонликча йўлга қўйиш кучайиб кетмоқда.

Телевидение моҳиятига кўра, ахборот маконининг улкан сарҳадларини қамраб олишдаги аҳамиятини яхши биламиз. Ҳар ҳолда сиёсий амалиёт телеканаллар туфайли аниқ ижтимоий ва сиёсий позицияга эга бўлмаган фуқаролар манипуляцияга кўпроқ дучор бўлаётганлигини тасдиқламоқда. Геосиёсий рақобатда ёшлар элитасининг маданий – маънавий, руҳий баркамолликни таъминлай олмаслиги ахборот тарқатишнинг энг қулай ва арzon восита сифатидаги аҳамиятини янада кучайтиради. Шунингдек, бундай ахборотлар албатта миллатни маънавий синдириш, ахлоқий бузиш, ўз цивилизациясига нисбатан совуққонлик лоқайдликни кучайтириш хусусиятларини ўзида жамлаган бўлади. Масалан, бугун украиналик ўзларини феминистлар, яъни аёлларнинг химоячиси сифатида танитаётган бир қанча ёш аёллар гурухи муайян сиёсий кучлар томонидан бошқариладиган, аниқ бир десруктив куч эканлиги яққол сезилиб қолди. Улар кўпроқ фуқороларнинг дикқат эътиборини тортадиган жойларда, давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлар, халқаро кўргазмалар каби тадбирларда ярим ялонғоч ҳолда ўз сиёсий шантажининг “кароматини” дунё аҳлига кўз кўз қилиш йўлига бемалол ўтиб олишган. Таасуфки етакчи ахборот марказларининг кўпчилиги айни шундай ғайри ҳодисаларга ишқибоздир, натижада ахборот оқимларида бундай тарбиявий – маданий жиҳатдан номаъқбул ҳолатларга йўл очилиб қолди.

Айнан ахборот орқали бирор сиёсий гуруҳлар, партиялар, диний оқимлар, умуман мухолиф кучлар ҳукуматга нисбатан муносабатни келтириб чиқаришда катта куч сифатида фойдаланишга ҳаракат қиласи. Замон зайли билан ҳар қандай шахс телевидение, радио, газета, журналлар, интернетдан жуда кўп маълумот олмоқда. ОАВ институтлари туфайли баркамол авлодни шакллантириш ғояси эса мамлакатимиз шароитида ахборот хавфсизлигига тизимли, стратегик ёндошувни тақозо қилиши керак. Табиийки, бундай шароитда унинг субъекти, обьекти, таъминот қилиш муаммолари, хавфхатарларнинг манбаси ва ахборот оқимларнинг қайси томонга қараб кетаётганлигини аниқлаш тобора долзарблашиб бораверади.

Бундан ташқари, ахборий хавф барча давлатлар миллий хавфсизлигига даҳл қилиш жараёнлари кузатилмоқда. Юқорида айтганимиздек АҚШдаги интернет тармоғига чиқиб кетган фильм (муаллифи асли келиб чиқиши мисрдан бўлган шахс, ҳозир унинг устидан суд жараёнлари АҚШ да давом этмоқда) шунингдек француз журналларининг бирида чоп этилган диний мавзудаги "Карикатура"лар мусулмон дунёсида антисемитизм, миллатчилик, диний хурофот, халқаро иқтисодий, сиёсий муносабатларни издан чиқарувчи жуда катта тўлқинни вужудга келтирди. Бундан фойдаланган сепаратистик айрма кучлар ахборий хужумни кучайтириб, миллатлараро тотувлик ва тинчлик ўрнатилишига тўскинлик қилишини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги сиёсий-тариҳий таҳлиллардан келиб чиқсан, авваллари иккита гигант давлатлар АҚШ ва СССР ўртасида кураш борган бўлса, эндиликда сиёсат майдонига Хитой, Ҳиндистон, япон, турқ, араб мамлакатлари кириб келди. Сабаб АҚШнинг бошқа минтақаларда ўз геосиёсатини олиб бориш учун сарф-харажатлари бир неча баробарга ошиб кетди. Ахборий қуроллар орқали сиёсий шантаж юзага келтириш кўп жойларда иш бера бошлади. Сиёсий шантаж орқали бўйсunaётган бир қатор давлатлар ўзга бир давлатнинг "қўғирчоғи"га айланиш ҳолати кузатилди. Бу ерда геосиёсий ва ахборий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мазкур қарашлар оммавий ахборот воситаларининг жамият сиёсий жараёнларига, ҳокимиятнинг фаолият қўрсатиш механизми ва бошқа соҳаларни ёритиб бориш вазифаларига эътибор кучайтиришни тақозо қиласди.

Ўз навбатида янгиликлар кўпайгани сари мафкуравий хуружлар ҳам авж олишини таъкидламоқчи эдик. Бунда ОАВ — телевидение, радио, матбуот билан биргаликда интернет тармоғи мафкуравий экспансияда асосий омилга айланади. Яъни, яна бир бор дунёни назорат қилиш геосиёсатида "ўргимчак тўри"нинг аҳамияти ортиб боришига эътиборни қаратмоғимиз зарурдир. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар фан-техниканинг бундай камёб ихтиросидан яхшигина даромад топса-да, интернет тизимлари улкан зарар келтирувчи манбага ҳам айланади.

Шу тариқа жамиятимиздаги баркамол авлодни тарбиялаш фалсафаси астасекин кўз ўнгимиздаги ёшлар дунёқараши билан боғлиқ ОАВнинг ролидан келиб чиқиши жоиздир. Яъни улар:

- ёшларга глобал ахборот-коммуникацион маконда шаклланаётган саноқсиз, кўз илғамас тармоқлар орқали маҳаллий ва сайёравий боғланган "виртуал сиёсат иштирокчиларнинг" таъсир қилиши билан;

- маънавий баркамол авлодни тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган муайян қучларнинг оммавий маданияти тафаккурдаги ўзгаришларга зудлик билан жавоб беришда;

- ёшларга дезинформацион материалларнинг интенсив, тизимли асосда тезкор тарқалишини қўзлайдиган ахборот-психологик таъсир қўрсатиш услубининг амалиётга кириб келишини аниқлаш ва жавоб бериш билан намоён бўлади .

Шарқ ва Ғарб тамаддунидаги бундай салбий мутаносибликлар ОАВ институтларининг моҳиятини бумеранглашувига олиб келиш эҳтимолини кучайтиради. Халқимизда "бировга чоҳ қазима, ўзинг тушиб кетасан", "олдин пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур", "қутирган ит эгасини қопади"

қабилидаги нақллари бежиз айттылмаган. Ташқи сиёсий амбицияларни ахборотни ўта эркинлаштириш тамойили ҳисобига кучайтириш хавфининг зарари бир кунмас бир кун муаллифларнинг ўзига буменгдек акс зарбасини берши ҳеч гап эмас. Демак мамлакатимиздаги баркамол авлодни тарбиялашда ОАВнинг чексиз имкониятларидан мақсадли йўналтириш катта аҳамиятга эга бўлади.

## 2. ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ: АХБОРОТ АСРИНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги баҳс мунозараларни авжига чиқиб кетаётир. Бунда мен қайси ахборотга таянсан яхши бўлади, ким хақу ким ноҳақ қабилидаги савол ҳар бир эркин жамият сайн интилаётган фуқаро олдида ўзгача намоён бўлади. Ўз навбатида ҳозир геосиёсат марказлари ахборот дунёсини ўз қўлига олишда ҳеч қандай харакатларни аямаётганлигини унутмаслигимиз муҳим бўлади.

Бугун етакчи давлатлар сиёсий элитаси янгидан дунёни бўлиб олиш сиёсатини амалга ошириш учун бевосита харбий конфликтда бўлиш бутун инсониятнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келишини тушуниб етганлар. Улар ўзларининг таъсир доирасини кенгайтириш учун бир-бирларининг чегараларига яқин жойдаги минтақалар, геосиёсий нуқтаи назардан муҳим бўлган ҳудудларда билвосита учинчи кучлар орқали беллаша бошладилар. Шу мақсаддаги маблағларни ва ресурсларни тежаш туфайли кўпроқ самарага эришишга тинимсиз интилиш – ахборот маконларидаги геосиёсий рақобатга таъсир ўтказиш йўлларини ўзгартириди..

Яна бир бор тарихга мурожат қилсак, СССР билан АҚШ ўртасида жаҳонда гегемонлик килишга интилиш жуда катта маблағ ва ресурслар сарфланишига мажбур қилганлигига амин бўламиз. Йиллар ўтиши билан эса урушлар ва хар хил жангари гурухларни ташкил қилиш, тайёрлаш, куроллантириш каби харажатлардан кўра самарали бўлган мафкуравий воситалар ёрдамида хукмронликка эришиш, яширин ҳолда таъсирга олиш долзарб бўла бошлади.

Айни пайтда ўтган асрнинг 80- йиллардан бошлаб “Совуқ уруш” ҳамда куролланиш пойгаси туфайли тинкаси қуриган тоталитар-репрессив, иқтисодиёти маъмурий-бўйруқбозликка асосланган СССР АҚШ билан ўз муносабатларини илиқлаштиришга ҳаракат килганини айтмоқчи эдик. Чунки ҳалқ ҳўжалиги бутунлай издан чиқа бошлаган мамлакат аҳволини ўнглаш учун Фарбнинг ривожланган мамлакатларидан кўплаб қарзлар ола бошлайди. Бу қарзлар эса маълум бир сиёсий ён беришлар орқалигина олиниши мумкин эди. Муайян ён босишлиар иқтисодий ночор коммунистик шарқий Европа мамлакатларига нисбатан Кремльнинг геополитик манфаатларидан воз кечишига мажбур килди. Бундан фойдаланган гарбдаги геосиёсий марказлар шарқий Европа мамлакатларида “бахмал” инқилоблар сериясини амалга оширишга имкониятни яратиб бера бошладилар.

Ҳарқалай, мустабид СССР 1991 йилда бутунлай тутатилгач, дунёдаги кучлар мувозанати ўзгариб кетди. Бутун бир бошли Евроосиё қитъасида хукуқий

жиҳатдан бутунлай мустақил суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу тариқа АҚШ ўтган асрнинг 90-йиларидан эътиборини шарқий Европа мамлакатларини геосиёсий таъсирга олиш, ҳамда дунёда мавжуд бошқа коммунистик режимларни (Куба, Хитой, КХДРда) ҳам йўқотиш пайига тушди. Айни пайтда у Евроasiёда якка хукмронликка тўскинлик қилиши мумкин бўлган, ўзининг энг катта рақиби сифатида Россия Федарацияси эканлигини эсидан чиқармади.

Бу мустақил давлатнинг равнақи, тинчлиги, фаровонлигини муҳофаза қилувчи ахборот хавфсизлигини таъминлашда янгидан-янги тадқиқот йўналишларини жорий этилишига олиб келди. Ахборот макони ва геосиёсий ўзгаришлар мавзуни долзарблаштиришда тарих, фалсафа, сиёсий конфликтология, халқаро муносабатлар социологияси, халқаро журналистика каби фанлар уйғунылигини таъминловчи илмий-амалий жараёнларнинг тезлашишига ижобий таъсир ўтказди. Ёшлар дунёқараси билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг очилмаган қирраларини, унинг нозик жиҳатларини тушуниш, илмий англаш ва идрок этишда муҳим илмий концепцияларни пайдо бўлишига хизмат қилаётir.

Яқинда Европада буюк маданиятли давлат парламенти томонидан (бу масала бўйича 14-давлат сифатида қатордан ўрин олибди) бир жинсли никоҳларга рухсат берувчи қонун қабул қилинди. Ҳатто бундай оиласаларга фарзанд олишга рухсат берувчи қонунга йўл очилди. Таассуфки, мазкур қонунга қарши француз жамиятида ҳам қучли эътироzlар бўлишига қарамай, буни эркинлик ва демократиянинг бугунги тантанаси деб жаҳонга жар солинди. Хусусан, сиёсий буюртмани қойилмақом бажарган парламент раҳбарининг табассум билан қонуннинг қабул қилиниши тўғрисидаги баёнотини қандайдир ички нафрат, қалб исёни билан эшитдик. Бу беозордай туюлган баёнотнинг тагида нима ётибди? Бу билан инсоннинг фалсафий таърифи ўзгарадими? Шахс ва жамият тушунчаси-чи? Ахир шахс аввало оиласдан, ота-она бағридан, деган азалий қадриятлар қайда қолди?

Минг афсуски бугун Авесто, Таврот, Инжил, Махабхарот, Қуръони карим даврларидан бери униб-ўсган турли элат -миллат ва халқларнинг генефонди, унинг истиқболи таҳликали башоратларга маҳкум.

Глобаллашувга боғлиқ бундай “хурсандчиликдан” кейин фаҳм-фаросат, иймон, виждон, шарм ҳаё, ор-номус билан боғлиқ инсоний фазилатлар, умуминсоний қадриятларимизга нима бўлади? Аслида бу воқеликлар дунёвий билимлар орқали дунёқарашни бошқаришдаги янги рақобатдан дарак бераётибтимикан? деган саволларни ўртага ташлайди.

Табиийки, бундай шароитда дунёқарашлар муаммоси бугун бойликларни кўз-кўз қилиш, исътемолчилик психологияси, аҳлоқсизлик фалсафаси ўзагини ташкил қилувчи аморализм, лоқайдлик, “ўзи учун яшаш” каби иллатларнинг моҳиятини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Зоро, ахборот асрида бугун виртуаль ҳаёт, онгни қайта дастурлаш, дезинформация, мияни ювиш, мафкуравий зомби қилиш, оммавий маданият каби янги илмий категорияларнинг қалқиб чиқиши – бевосита ёшлар фалсафий дунёқараси учун таҳдидли муаммолар янада чигал тус олишидан дарак бермоқда. Маълумки, азалдан ёшларда фалсафий дунёқарашни шакллантириш серкирра жараён бўлиб келган.

Яъни, бугун телерадио, интернет, матбуот дунёси муҳим минбар ролини бажариш йўлига ўтиб бўлди. Улар жамият маънавий ҳаётининг, хусусан, одамларнинг руҳий, ахлоқий покланишидан келиб чиқсан ижтимоий институт мавқеига эга.

Демоқчимизки ахборот асрининг шиддати олдимизга: - Бугун давлат қай даражагача ва қай йўсинда одамларнинг тафаккури, менталитетига ижобий даҳл қила олиши мумкин? Ёки инсон тафаккурига таъсир қилувчи ахборий манбаларининг кўпайиб кетган бир даврда жамиятнинг маънавий қиёфаси қандай талқин қилинмоғи керак? - йўсинидаги саволларга ҳам аниқ-равshan жавобларни талаб қиласди.

Бугун мамлакатимизда мазкур жараёнларда таълим-тарбиянинг моҳиятига жиддий эътибор берилган тобда таълим-тарбияда либераллик хусусида келишиб олишимиз зарур. Зотан ҳозирги пайтда одамларни Гарб ва Шарқ маданияти тўқнашуви доирасидаги турли менталитет, сиёсий қадриятларнинг яхлит қолипга солишга уриниш тенденциялари хавотирга тортмоқда. Чунки электрон оммавий коммуникациялар бугун чегара билмас қудратга эга, улар қисқа муддатда минг йиллик маданиятни оёқ ости, бадном қила олиш хусусиятлари билан бизга маълум бўлаётir. Ёшлар қатламида эски анъанавий қадриятларни рад этиш, жумладан, кўпроқ оила, жамият масалаларида либерал ёндошувларга мойилликнинг кучайиши айни шу янги ахборот тўлқини орқали юз бermoқda. Жумладан мутола, китобхонлик маданиятининг бугунги аҳволи, мумтоз театр санъати ўрнига агрессив шаклдаги блокбастерларнинг маънавий ҳаётимизга шиддатли кириб келиши тарбиявий жараёнларга ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Яна бир муҳим жихати, жамиятнинг маънавий қўргони бўлмиш оила инқирозининг Гарбдаги шиддати ёшлар дунёқарашида салбий асоратини қолдираётir. Бу ерда авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг даражаси, руҳий интеллектуал салоҳиятнинг бир-бирига боғлиқлиги таянч куч тарзида ўзини намоён қилиши муҳим рол ўйнаши керак эди.

Бундай ҳолатларга жавобан ўз даврида урушнинг қонли манзаралари, сиёсий қатоғон, даҳшатли очарчилик давридаги азоб -уқубатларини бошидан кечирган кекса авлод вакилларига нисбатан илиқ муносабатимизни фазилат даражасига олиб чиқиш - ёшлар ўртасида ҳаётга енгил-елпи қараш, ўз маданияти ва цивилизациясига нисбатан совуққонлик билан ёндошиш, истеъмолчилик кайфияти билан боғлиқ салбий тенденцияларни сезирлик билан бартараф этиш хиссини шакллантиришга ижобий таъсир ўтказарди, деб ўйлаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, албатта мамлакатимиз миқёсида баркамол авлодни тарбиялаш ғояси борасида кенг қўламли маънавий-мафкуравий ишларнинг изчил олиб борилиши айни шу мақсадларга қаратилганланлигини эътироф этиш керак. Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёсdir. Айтмоқчимизки теле-радио ахборотни ёшлар хуш қўради, аммо у тез унутилиш хусусиятига эга, матбуотдаги ахборот кечроқ берилса-да, унинг таҳлилий характеристи кўпроқ хотирамизда тасаввурларимизнинг жамланишига ёрдам беради, деган қарашлар масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради. Бу ерда таҳлилчиларнинг интернет оламини ахборот маконида мутлақо бошқа бир

дунёлигига қайта қайта ишора қилаётганлигини алоҳида қайд этиш керак. У ёшларнинг аксариятини ўзининг домига тортиб бўлди. Яъни, Facebook, Twitter, одноклассники ёшлари даври бошланганлигини яхши англашимиз керак. Бугун сув-оловдай зарур бўлган интернет вақти келиб бамисоли сув тошқини, ўрмон ёнгинидай инсониятга хавф туғдириши мумкинлиги тўғрисида хуросалар кўпайиб қолди...

Бу эса ахборий-гоявийга қарши курашда ОАВ нинг имкониятларидан унумли фойдаланиш масаласини тобора кучайтириб бормоқда. Айни шу маънода, биринчи Президентимиз Ислом Каримов: "...ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълимтарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз хиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борадаги оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди" деб таъкидлаган эдилар.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 1294 та оммавий ахборот воситалари фаолият юритиб, шундан 160 тага яқини газета ва журналлар, 200 та веб сайтларнинг 30 фоиздан ортиғи болалар ва ёшлар мавзусини ёритишига қаратилгандир. Жумладан ёшлар сиёсати йўналишида "Ёшлар" ва "Спорт" телеканаллари, айни замонавий АКТ негизида "ZiyoNET" ёшлар ахборот портали, 2863 та ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган, Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса 10 миллионга яқинлашди ва уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётир .

Бугун Ўзбекистонда телекоммуникациялар тизими дунёning 180та мамлакатига 28та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган ҳалқаро каналларга эга.

Рақамлардан кўриниб турибдики кўламига кўра оммавий ахборот коммуникацияларининг тараққиёти замон билан ҳамнафасдир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Иккинчи томондан ахборот инқилоби билан боғлиқ ўзгаришлар миллий Оммавий Коммуникация тараққиёти билан хорижий тараққиётнинг қиёсий талқинларни тоқозо этмоқда. Албатта, бундай ёндошув оммавий коммуникациялар замонавий тараққиётининг мантигини илмий ифодалашда, сиёсий-фалсафий ёндошувлар ранг- бараглигини таъминлашни кучайтиради.

Буларнинг барчаси ахборот маконида миллий манбаатларимизни ҳимоя қилиш учун ОАВнинг сиёсий функцияларидан унумли фойдалана олаётимизми? Бундан буён оммавий коммуникацияларининг, айниқса электрон оммавий коммуникацияларинг шиддатли тараққиёти инсон онгини манипуляциялашни қай тариқа давом эттириб боради, ахборот оламидаги ракобатнинг аниқ илмий-сиёсий, тарихий-фалсафий талқинига эга бўла олдикми қабилидаги саволларни фаоллаштиради.

Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизациялаш жараёнлари Оммавий коммуникациялари ривожлантириш мавзусига мутлоқ янгича ёндошувларни тақозо этмоқда. Чунки давлат ва

жамият олдида айни оммавий ахборот коммуникациялари тараққиётигина сиёсий-фоявий, маънавий-рухий коммуникациянинг асосий таянчи сифатида улкан имкониятларни келтириб чиқариш қудратига эгадир. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томони, ОАВ ва ёшлар муаммосига бағишланаётган ҳозирги аксарият тадқиқотлар ёшлардаги шаклланаётган менталитет ҳамда унинг миллий-рухий интеллектуал салоҳияти билан боғлиқликда акс этаётганлигини таъкидламоқчи эдик. Глобаллашув даврида ҳар қандай мустакил давлатнинг стратегик келажаги, унинг хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлиги кўпроқ айни ана шу масалалар доирасида белгиланади. Бу бежиз эмас. Зотан, миллатнинг истиқболи – бу айни глобаллашув шиддати талабларини тушуна олган ва англаган ёшларнинг дунёқарашида намоён бўлади. Сирасини айтганда уни ОАВ институтлари орқали шаклланаётган ижтимоий-илмий мухит ҳам мазкур жараёнларнинг бевосита таъсирида бўлиши аниқ.

Маълумки, ўтган 2012 йил давомида жаҳон оммавий ахборот воситаларининг аксарияти араб дунёси билан боғлиқ мамлакат ёшларининг вайронкор, тажовузкор ҳатти- ҳаракатлари тўғрисида ахборотларни бериб борди. Жумладан бу ахборотлар баробарида мазкур давлатлар етакчиларининг кўпчилик томонидан ёшлар тарбиясида сусткашликка йўл қўйилганлиги тўғрисида ҳам афсус-надомат билан қайд қилинди. Юқорида таъкидлаганимиздек, «Фейсбуқ твиттер ёшлари даври» ёшларнинг дунёқарашида ўзига хос чалкашликлар ва мураккабликларни келтириб чиқариши равшанлашиб қолди. Жаҳон ёшлари психологиясида оддий оиласи, ота-она-фарзанд муносабатлари, китоб мутола қилиш маданияти, диний-миллий кадриятларга муносабатлар совуклашиб, бегоналлашиш тенденциялари кучайди. Электрон оммавий коммуникация инқилоби ёшлар тафаккурига катта куч билан кириб келди. Виртуал ҳаёт туфайли, масалан жанубий корейслар юртида бундан беш-олти йил муқаддам берилган маълумотларга қараганда юзминглаб ёшлар ота- оналари билан гаплашмай қўйган. Натижада асосан ривожланган давлатларнинг баъзи ёшларида одамови, окултизм, садизм, суидцидликка берилиш одатий воқеаликка айланиб колганлигини айтишимиз керак. Бундай сиёсий-маънавий танглилка кўпроқ, демократия тамал тоши қўйилган маконларнинг ўзи сабабчидир, улардаги ҳозирги абсолют эркинлик даври ёшларнинг дунёқарашида маънавий инқирозни кучайтириб юборди.

Масаланинг жиддий томони шундаки ёшлар дунёқарашига боғлиқ тадқиқотлар сўнгги ўн йилликда кўпроқ ёшлардаги диний фундаменталистик қарашларнинг глобал тараққиёт учун таҳди迪 борасида бўлиб қолган эди. Ҳар ҳолда аксарият тадқиқотларга кўпроқ диний экстремизм, ёшлар ўртасида жиноятчилик, наркомания ва ишлизикнинг кучайиши қаби социал муаммоларга ургу бериб келдик. Бундай мавзулар кўпроқ пост совет макон мамлакатлари мисолида илмий талқин этилди. Демократия ва маънавият, ёшлар ва сиёсат борасида таҳлилларга эътибор қаратар эканмиз, ўзига тўқ Ғарбдан миллатчилик, ирқчилик, биржинсли никоҳларни кўз-кўз қилиш, тинч аҳолига террор қилиш қаби ташвишли хабарлар чиқишини хаёлга ҳам келтирмас эдик.

Албатта, шиддатли глобаллашув ўзининг кучини тобора намоён қилаётган ҳозирги босқичда бундай воқелик парадоксли характерга эга бўлади. Айни шу ҳолатнинг ўзи ОАВ билан боғлиқ таҳлиллар учун кундан-кунга долзарблашаётган қўйидаги илмий муаммоларни, яъни глобаллашув ва ёшлар дунёқарашида бепарволик, миллий ва диний қадриятларни рад этиш, миллатчилик, диний-фундаменталистик ҳиссиётларни бартараф этишда, ёшлар билан мулоқотда ва уларни ҳал этиш йўлларини қидириш бўйича янги замонавий қўникмаларни шакллантиришни назарда тутиши керак.

Учинчидан бугун бошқа ўзга кучлар томонидан миллий психология ва тафаккур қилиш қиёфасини ўзгартириш глобал таҳдид даражасига айланаётир. Ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки узоқни кўзлаган геосиёсий моҳият касб этмоқда. Аста -секин оммани бошқара оладиган ахборот технологиялари тажовузлар кўламини цивилизациялар руҳий оламининг ўзаги, ич-ичидан амалга оширишгача бориб етаётганлигига қайта-қайта эътибор бериш керак.

Бундай ахборий-мафкуравий рақобат авж олган бир даврда ОАВ орқали ғоявий тарбия олиб боришнинг мазмуни шундаки, у бевосита таълим тизими билан биргалиқда тажовузкор мафкураларга қарши нисбатан мустақил позицияга эга бўлиш позициясини сингдириб бориш, уни жадаллаштиришни назарда тутиши жоиз. Айниқса электрон коммуникациялар – телевидение, радио, интернет орқали уларга фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, ўз ҳётида аниқ мақсад қўя олиш, тарихий хотирага ҳурмат, ўз кучига ишониб яшаш, ислоҳотлар жараёнига муносабат билдириш, урф-одатларни, анъаналарни билиш, инсонни олий қадрият сифатида тушуниш мақсад қилиниши керак. Жумладан, миллий ахборот маконида эзгу, идеал ғояларни “маърифат-шижоатдир” тушунчасини, огоҳлик, бунёдкорлик, ижтимоий фаол бўлиш, маънавий юксалиш, глобаллашувнинг моҳиятини англаш, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш, оммавий маданият нима эканлигини билиш, мустақилликни, байрамларни, маросимларни англаш тушунчалари ўз ифодасини топа бораяпди.

Тўртинчидан, Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида геосиёсат ва медитаълим каби йўналишларни ўйғунлигини таъминлаш орқали эса юқоридаги фазилатлар янада мустаҳкамланиб, ҳаётий фаолият мезонига айлантириб бориш мақсадга мувофиқ. Тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган таълим муассасаларида талабаларда ўз фаолиятида мақсадли кураш олиб бориш, мустақил фикрга, ўз кучига ишончни қабул қилиш, ислоҳотларда фаол, урф-одатларни, анъаналарни асраш, демократияга ҳурмат билан қараш, эзгу-ғояларга садоқат, маърифатни ёт ғояларга қарши қўя билиш, огоҳликни, бунёдкорликни, маънавий юксакликни намоён этиш, жамоа ташкилотларида фаол иштирок этиш, мафкуравий таҳдидга қарши кураш, глобаллашувнинг салбий жиҳатларини фош этиш, юрт тинчлигини сақлаш, демократия экспорти моҳиятини фош этиш фазилатлари намоён бўлмоқда.

Яъни, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарурлигидан келиб чиқиб, ОАВнинг сиёсий-хукуқий, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик ахборот тизимини

бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган имкониятларини янада кенгайтиришни тақозо этади.

Шунингдек матбуот ва электрон коммуникациялар ўртасидаги асосий фарқларни таснифлаш бўйича муайян илмий қарашлар масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз . Уларда бояги айтганимиздеқ матбуот оператив ва эмоционаллиги билан бошқа соҳалардан ортадир, лекин таҳлил қилиш бўйича бошқалардан устунлик қиласди. Бу эса аудитория онгига ишончли ва чуқур таъсир кўрсатади . Телерадио ахборотлар эса эътиборини тезда тортсада, тез унutilади. Интернет оммавий ахборот воситалари эса жуда ҳам кўп одамлар мурожаат қилувчи, тез-тез янгиланадиган, журналистлар томонидан тайёрланган ижтимоий аҳамиятдаги ахборотларнинг оммага тақдим этувчи сайтлар деб таърифлашмоқда.

Маълумки, сиёсий тизимларда оммавий коммуникацияга эҳтиёжнинг жамият хаёти билан тўғридан тўғри боғлиқлиги, ҳозирги ахборот технологияларининг инқилоби ОАВ имкониятлари динамикасига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Яъни, демократлаштиришнинг бир неча ўн йилликлардаги жиддий синовларни бошидан ўтказиши ҳалқнинг, миллатнинг сиёсий менталитети, жумладан шу жамиядда мавжуд бўлган ОАВ институтларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи, интелектуал салоҳияти ҳамда профессионал маҳоратига бевосита боғлиқ жараён бўлиб қолаверади. Ёшлар дунёқарashi билан боғлиқ ахборот хавфсизликни таъминлашнинг долзарблиги айни шу ҳолатлар билан белгиланиб борилмоқда.

### **3. ЖАҲОН СИЁСАТИДА ЁШЛАР ОМИЛИ: ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

XX асрда Европада интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви Европа Иттифоқи деган янги институтционал тузилманинг дунё сиёсий саҳнасида пайдо бўлишига олиб келди. Европа Иттифоқи Президенти лавозими таъсис этилди. Ҳар ҳолда Лиссабон шартномаси тантанаси бугунги Европанинг қатор демократик кучлари томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинганди. Кўпчилик мазкур қудратли геосиёсий маконнинг миллий давлатлар сиёсий бошқаруви шаклида Европа президенти сиёсий институти жорий қилинганигидан ҳам хабардор. Демак бундан буён минтақа давлатларининг ёшларга доир сиёсати бутун кўлами билан мазкур интеграциялашув жараёнларининг таъсирида бўлиши кутилади.

Бу ўз ўзидан Европа Иттифоқи- Марказий Осиёга нисбатан дипломатик сиёсатидаги ўзига хос динамикада ҳам акс этса керак. Хусусан, таъкидланган муаммо Марказий Осиёдаги демократик жараёнларнинг ўзига хос, янги мустақил суверен давлатларнинг ўз худудий яхлитлигини таъминлаш, сиёсий барқарорлик ва тинчлик ғояларининг амалдаги ифодасини намоён қилиш борасидаги изланишларда ўз сўзини айта бошламоқда. Ахборот тўлқинларида Марказий Осиё, Европа Иттифоқи, Шимолий Африка, Кичик Осиё, МДХ ёшлари билан боғлиқ сиёсий мажоралар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Аксарият

ахборий таҳлилларда фақат маданий ва динлараро мулоқотлар, сиёсий келишувлар мазкур муаммоларга доир муаммоларга нуқта қўйиши мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Аслида сиёсий натижаларнинг ечими кўп жиҳатдан етакчи геосиёсий минтақалардаги интеграция жараёнларининг мантиғидан келиб чиқади. Буни доимо ёдда сақлашимиз, тезкор хulosаларга келишимизда назардан қочирмаслигимиз зарур. Жумладан ҳалқаро дипломатиянинг бундай пайтда икки томонлама ўйналадиган шахмат ўйинига қиёсланиши ҳам бежиз эмас. Айни Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, ШХТ, БРИК, АСЕАН мулоқотларидағи айтилиши мумкин бўлган ёшлар ва сиёсий экстремизм мавзуси бундан мустасно эмас. Мисол Европада ягона президентлик институтининг таъсис этилиши, янги Президентининг ташқи сиёсати кўпдан-кўп саволларни туғдириши мумкин эди. Ҳатто Европанинг ўзида минтақавий бирлашув ғояси билан минтақаларда етакчиликка даъвогарликка ҳаракат қилаётган баъзи давлатларнинг геостратегик ғояларига тўқнаш келиши мумкинлигини сеза бошладик. Демак ҳалқаро муносабатларнинг айни шу мантиғидан келиб чиқсан ҳолда, давлатлараро юз берётган айрим келишмовчиликка, низоларга холисона ва асосли ёндошишга ҳаракат бўлмоғи жоиз.

Ахборот маконларида ҳарбий стратегик ҳукмронлик, газ, нефт каби заҳираларга эгалик қилиш тўйғуси, азалий маданий - мафкуравий босим ўтказиш ҳатти-ҳаракатлар- буларнинг барчаси бугунги кундаги геосиёсий рақобатда ўзининг сўзини айтиб қолишига улгурмоқда .

Биз ўз вақтида жаҳон сиёсий саҳнасидаги интеграциялашув бунга чек қўя олармикан? Масалан Европанинг бугунги интеграциялашуви ҳамда Европа Иттифоқи президенти дунёдаги геосиёсий куч марказларининг мувозанатига ўзининг таъсирини қай даражада ўтказади? Келажакда ёшлар онги ва тафаккурида глобал ва минтақавий хавфсизлик муаммолари қандай акс этмоқда? қабилидаги саволларга жавоб берувчи мулоқотларга талаб жуда катта. Ўттиз йилдан бери Афғон диёри дунёдаги етакчи давлатларнинг сиёсий қарама-каршилиги ва ҳалқаро вазиятдаги таранглик даражасини белгиловчи ўзига хос барометр ролини ўтаб келди. Афғон можаросини ҳал қилишдаги сиёсий келишмовчиликлар унга қўшни бўлган давлатларга ҳам таъсир қилишига олиб келди. Яқин ўтмишимизда Тожикистондаги фуқаролар уруши, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳудудидаги диний экстремистик терористик кучларнинг фаоллашуви, ҳалқаро наркотрафик жараёнларининг Марказий Осиё республикаларидан то Европагача чўзилиб кетиши, ишсизлик, очарчилик саводсизликнинг кучайиши бунга мисолдир.

Аммо жаҳон тараққиёти ўзаро алоқадорлиги, давлатлараро чегаралар муаммоларининг мавжудлиги Евроҳудуд ҳавфсизлигини тўла кафолатламайди. Ҳозирги пайтга келиб катта давлатлар учун у буфер, санитар макон ролини ўйнаши қийин. Шунинг учун ҳам Афғон можаросидан келиб чиқадиган таҳдидлар бошқа минтақа давлатларининг хавфсизлигига бевосита таъсир ўтказиши мумкин.

Ахборий–мафкуравий қарама қаршиликларда ёшлар исёнини ташкил этиш технологиялари борасида турли карашлар авж олиб кетди, унинг ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш жараёнига салбий таъсири яққол сезилмоқда. Чунки, учинчи минг йилликда давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий ҳолатнинг устунлик қилиши эса ҳалқаро ташкилотлар орасида ҳам кучли рақобатни келтириб чиқарган. Кўпинча, мазкур ташкилотларнинг бошқарув аппарати шундай қарорга келаяптики, бу ерда нафақат ўз давлатларининг манфаатлари, балки, баъзи трансмиллий компанияларнинг манфаатларини бутун дунёда ҳимоя қилинишига олиб келмоқда. Мана шундай рақобатга мисол қилиб ЕХТТ, Европа Ҳамжамияти ва НАТО фаолиятини келтириш мумкин. Постсовет давлатларига “ғарб демократияси” ғоялари моделини фуқаролик жамияти институтларига ёрдам бериш баҳонаси билан тиқишириш айниқса, Марказий Осиё ҳалқларининг ижтимоий-сиёсий тараққиётiga зид бўлмоқда.

Иккинчидан, Христиан - Ислом мулоқоти бўйича давом этган учрашувларда жаҳон динларидағи толерантлик меҳр-муруват, ҳалоллик ва виждан эркинлиги асослари хусусида кўп фикрлар алмашилганди. Ҳарқалай Ғарб ва Шарқ ўртасидаги мулоқотнинг амалий аҳамиятини кучайтиришда тенг баҳс-мунозараларнинг тақчиллиги мавжуд. Гап бу ерда икки хил менталитет, икки хил тажриба ва икки хил дунёқарашнинг яхши маънодаги илмий -мунозарали тўқнашувлари ҳақида бормоқда.

Айни шу руҳдаги мулоқот маданияти ижтимоий ҳаётнинг турли муаммоларидан тортиб, то сиёсий муаммоларнинг ечимиға ижобий таъсири ўтқазиб боради. Айниқса ёшлар миграцияси муаммоси қай тарзда талқин этилишидан қатъий назар бундан буён мулоқотларга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб боради, деган умумий фикрларга олиб келиши аниқ. Зоро, ҳозир ривожланган Европа ҳам худуди ичидаги исломийлашув жараёнларини бошидан кечирмоқда. Табиийки Европадаги бундай шиддатли ўзгаришлар қўшни цивилизация бўлмиш Шарқ билан ҳам муносабатларни ўйғунлаштиришга ҳаракатни кучайтиради.

Маълумки, мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, хуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуклиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади .

Биз бугун Марказий Осиё тараққиёт тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз мисолида полигэтник жамиятларда динлараро тотувлик мумкин эканлигини исботлади, деб бемалол айта оламиз.

Шунингдек, айрим минтақаларда ахборот асри туфайли рақобатнинг кескинлашиши ёшларда умумбашарий қадриятларга нисбатан салбий муносабатларининг кучайишига олиб келмоқда. Дунёдаги ҳалқаро сиёсатга таъсири қилишга ҳаракат қилаётган ахборий мафкуравий марказлар журналистикасининг диққати айнан шу нуқтага қаратилди...

Юз минглаб ёшлар ота-оналари билан одатий мулоқотни йўқотмоқда, таасуфуки ёшлар ўртасида космополитик-индивидуализм ғояларининг чукурлашиб келганлигини алоҳида қайд этмоқчимиз. Шу тариқа хориж амалиётида ҳам хавфсиз интернет тушунчасига ёндошувлар кўпайди.

Айтиш жоизки, Европа мамлакатларида интернет масаласи умумевропа қонунчилиги билан бир қаторда ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари билан бирга тартибга солиниш амалиёти мавжуд. Европа хавфсизлик кенгашида интернет муаммолари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Масалан Германияда 1997 йилдан ёшларга заар қелтириши мүмкин бўлган материалларни текширувчи федерал бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Унинг ваколатлари доирасига нобоп ва сотишга рухсат этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, китоблар, видеофильмлар ва компьютер ўйинлари) рўйхатини тузиш ва мазкур йўналишда қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари киради. Ҳозирги Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар қонунчилигида ёшларнинг рухияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мүмкин бўлган ахборотларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Масаланинг жиддий томони шундаки ёшлар тарбияси борасидаги тадқиқотлар сўнгги ўн йилликда кўпроқ ёшлардаги диний фундаменталистик қарашларнинг глобал тараққиёт учун таҳди迪 борасида бўлиб қолган эди. Ҳар ҳолда аксарият тадқиқотларга кўпроқ диний экстремизм, ёшлар ўртасида жиноятчилик наркомания ва ишсизликнинг кучайиши каби социал муаммоларга ургу бериб келдик. Бундай тадқиқотлар кўпроқ пост совет макон мамлакатлари мисолида илмий талқин этилди. Демократия ва маънавият, ёшлар ва сиёsat борасида таҳлилларни берар эканмиз, ўзига тўқ Ғарбдан миллатчилик, ирқчилик, тинч аҳолига қурол билан террор қилиш, бир жинсли никоҳларни кўз-кўз қилиш каби ташвишли хабарлар чиқишини хаёлга ҳам келтирмас эдик.

Бугун бошқа ўзга кучлар томонидан миллий психология ва тафаккур қилиш қиёфасини ўзгартириши глобал таҳдида даражасига айланмоқда. Бояги таъкидлаганимиздек, аста -секин оммани бошқара оладиган ахборот технологиялари худудий чегарадан четлаб ўтиб тажовузлар кўламини кенгайтирмоқда. Айни тарихий сериалларнинг хориждан шиддат билан кириб келиши мазкур фикрларимизни тасдиқлайди, у миллий тележурналистикамизнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш муаммосини янада долзарблаштириши керак.

Бундай пайтда инсоннинг ўз цивилизацияси маданиятида ўз-ўзини йўқотишига рўйхушлик қилишини алоҳида айтишимиз керак... Даставвал мафкуравий-ахборот куролининг мақсадли ғоявий таъсири орқали ўз-ўзини йўқ қилиш механизмини ишга туширилмоқда, бунда маҳфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилади.

Глобаллашув таълим тизимида ёшлар қалбида тажовузкор мафкураларга қарши нисбатан мустақил позицияга эга бўлиш позициясини сингдириб бориш, уни жадаллаштиришни кўзда тутмоқда .Айниқса медиа таълимнинг устунликларидан фойдаланиш орқали ёшлар дунёқарашида ўз ҳаётида аниқ мақсад қўя олиш, тарихий хотирага хурмат, ўз кучига ишониб яшаш, ислоҳотлар жараёнига муносабат билдириш, урф-одатларни, анъаналарни билиш, инсонни олий қадрият сифатида тушуниш , огоҳлик, бунёдкорлик, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш, оммавий маданиятни англаш тушунчалари ўз ифодасини топа боради. Шунингдек ғоявий курашчанликни, моддий ва маънавий ҳаёт

ўйғунлигини, бефарқликнинг зарарини, миллий ўзликни ҳимоя қилишни тушуниш, бузғунчи ғояларга қарши тура олиш, экстремизмга мурасасизлик, космополитизмнинг, маҳаллийчиликнинг моҳиятини билиш фазилатлари сингдирилиб борилади.

Шунингдек ғоявий тарғиботдан фойдаланиш орқали глобализм иллатларига, ахборот хуружига, оммавий маданият таҳдидига нисбатан ғоявий курашчанликни намоён қилиш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш учун кураша олиш, терроризмга, космополитизмга қарши курашиш ҳисси билан яшаш фазилатлари шаклланади. Мана шундай шароитда миллий манфаатларимизга жавоб бера олувчи ғоявий тарбияни таъминлай олиш - сиёсий маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

Бугунги кунга келиб, ахборот асри улкан имкониятларга эга бўлишига карамай, инсониятнинг мураккаб муаммолари бевосита ёшлар дунёкараши тенденцияларидан келиб чиқиши кўпчиликни хавотирга солмоқда. Айтиш жоизки, минтақамизнинг бугунги ёшларига нисбатан тарбия стратегиясини яхши тушуниш, уни илмий идрок килиш учун айни шу социомаданий асосдаги тадқиқотлар масалани ойдинлаштиришдаги аҳамияти катта. Албатта Осиё марказида жойлашган ҳамда Ислом дунёсининг узвий қисми хисобланган МО минтақасининг бирдан Хельсинки хужжатига қўшилиши, EXXT га аъзо бўлиши - Европадаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига яхши туртки бўлаётир.

Иккита цивилизация, иккита маданият, иккита дин вакиллари бугун бир-бирини тўлиқ тушуна оларми кан? Марказий Осиёга нисбатан стратегияда цивилизациялараро ўзаро тушуниш сиёсати модернизацияга муҳтоҷликни сезаётирми? Бу саволлар янги ҳалқаро учрашувларнинг мундарижасини ташкил килиши керак.

Умуман, менталитетларнинг яхлит бир қолипга солиш тўғрисида гапиришга эҳтиёж қай даражада? Ёхуд иккала минтақа жамиятларидағи мавжуд ижтимоий зиддиятлар бир-бирига қай даражада ўхшаш. Устига-устак Марказий Осиё сарҳадларидағи нефть-газ захиралари учун бўлаётган пинҳона кураш мазкур илмий мулокотларга ўзини таъсирини ўтказмай қолмайди деб ҳисоблаймиз. Йигирма йиллик ичида иқтисоднинг қон томири бўлган нефт-газ захиралари учун бўлган кураш геосиёсий рақобатчиларга социал тармоқлар хусусан янги ахборот қуролларини синовдан ўтказишга олиб келди. Кибер тизимда икки хил менталитет, икки хил тажриба ва икки хил дунёкарашнинг илмий-мунозарали тўқнашувлар авж олаётганлигини қайта-қайта таъкидлашга мажбурмиз.

Қолаверса, хозир ривожланган Европа худудида ичида исломийлашув жараёнлари кучайланлигини кўриб турибмиз. Табиийки Европадаги бундай шиддатли ўзгаришлар қўшни цивилизация бўлмиш Шарқ билан ҳам муносабатлар ўйғунлигини кучайтиришга чорласа керак.

Глобаллашув ва жаҳон бўйлаб амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг шиддати, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва айни сиёсий барқарорлик тинчлик тараққиёт йўлига жадал кираётган жамиятларнинг муваффақияти - кўп жихатдан ёшлар тафаккурида бағрикенглик ғоясининг самарали сингдириш технологияларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳар қалай, ахборий жамият назарияси борасидаги қарашларда маданиятлараро толерантлик, цивилизациялараро бағрикенглик түғрисида канчалик күп айтилмасин- дунёда халқаро тинчлик ва тараққиётта салбий таъсир этувчи кучлар ўзининг устунлигини кўрсатишга интилиб келмоқда. Бунинг бир қатор сабабларига эътиборни қаратмокчимиз:

Биринчидан, халқаро сиёsatдаги баъзи ривожланаётган давлатларга нисбатан турли халқаро сиёsatдаги иккюзламачилик ҳолатлари туфайли Ироқ (Яқин Шарқ), Афғонистон (Марказий Осиё), Сомали (Африка) ҳаттоқи Миср, Туркия, Сурия каби бир-бирига қўшни мамлакатлар, маданиятлар бир-бирини тушунолмай аста-секин динлараро, миллатлараро адоват ўчоғига айланиб қолмоқда. Сиёсий куч марказларининг глобал геополитик мақсадлари бир вақтлари яқин ўтмишда олди-берди, савдо-сотиқ, маданий-мафкуравий, иктисодий-сиёсий борингки қўшничилик алоқаларнинг намунаси бўлган чегарадош маданиятларнинг ҳамкорлигини айтарли 10-15 йилда йўқقا чиқариб қўймоқда.

Жамиятни демократлаштириш баҳонасидаги уринишлар ёшлар онги ва қалбига йўл кўрсатувчи ғояларнинг талқинида тобора жиддий тус олиб бормоқда. Айтмоқчимизки, глобаллашув даврида бағрикенглик ғояси демократия андозаси билан демократик тарбия хусусидаги астойдил илмий хулосаларни талаб этаётир .

Жаҳон ҳамжамияти оммавий ахборот воситаларида бундай инқирозли вазиятни ташқарида англаш жараёни суст кетди. Гап бу ерда фақат ахборот маконидан тўғри фойдаланиш хусусидагина бориши мумкин.

Чунки, сиёсий лексиконда “қотил камикадзе” атамаси тобора кўп ишлатила бошланди. Ушбу атаманинг келиб чиқиши, унинг мазмун-моҳияти, ўтмишдаги шакллари хусусида турли-туман ёндошувлар мавжуд. Ўзбекистон ислом ҳаракати дейсизми, Афғонистондаги "Толибон" ҳаракатини оласизми ёки улар билан бир қаторда Шарқий Туркистон озодлик фронти, Озод Ислом партияси (арабча номи - Хизб ут таҳрир), Чеченистондаги ваҳҳобийлар, "Косовони озод қилиш армияси", "Македония албанларининг миллий озодлик армияси", Фаластин Мухториятидаги "Ислом жиҳоди" ва Ҳамас, шунингдек Ливандаги "Хизбуллоҳ" (Оллоҳ партияси) Сомалида, "Ал-шабаб" ва бошқалар бунга ёркин мисол бўлди. Улар ислом экстремизмининг хар қандай конкрет кўринишида ташқи таъсирнинг мавжудлигини асосий белгиловчи омил сифатида ўзини намоён қилмоқда. Бундай пайтда тадқиқотчи фикран бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан кўп жойларда бўла олмоғи, ер шарининг бир неча нуқталарида ёнмаён содир этилаётган ўзаро боғлиқлиқ жараёнларини "ўз қўзи билан" кўра олишга қодир бўлмоғи лозим. Ислом экстремизми баъзан ислом ёйилган давлатларни бир-бирига қарама-карши кўйиши учун ташқи сиёсий таъсирнинг инструменти сифатида ҳам ишлатилаётганлигига кўпроқ эътибор бериши керак.

Ёшларни натижада радикал руҳдаги ташкилот ва гурухларни яратиш, қўллаб-куватлаш, молиялаштириш, ўқитиш, рақибни охир оқибатда ички сиёсий бекарорликка олиб келувчи конкрет сиёсий мақсадларга йўналтириш ишлари билан чалғитишга эришилмоқда. Исломий тартиботдаги сиёсий режимлар ўрнатиш ғояси- Афғонистонда "Толибон" ҳаракати каби жангари ёшларнинг

Жазоир, Марокаш, Судан, Миср, Ливия, Миср, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Россия (Чеченистон) йуналишларида деструктив, қўпорувчилик ишлари билан банд бўлишига олиб келди.

Радикал руҳда ёшлар Афғонистон - Миср, Жазоир, Судан, Нигерия, Югославия (Босния ва Герцеговина, Косово), Ғарбий Европа, Филиппин, Индонезия, Хитой (СУАР) постсовет Марказий Осиё республикалари, Фаластин, Россия (Догистон, Чеченистон ва умуман жанубий Россия) схемаси бўйича ўз экстремистик фаолиятини амалга ошириб келди. Ҳозир Африканинг Кения, Сомали, Судан каби давлатлардаги хунрезликлар давом этиб турибди. Ислом экстремизмининг глобал тармоғининг қисқача кўриниши шундай шаклда бўлмоқда.

Бизда ислоҳотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўли танланди. Ана шу йўл одамларнинг ўтмишга, бугунга ва келажакка, умуман мураккаб сиёсий мажароларга муносабатларини ўзгартириш, муайян манфаатларга ёндошиш психологиясини янгилаш орқали аста-секинлик билан уларни маърифатли, комил инсон қилиб вояга етказади. Фуқароларнинг сиёсий маърифатлилиги орқали маърифатли кучли жамият барпо этилади.

Мана шундай шароитда ОАВ орқали ёшлар билан боғлик мураккаб сиёсий вазиятларни миллий ахборот майдонида миллий манфаатларимизга жавоб бера оловчи талқинини таъминлай олиш йўлига ўтилди. У сиёсий маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили булиб хизмат қилмоқда. Ахборот дунёсидаги турли ғоявий мафкуравий йуналишлардаги тўқнашувларни профессионал англай олиш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар онги ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашга эришилмоқда.

Ўз навбатида аксарият шарқ мамлакатларида демократик ислоҳотларнинг муваффакияти диний-маърифий ислоҳотларнинг мажмуасига боғлик бўлиб қолаётганлигини эътиборга олишимиз керак. Зоро, глобаллашув шароитида ислом дини, мусулмон дунёси ўзини қандай сиёсий-маънавий қиёфада намоён қилиши, унинг бу шароитдаги хатти-ҳаракатларни алоҳида ўрганиш аҳамияти қайта-қайта таъкидланиши ҳам бежиз эмасдир. Албатта, ахборотнинг глобаллашувида демократия мезони, демократик ислоҳотларнинг ўзига хослиги, фикрлар, манфаатлар ранг-баранглиги муаммоси, динлараро толерантлик ҳамда сиёсий маданиятни юксалтириш каби масалалар ёшлар дунёқарашини шакллантиришининг муҳим омили ролини ўташи керак.

Яна бир томони, Ўзбекистон қадимдан ислом динининг илмий-назарий марказларидан бири саналиб келинади. Мустақилликка эришилгач диёримизда демократия тамойилларига мувофиқ барча динлар жамият маънавий ҳаётининг муҳим пойдевори вазифасини ўтай бошлади. Мазкур масала доирасида ҳам Ўзбекистоннинг глобал ахборот муҳитига кириб бориши билан улкан ахборот тўлқинига тўқнашиши тўғри келди.

Айтмоқчимизки ахборотнинг глобаллашуви радикал исломий гурухларга мусулмон жамиятларига осонликча кириб бориши имкониятини берди. Бу ҳолат, шубҳасиз, Ўзбекистон учун ҳам катта хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин эди. Зоро, ахборотлашувда “худуд” омили ўз ўрнини йўқотар экан, динга ёки этник уюшишга асосланган радикал қарашдаги гурухлар ўз ғояларини янги

демократик жамиятлардаги мавжуд зиддият, камчиликлар, норози кайфиятларга боғланган ҳолда сингдиришлари кузатилади.

Хозирги пайтда радикал исломчилар интернет орқали узоқ минтақалардан туриб ҳеч бир тўсиқсиз мусулмон жамиятлари ёшларига ўз таъсирини ўтказиш имкониятига эга. Диний ақидапарастларнинг интернет тармоғига муносабатидан шу нарса маълум бўлаётирки, уларда бу тармоқ стратегик восита сифатида баҳоланиб, биринчи навбатда гоявий-мафкуравий хуружни айнан интернетдан фойдаланган ҳолда мувофиқлаштириш йўлига шиддат билан киришилди.

Жумладан таҳлиллар:

- Ўзбекистонда демократик ислоҳотларга нисбатан диний ақидапарастликни ёйиш орқали ислоҳотчи давлатга ишончни йўқقا чиқаришга уриниш;
- диний экстремизм тарафдорлари диндорларнинг умумий сонига нисбатан жуда озчиликни ташкил этсада, уларнинг таъсирига тушганлар ҳисобига жамиятда эрксиз, муте, фаолиятсиз кишилар сонини орттириш;
- “Сохта” ва “хақиқий” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршиликни келтириб чиқариш ва шу тариқа бизга қўшни нотинч ҳудудларда жангариларни тайёрлаш учун қулай замин тайёрлаш;
- Ғарбга “исломлаштирилган”, Шарқда эса аксинча, “динсиз”, “даҳрий” шаклда кўрсатиб, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсига путур етказишга уриниш, ислом цивилизацияси билан ноисломий цивилизациялар ўртасида ялпи қарама-қаршиликни кучайтириш каби жараёнлар орқали каби фаолиятда ўзини кескин намоён қилаётганлиги ўринли тарзда қайд этиб борди.

Демак, халқаро терроризмнинг олдини олиш, унга нисбатан кескин чоралар механизмини ишлаб чикиш ҳар бир суверен давлат - жамият учун энг асосий масала бўлиб қолаверади.

Ислоҳотлар тақдири, демократлаштиришнинг самарали натижалар бериши ва истиқболи эса - қўп жиҳатдан ОАВнинг ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ақлзаковати ва фидоийлик тўйғуларини шакллантирувчи муҳим институт сифатида вазифаларини қай даражада бажараётгани билан боғлиқ бўлиб қолаверади. Вақт амалда ОАВ нинг ёшлар онгода демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отиши, ўзининг ижтимоий бурчини тушуниш ва хақ-хуқуқларини янада кенгайтириш истаги, юксак маънавий-маърифий савияга эга бўлиш, ўз манфаатларини онгли идрок қилиш сингари қадриятлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги муҳим ролини тасдиқламоқда.

Ахборот дунёсидаги инқилобий ўзгаришлар эса ёшлар тарбияси билан машғул барча мутахассисларга глобаллашувнинг салбий тенденцияларидан келиб чиқадиган асосий муаммоларни қайта, ўзгача руҳда англашни тақозо қилаётир. Ҳолбуки, ахборот инқилоби даври ёшларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашини эгаллаш йўлидаги курашнинг ноанъанавий субъектларига янги ўйин сахналарини яратиб берди. Етакчи сиёсий марказлардан бошқарилаётган ахборот тўлқини эса турли минтақаларда ёшлар дунёқарашини ўзига хос синовлардан ўтказа бошлади. Булар эса ахборотни истеъмол қилиш маданияти, ёшларга қаратилган ахборотларни ким узатаётганлигини, уларнинг асл мақсади, умуман инсон онгини манипуляциялаш муаммоларига жиддий, тезкор муносабат

билдирадиган давр келганилигидан бизни яна бор маротаба огох этади. Шунда ахборотнинг ўзи ҳам юксак қадрият сифатида қадрланишига имконият кучаяди.

### **Назорат учун савол ва топшириклар**

1. Ахборотнинг тезлашуви билан боғлиқ сўз ва ҳатти-ҳаракатларимизга ортиқча эркинлик беришнинг оқибатлари ҳақида гапиринг.
2. Ахборот маконида жамият ёшлигининг маънавиятига таҳдид солишнинг геосиёсий моҳияти қандай акс этиши мумкин?
3. Ёшли дунёқарашида ахборот асрининг хусусиятлари қандай таъсир ўтқазмоқда ?
4. Матбуот ва электрон коммуникациялар ўртасидаги фарқни таснифланг?
5. Медиатаълим ва геосиёсатнинг ўзаро уйғун томонларини шарҳлаб беринг.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **МАШҒУЛОТ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

#### **Ўқув технология модели**

Машғулот соати – 90 дақ.	Ўқувчилар сони: 9-10 киши
Ўқув машғулот тури	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ўқув машғулотни олиб бориш</li><li>2. Билимларни актуалиги</li><li>3. Кичик гурухларда органайзерлар билан ишлаш</li><li>4. Натижаларни намойиш этиш</li><li>5. Бахолашни энг яхши усулларини танлаш ва мухокама қилиш.</li><li>6. Якунлаш. Гурух ва талабаларни машғулотдаги ўзлаштириш даражасига кўра бахолаш.</li></ol>
1. Ўқув машғулот мақсади: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси турларини кўнимкамларини чуқурлаштириш. Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси умумий холатини бахолаш ва тахлил қилиш; Мафкуравий педагогик ташхис қўйиш учун харакат алгаритмини тўғри танлаш; Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси мустақил анализ бера олиш;	
Ўқтuvчининг вазифалари: Ахборот соҳасии ислоҳ этиш сабабларини чуқуроқ ва кенгроқ ўрганиш. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган	Машғулот жараёни натижаси: Органайзерлар билан ишлаш натижасида талаба қўйидаги кўнимкамларни эгаллайдилар: Ахборот соҳасии ислоҳ этиш

<p>ёшлар холатини баҳолаш ва жараёни тахлил қилишни шакллантириш, бефарқлик, лоқайд фукороларни бирламчи босқич даражасида қиёсий ташхислаш, шошилинч тарбиявий ёрдам күрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштиришни олиб бориш.</p> <p>Режалаштирилган ўқув жараёнини натижаси – органайзерлар билан ишлаш натижасида талаба қуидаги күнікмаларни әгаллашга ёрдам бериш:</p>	<p>сабабларини чуқуроқ ва кенгроқ ўрганади. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган ёшлар холатини баҳолаш ва жараёни тахлил қила олади, қиёсий ташхислаш, шошилинч тарбиявий ёрдам күрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштира олади.</p>
<p>Ўқитиши усуллари</p>	<p>Органайзерлар, амалий усул</p>
<p>Ўқитиши жихозлари</p>	<p>Органайзерлар, методик құлланмалар</p>
<p>Ўқитиши тури</p>	<p>Мустақил, гурух билан</p>
<p>Ўқитиши шароити</p>	<p>Кичик гурухлар билан ишлашга мослаштирилған техник жихозланған аудитория</p>
<p>Мониторинг ва баҳолаш</p>	<p>Кузатиши, блиц сўров, презентация, баҳолаш.</p>

Таълим технологияси асосан ушбу фан бўйича таҳсил берадиган педагог-ўқитувчилар учун мўлжалланған.

## ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дунёнинг сиёсий-мафкуравий манзааси, унда кечаётган ғоявий курашлардан қўзланган туб мақсад-манфаатларнинг асл қиёфасини очиб бериш;

- Ёшларда сиёсий жараёнларни таҳлил этиш доирасида тарихий хотира, маданий меросга ҳурмат, миллий ўзликни англаш туйгуларини мустаҳкамлаган ҳолда уларда ўз куч ва имкониятларига таяниб яшаш ҳиссини шакллантириш;

- Ёшларда ташки сиёсий таҳдидларга, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хил хатти-ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

- Глобал сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ёритган ҳолда бу жараёнларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини таҳлил қилиш;

- Давлатимизнинг виждон эркинлиги соҳасида олиб бораётган сиёсатини ҳамда унинг амалий натижаси бўлмиш, қарор топган диний бағрикенглик мухитини ёшлар орасида кенг ёйишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

- Турли давлатларининг миллий сиёсатидаги тотувликни мустаҳкамлаш томон қаратилган тадбирларнинг моҳиятига эътиборни кучайтириш;

- Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги йўлида сафарбар қилишга, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга яна ҳам катта эътибор бериш;

- Ёшлар онгода озод шахс ва эркин фуқаронинг асосий жиҳатларини шакллантирган ҳолда уларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали уларда Ватан тақдирига маъсуллик туйгуларини шакллантириш;

- Ғоявий қурашчанликнинг негизлари ҳақида билим ва тушунчаларга эга бўлиш орқали ёшларда тарихий хотира, дахлдорлик, маънавий жасорат, буюк келажак учун маъсуллик, миллий ўзликни англаш туйгуларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштироқчиларининг тўлақонли ривожланишини кўзда

тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштириш жараёнида маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни назарда тутади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари. Ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини шакллантириш заруритини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолият кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларнинг объектив қарама-қаршилиги ва уларни ҳал этиш усулларини аниқлаган ҳолат, диалектик тафаккурни ҳамда ушбу усулларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиши услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзули, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган) таҳлил, илмий анжуман, аниқ вазиятларга ёндашув), мунозара, муаммоли услуг, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усулларини ўз ичига олади.

Ўқитиши ташкил этиш шакллари: диалог, поллог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишига асосланган фронтал, жамоавий ва гурухларда ўқитиши.

Ўқитиши воситалари: ўқитишининг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмали органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан тезкор ва фаол мулоқотга асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тезкор ва фаол алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор сўров, ўқитиши диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берадиган технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.


Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотлари давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишининг натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Машғулотларнинг охирида тест топшириклари ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади

## **МАСАЛАЛАР ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР**


**Мавзу:** Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси .

### **1-ўқув топшириқ**

**“Ахборот соҳаси ” сўзига кластер тузинг**



**2-ўқув**  
**топширик**  
**Жадвални тўлдиринг**  
**«Нима учун» органайзерни тўлдиринг**



**3-ўқув топширик**  
**«Т-схема» жадвалини тўлдиринг**

Ахборот хуружи ва унга хос бўлган хусусиятлар	“Оммавий маданият” ва унинг кўринишилари

#### 4-ўқув топшириқ

ФСМУ жадвалини тўлдиринг

Савол	“Интернет –мафкуравий хуруж объекти”
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

5-ўқув топшириқ  
«Т-схема» жадвалини тўлдиринг

“Тўрт қадамли” универсал модел омиларини санаб беринг (ҳар бир қадам)	Аудиторияни сигментлаштиришнинг асосий омиларини санаб беринг
---	---

#### **6- ўқув топшириқ: “ Елпифич” жадвални тўлдиринг**

**Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ютуқ ва камчиликларини тўлдиринг.**

1 гурӯҳ учун

ТВнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

2 гурӯҳ учун

Матбуотнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

3 гурӯҳ учун

Радионинг	Ютуқлари	Камчиликлари

7-ўқув топшириқ

«Блиц-сўров» саволларига жавоб беринг

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Мафкуравий полигон тушунчаси	

2.	Мафкуравий профилактика тушунчаси	
3.	Мафкуравий иммунитет тушунчаси	
4.	Сиёсий маданият тушунчаси	
5.	Ёшлар тарбияси тушунчаси	
5.	Мафкуравий хавфсизлик тушунчаси	
6.	Ижтимоий- сиёсий институтларга нималар киради	


## 2-ўқув топширик

ФСМУ жадвалини тўлдиринг

Савол	“Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг омили нимада?”
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	


## 8-ўқув топширик

“Нима учун?” жадвалини тўлдиринг



«Нима учун?»

«Нима учун?»




9-ўқув топширик

“Нима учун ?” техникасидан фойдаланиб “Нима учун ахборот маконимизга химоя керак?” саволига жавоб беринг.

«Нима учун?»

«Нима учун?»

«Нима учун?»



10-ўқув топширик

Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

- 1.Фуқаролик жамиятининг сифатларини таснифланг
- 2.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари хакида гапиринг
- 3.Фуқаролик жамияти асосини нима ташкил этади?
- 4.Фуқаролик жамиятини барпо этишининг муҳим шартлари нималардан иборат?
  - a. ОАВ тушунчасини таърифланг.
  - b. ОАВ қандай сиёсий вазифаларни бажаради?
- 5.Ҳозирги шароитда ОАВ сиёсий ролининг ошиб бориши қандай тушунтирилади?

## ГЛОССАРИЙ

**Ахборот хавфсизлиги-** нафақат давлатнииг ахборий ресурсларини, балки фуқароларининг ҳуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот маконидаги ҳимоясини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасинииг ахборот хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатларни ахборот хафвсизлигининг ҳимояланиси. **Давлат ахборот хавфсизлиги-** барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланганлик даражасига боғлиқ жараён. Бунда асосий ва зарурий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, фантехника, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотларни ноконуний йўллар билан олишни баратараф этишнинг қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши мақсад қилиб белгиланади. Ахборот хавфсизлиги айни ахборий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга ёрдам бериш давлат тадбирларининг яхлит тизими. Ҳозир ахборий хавфсизлик ҳарбий хавфсизликнинг компоненти сифатида ҳам ишлатилиб, ҳарбий соҳадаги ахборий ресурслар, каналлар, билимлар ва маълумотлар базасининг мавжудлиги, уларнинг асосида ахборотларни қайта ишланиши, сақланиши ва қўлланилишидаги хавфсизликни англатмоқда.

**Ахборот уруши** - душманнинг ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўли билан амалга ошириладиган айни пайтда ўзининг ахборотларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари. Ўзга давлат тинч аҳолиси ёхуд ҳарбийларига муайян ахборот тарқатиш йўли билан таъсир ўтказиш.

**Агрессор-** қўпроқ ҳарбий соҳага тегишли тушунча бўлиб, БМТ Низомларига зид равишда давлат суверенитети, худудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига бирон бир давлатнинг ҳарбий куч ишлатишига айтилади. Ҳозир ахборот инқилоби асида агресорнинг ахборий хужум, ахборий тажовуз тушунчаси билан ифодаланиши геосиёсий таҳлилларда қайд қилинмоқда.

**Ахборий хуруж-** ахборий хуруж бу ҳақиқий қуролли урушга қўйилган биринчи қадамдир. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кундаги долзарблиги шу ҳолат билан белгиланади. Инсоният "ахборий жамият" деб аталмиш янги бир даврга қадам қўяётган экан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳар доимгидан ҳам зарурдир. У муайян кучлар томонидан инсон онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан, жамият турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун унга моддий, маънавий, руҳий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва нохолис усулларидан фойдаланиш асосида геосиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англатади.

**Ақидапарастлик** – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўронада қўллашга уриниш. Бу атама факат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равища кенгайтиришга уринишни англатади.

**Анъана** – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг тақорланиш тарзи.

**Анархизм-** ҳар қандай ҳокимият ва давлатни инкор этувчи, ҳарким ўзига хўжайин деган қарашларга асосланувчи ижтимоий сиёсий оқим. Бу ҳоя бебошлиқ ва тартибсизликка олиб боради, тарақиёт йўлидан адаштиради, вайронкор моҳиятга эга.

**Бир қутбли дунё** - «совук уруш» да СССРнинг мағлубиятидан кейин вужудга келган геосиёсий тартиб.

**Блок** – бир неча давлатларнинг бирлашмаси ҳисобланиб, уларнинг стратегик ва геосиёсий жиҳатдан эътиборли ҳаракатлари умумбашарий даражадаги ўзгаришларга олиб келади.

**Ватан равнақи** – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни ҳалқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир

**Вайронкор (бузғунчи) ғоялар** – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиласидан ғоялар мажмууни ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундейдиган, ҳалқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

**Глобал геосиёсат-** умумбашарий хавфсизлик билан боғлиқ геосиёсий жараёнлар мажмуаси. Турли минтақа ва мамлакатлар ўртасида анаънавий тўсиқларнинг геосиёсий даражада бузилиб кетиш жараёнлари. Учинчи мингийилликда ҳалқаро хавфсизликнинг барча параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан қуролланиш пойгасини тўхтатиши каби геосиёсий омилларга боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот қуроли билан боғлиқ янги глобал геосиёсат юзага келди. “Глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёning сиёсий жараёнлари, уларнинг ривожланиш тенденцияларини муҳим масалага айлантируди.

**Геосиёсатнинг обьекти-** дунёning геосиёсий тузилиш ва ҳалқаро дунёвий тартибот тизимидағи геосиёсий жараён ва ҳодисалардир. Геосиёсат обьектида жаҳоннинг геосиёсий харитаси туриши биринчи навбатда, дунёning кўп қутбли дунёга айланиши билан ҳалқаро муносабатларнинг янги бир трансформация - давлатларнинг ўз таъсир доиралари учун курашнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди. У жамият тафаккурида кўп қиррали дунёвий сиёсат тушунчасининг шаклланишидан келиб чиқади. Мазкур масалалар геосиёсат обьектида яхлит ҳолатда туриши мумкин, бироқ геосиёсат уларни таҳлилий жиҳатдан ўрганишни бир қатор босқичларда кўради. Масалан, замонавий геосиёсат дунёning сиёсий харитасида кечаётган жараёнларни умумбашарий, минтақавий ва маълум бир давлатнинг даҳлдорлигидан келиб чиқиб, таҳлил этади ва тегишли хulosаларни чиқаради.

**Геосиёсат предмети** — умумбашарий ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда геосиёсат субъектлари муносабатлари, жамиятда кечаётган ҳар хил даражадаги ахборий-мафкуравий жараёнлар, уларнинг юзага келиши, ҳаракатланиши ва ўзгариб боришини ўзида акс эттирувчи воқеалар ривожи.

**Геосиёсий минтақа** — бу сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо ва бошқа алоқалар учун қулай имкониятларга ва истиқболларга эга бўлган географик майдон ҳисобланади.

**Геосиёсат** - ("Geopolitika") сўзи юонон тилидаги "geo" (ер) ва "politicos" (давлатни бошқариш санъати) жумлаларидан олинган. Давлат ва халқларнинг ўзлари жойлашган ҳудуднинг географик, табиий - иқлим шароитларига мос равишда шаклланишини ифодаловчи мафкуравий фан. Геосиёсатнинг вазифаси сиёсий жараёнларнинг географик макондаги ўзаро алоқаларни, заминга ва маданий омилларга таъсирини ўрганиш, сайёравий маконни назорат этишдир. Бу жиҳатдан геосиёсатни амалий сиёсатни бошқариш ҳақидаги фан дейиш мумкин.

**Геостратегия** – геосиёсий таҳлилнинг ҳарбий жиҳати.

**Демократия экспорти** - инқилобий ахборот тарқатувчиларда инсон хукуқларининг умумий декларациясидан иқтибослар, уларда "нодемократик" режимлар сайёрамиздаги - қашшоқликдан бошлаб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, хотин-кизлар камситилишидан тортиб, этник тозалов ва геноцидгача бўлган барча кулфатлар сабабчиси сифатида тилга олинади. Бундай пайтда, шунингдек," халкаро сиёсат - умумий демократияни ёйиш ва олға суришдан иборатдир" деган қарашлар авжига чиқади. Шу тариқа ахборот маконларида "демократияни дунёга ёйиш" сиёсатининг баёни берила бошланади.

**Диний бағрикенглик** – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшashi.

**Демократик институтлар** – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қўйидагилар киради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган мухолифат. 3) Мулкчилик институти.

**Суверенитет**- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлишни тақозо қиласди. Давлат суверенитети ғояси БМТ хужжатларида, турли давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топган. Республикализнинг мустақиллиги давлат мустақиллигининг асосидир. Ўзбекистон Конституцияси 1–моддасида “Ўзбекистон –суверен демократик республика” эканлиги белгилаб қўйилган. Бизнинг сиёсий менталитетимиз суверенитетнинг мазмун моҳиятини мустақиллик тушунчаси орқали ифодалайди.

**Жаҳон сиёсати** - халқаро хукуқнинг асосий субъектлари ўртасидаги фаол сиёсий фаолиятлар мажмуасидир. Халқаро сиёсат тузилиши жиҳатидан суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятн, минтақавий

давлатларо ва жамоатчилик тузилмалари, гурухлари ва иттифоқдошлар ўртасидаги алоқаларни ҳамда умумбашарий миқёсда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва муассасалар фаолиятларини қамраб олади.

**Либерализм** – хуқук ва сиёсат борасида (энг минимал даражадаги инсонпарварлик, индивидуализм, этник ва маданий эгалитаризм сингари) сўлчиликка оид хусусиятларни, иқтисодиёт борасида эса (бозор, хусусийлаштириш, хусусий мулк, капитализм) ўнг хусусиятларни ўзида мужассам этган дунёқараш. Ғарб дунёсининг етакчи мафкураси. Либерализмнинг сиёсий ифодаси либерал-демократиядир.

**Манқурт** – «Манқурт» ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи туқкан онасини ҳам унуган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи. У халқларнинг манқуртларга айланишида бош айбор давлат ва мафкурага тўла бўйсундирилган жамиятдир деган холосага келади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида «Манқурт» афсонасидаги шахс образи.

**Миллийлик** – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**Миллатчилик** – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-хукуқларидан юкори қўйиб ҳал этишга интилевчи сиёсий оқим

**Маънавият** – (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, хукуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Миллий қадрият** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

**Менталитет** – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тархий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**Мустақиллик** – 1) Тазиикдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради.

**Миллий ғурур** – 1)шахс, ижтимоий гурухнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**Муҳолифат** – (арабча «муҳолафат» - келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) – расмий сиёсатга, хукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

**Маърифат** – Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат,

жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

**Миллий истиқлол ғояси** – Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

**Мафқуравий иммунитет** – лотинча *Immunitatis* сўзидан олинган бўлиб – бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий груп, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим

**Манипуляция** - (*лат, manipulus – “қўл ҳаракати”*) - 1) қўл машқи, қўл ҳаракати, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намойиш қилиш; 2) маҳинация, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали ғаразли мақсадга эришиш; 3) одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, *манипуляция* - психологияк таъсир турларидан бири ҳисобланиб, кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. Ахборот асрида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин, ғараз мақсад билан таъсир қўрсатишни ифодалашда манипуляция сўзи «объект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш» маъносида ишлатилмоқда. Бунда чаққонлик, маҳорат талаб қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли, "манипуляция"ни кўчма маънода "одамлар билан объект сифатида муносабатга киришиш" деб ҳам тушуниш мумкин. Социологик тадқиқотларда бу ҳақда «бошқаларга билдирамасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмонлик қилиб, ўзи истаган ҳулқ-атворни шакллантириш» дейилади.

**Макон** - геосиёsatнинг асосий тушунчаси бўлиб, у миқдор ва сифат кўрсаткичига эга бўлмаган категория ҳисобланади. Маконнинг таркибий тузилиши тарихнинг таркибий тузилишини олдиндан белгилайди - геосиёsatнинг фан сифатидаги асосий тезиси ана шундан иборат.

**Оммавий маданият** – жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз ичига майший ҳаёт, қизиқишлир (спорт, поп-музиқа), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. «Оммавий маданият» моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. «Оммавий маданият» ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуқтаи назаридан мувваффакиятга қаратилганликни тақозо этади.

**Оммавий ахборот воситалари** – фуқаролик жамиятининг муҳим институти. ОАВ демократияни чуқурлаштириш аҳолининг демократик фаоллигини оширишда, фуқаролик мамлакат сиёсий ва ижтимоий, маданий ҳаётдаги воқеаликка нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, шунингдек жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган

жараёнлар хусусида кенг жамоатчиликка етказишида муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка кўра оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллитенлар ва б.) ва электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, телекоммуникация тармоғларида веб-сайтлар) олти ойда камида бериладиган шакллари ОАВ сифатида бериладиган шакллари ОАВ сифатида эътироф этилади. XXI асрга келиб ОАВ давлатнинг ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади. Техника ва технологиянинг тараққиёти ОАВнинг халқаро муносабатлардаги мавқенини ўзгартирди. У геосиёсий назорат ўрнатишнинг кучли қуролига айланди.

**Прагматик** – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

**Периферия (марказдан четдаги, узокдаги жойлар)**— стратегик пойтахтдан, геосиёсий нуқтаи-назардан асосий қарорларни қабул қилувчи шахсдан узокда жойлашган, ўзининг мустақил геосиёсий йўналишига эга бўлмаган макон ва ерни ифодаловчи тушунча.

**Ташвиқотда “ақлни ювиш”- Мияни “ювиш”** - мияни “ювиш” (*ингл, brainwashing; brain - “мия”; wash - “ювмоқ”, “тозаламоқ”*). Бу инсоннинг аввалги фикрлари, қарашларини рад этиб, унга ўзгача ёки бутунлай тескари фикрларни қабул қилдиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Баъзи мутахассислар буни назорат остидаги индивидуумларга зўрлик билан ўtkaziladig'an, ўз фикр-эътиқодини ўзгалар фикрлари, қарашлари, хулқи ва қарорларида устуворлик қилишини таъминлашга қаратилган руҳий тактика деб ҳисоблайдилар. Бунда қўрқитиши, онга таъсир қилиш, доимий савол бериш каби усуллардан фойдаланилади.

**Худудий яхлитлик** - чегаралар дахлизлиги ва ҳудудий яхлитлиги биргина армиянинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш билан чекланмайди. Давлат ҳудудий яхлитлиги, унинг барқарорлиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлизлигини таъминлаш - унинг ташқи сиёсий дипломатияси салоҳиятига боғлиқ геосиёсий жараёндир. Амалиёт давлат чегаралари ролининг геосиёсат воситаси сифатида кескин ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда инсоният характерига кўра мисли кўрилмаган ўзгаришларни бошидан кечиришга мажбур бўлмоқда. Бу ҳол айниқса геосиёсий координатлар тизимидағи ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Одатда, мазкур ўзгаришлар давлат чегараларида бошланади ва кучли акс этади. Расмий белгиланган чегара билан конкрет давлат ёхуд мамлакатлар гуруҳи таъсир доираси ўртасидаги беқиёс ҳажмда геосиёсий зиддиятларнинг ўткирлашуви-умумбашарий, минтақавий келишмовчиликларнинг кучайиб кетишига ва давлат ҳудудий яхлитлигига таҳдидга олиб келиши мумкин.

**Кибертерроризм** (лот, cyber terrorism; cyber - “кибер”, terror – “қўрқув”, “даҳшат”) – замонавий, илғор технологиялар, компьютер ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёвуз кишиларнинг ўзининг ғараз ниятларига эришишдан иборат. Кибертерроризм (компьютер терроризми) остида ғаразли ниятда, сиёсий мақсадларда амалга оширилган компьютер тизими ва

тармоғидаги ахборотга қилинган хужум тушунилиб, у одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф пайдо қилиб, жамоатчилик тинчлигини бузади, аҳолини қўрқитиб, ҳарбий низо келтириб чиқаришга интилади. Кибертерроризм инсоният учун жиддий хавф бўлиб, уни ядро, бактериологик ва кимёвий қуролга тенглаштириш мумкин. Ҳатто у ўз янгилиги туфайли тўла-тўқис ўрганиб улгурилмаган қуролдир.

**Кучлар мувозанати**- турли давлат ва гурухларнинг қудратига боғлиқ ўзаро алоқадорликдан келиб чиқадаган ҳамкорликнинг натижасида пайдо бўлади. Кучлар мувозанати – тенг вазнлилик эмас, балки динамик равишда турли ўйин элементларидан келиб чиқувчи кучлар муносабатидир. “Дарвоза мамлакат” тушунчаси орқали қулай шароитга эга бўлган ўрта миқёсдаги давлатнинг турли геосиёсий блоклар маҳоратларидан унумли фойдаланиши, минтақадаги кучлар нисбати муаммоси – ҳозирги халқаро журналистик таҳлилларнинг асосий мавзуси.

**Кўп қутбли дунё** - бу бир қанча улкан маконларнинг биргаликда мавжуд бўлишини назарда тутувчи замонавий соф назарий мажмуа. Бу ҳолат факат бир кутбли дунё бартараф этгилгандан кейингина бўлиши мумкин.

**Комиллик** – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, баҳилга нисбатан саҳий, танбалга нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

**Сиёсий борлик** — бу геосиёсатнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Сиёсий журналистикада давлат (куч) геосиёсатнинг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланса, сиёсий борлик давлатнинг сиёсий ҳолати ва ҳаётий мазмунини кўрсатиб берувчи муҳим омил тариқасида акс этади. Сиёсий борлиқда давлатнинг турмуш тарзи намоён бўлади. Ўз навбатида журналистикада борлик тушунчаси геосиёсат назариясининг асоси, унинг ҳар қандай давлатда чегаралангандиги билан акс этиб бормоқда.

**Сиёсий география** – Ф. Ратцел томонидан илгари сурилган атама ҳисобланиб, Челлен томонидан номлангандан кейин очиги «геосиёсат» деб номланадиган бўлди.

**Сепаратизм** - чекка ҳудудларнинг мухториятига мойиллик, унинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва стратегик сингари бир қанча шакллари мавжуд.

**Ташқи таҳдидлар** – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади

**Тарғибот** (араб. қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мағкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мағкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. Муайян замин ва маконда маълум бир стратегик-назарий масалаларни аҳоли онгига изчил сингдиришни мақсад қилган

фактор тарғиботдир. Тарғибот – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

**Умуминсоний қадрият** – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

**Умумбашарий** – бутун дуне, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

**Империя** – диний, ахлоқий, сиёсий-мафкуравий характердаги универсал ғоя остида бир неча давлат ёки халқларни бирлаштирувчи умумдавлат тузилмаси.

**Интеграция** – геосиёсатда бир нечта ҳудудий бўлакларни бирлашишни ифода этувчи кўпқиррали шакл. Интеграция ҳарбий босқинчилик йўли билан ҳам, тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Геосиёсий интеграциянинг бир қанча – иқтисодий, сиёсий, маданий, тил, стратегик, диний ва ҳакозо йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона мазмундаги якуний натижага – блокнинг стратегик жиҳатдан юксалишига ва ҳудудий жиҳатдан кенгайишига олиб келади.

**Феминистлар-аёлларни** камситишлардан ҳалос этувни тарғиб қилувчи, уларнинг мавқенини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида тарғиб қилувчи оқим.

**Гарб индивидуализми-** инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалигини, шахс хукуқларининг мутлақлигини ифодаловчи ахлоқий хусусият. Индивидуализм алоҳида шахс манфаатларини жамоа манфаатлаиридан утун кўради, оила манфаатини жамият манфаатидан алоҳидаликда олиб қарайди. Бугунги кунда жамиятда айрим кишилар фақат ўзини ўйлашлик руҳияти билан боғлиқ социал маънавий ҳолатлар ғарбона индивидуализмдан озуқа олмоқда. Бунда ўзгалардан устун қўйиш, бошқаларни менсимаслик, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиш иллатлари етакчи ўринга чиқади.

**Ғоявий тарбия** – жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришdir. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, хукуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

**Ғоянинг турли қўринишлари** – Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра – илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

**Шовинизм** – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти

**Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш

**Юрт тинчлиги** – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик –инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир

**Ижтимоий хамкорлик** – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги

**Экстремизм** – Ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

**Эътиқод** – Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш – уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

**Қадрият** – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

**Фуқаролик жамияти** – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

**Эҳтиёж** – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

**Шарқона демократия** - урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

**Ирқчилик** – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қўйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

**Фанатизм** – Бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишдир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни

2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

19. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
20. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. 204.
21. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
22. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
23. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
24. Muhammadsiddiqov M.M. Musulmon mamlakatlari va zamonaviy xalqaro munosabatlar. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Qaqnus media, 2019. – 226 b.
25. Muhammadsiddiqov M.M. Xorijiy Sharq va G‘arb mamlakatlarida ijtimoiy-siyosiy jarayonlar. Darslik. – Т.: Qaqnus media, 2019. – 216 b.
26. Muhammadsiddiqov M.M. Zamonaviy xalqaro munosabatlarning mintaqaviy jihatlari. Darslik. – Т.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
27. Muhammadsiddiqov M.M., Azimov H.Ya. Sharq mamlakatlari xalqaro munosabatlar. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
28. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
29. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
30. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
31. Битўраев Ў.Б. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: ТошДШИ, 2017.
32. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
33. Ёвқочев Ш.А. Жаҳон сиёсатида ислом омили. –Тошкент.: ТошДШИ, 2016.
34. Жумаев Р. З. Конфликтология. –Тошкент.: ТошДШИ, 2018.
35. Жумаев Р.З., Ёвқочев Ш.А. Сиёсий технологиялар. –Тошкент.: ТошДШИ, 2019.
36. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

37. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
38. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
39. Мадаминова Д.И. Жаҳон сиёсати. – Тошкент, 2019. – 228 б.
40. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
41. Мустапова Ҳ. И., Битўраев Ў.Б. Халқаро муносабатлар назарияси. . – Тошкент.: ТошДШИ, 2017.
42. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. <https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3. UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf>
43. Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, 2016.
44. Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиш тарихи (1991-2016). – Тошкент.: ТошДШИ, 2018.
45. Сайфуллаев Д.Б. Хорижий давлатлар дипломатик хизмати. – Тошкент.: 2018.
46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
- #### IV. Интернет сайтлар
47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
48. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
49. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
50. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
51. [www.ut.uz](http://www.ut.uz)
52. [www.to.uz](http://www.to.uz)
53. [www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)
54. [www.uzbekiston.uz](http://www.uzbekiston.uz)
55. [www.jb.uz](http://www.jb.uz)
56. [www.tafakkur.uz](http://www.tafakkur.uz)
57. [www.ppch-uzbekiston.uz](http://www.ppch-uzbekiston.uz)
58. [www.yoshlar.uz](http://www.yoshlar.uz)
59. [www.ijtimoiyfikr.uz](http://www.ijtimoiyfikr.uz)
60. [www.informanalytic\\_ru](http://www.informanalytic_ru)
61. <http://daily.sec.ru/dailypblshow.cfm>
62. [www.ase.md](http://www.ase.md)
63. <http://www.phreaking.ru/showpage.php>

